

«СЕН – ҚУДРАТ МАНБАИ, САОДАТ МАСКАНИ, ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ!»

ЖАҲОН

савдо ташкилотига
аъзолик
манфаатларимизга
қанчалик мос келади?



7

ҲАРАКАТЛАР

СТРАТЕГИЯСИ:

вазифалар ижросида қачонгача
сусткашликка йўл қўйилади?



9

№28

(1952-1955) 2020 йил
27 август — 2 сентябрь

MAHALLA — ADOLAT TAROZISI

Mahalla

ҲОКИМ БИЛАН МУЛҚДОР

ўртасидаги зиддият
қачон барҳам топади?



6

КАРАНТИН ОИЛАДАГИ

жанжалларни
кўпайтирдими?



8

МОНОПОЛ КОРХОНАЛАР

қачонгача халқ
чўнтагидан қўн
кўради?



11

Боғчаларга ажратилган
48,3 МИЛЛИАРД СЎМ
кимнинг чўнтагига
тушди?

13

Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газета

МУҲТОЖ ОИЛА ФАРЗАНДЛАРИГА

500 минг
сўмдан
моддий
ёрдам
берилади



2

СТАДИОНДА
ИМТИҲОНЛАР
чиндан шаффоф
ўтадимми?

14



Карантин даврида
«СПОРТ
ВАЗИРЛИГИ»
нима билан банд?



30

МУҲТОЖ ОИЛА ФАРЗАНДЛАРИГА 500 МИНГ СЎМДАН МОДДИЙ ЁРДАМ БЕРИЛАДИ

Давлатимиз раҳбари 2020 йил 26 август куни «Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорни имзолади.

Қарорга мувофиқ, моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилаларнинг болаларини киши кийим-бош тўпламлари, мактаб формаси ва ўқув қуроллари билан таъминлаш мақсадида 2020 йилнинг сентябрь ойида аҳолининг бир қатор қатламларига бир марталик моддий ёрдам кўрсатилади.

Жумладан, моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилаларнинг рўйхатларига («темир дафтар») киритилган оилаларнинг 16 ёшга тўлмаган болаларига, боқувчисини йўқотганлик пенсияси ёки нафақасини олувчи оилаларнинг 16 ёшга тўлмаган болаларига, ногиронлиги бўлган 16 ёшга тўлмаган болаларга бундан ёрдамлар берилади.

Бир марталик моддий ёрдам миқдори ҳар бир 16 ёшга тўлмаган бола учун 500 минг сўм этиб белгиланди.

Мазкур моддий ёрдам чоралари 810 мингдан ортиқ болаларни қамраб олади, бунинг учун 400 миллиард сўмдан ортиқ бюджет маблағи сарфланади.

Мактаб ўқитувчилари грипга қарши эмланади


Ҳужжатга кўра, республика-

даги барча бошланғич, умумий ўрта таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг ходимлари марказлашган тартибда 2020 йил 1 октябрга қадар бепул грипга қарши эмланади.

Бир марталик моддий ёрдам ва ходимларни эмлаш учун зарур маблағлар Ўзбекистон Республи-



каси Президентининг 2020 йил 30 июлдаги «Коронавирус пандемияси даврида ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6038-сон фармонида назарда тутилган ҳамда бошқа қўшимча манбалар ҳисобидан ажратилади.



Назорат қандай таъминланади?

Маблағларнинг ёрдам ва кўмакка муҳтож оилаларга мақсадли ва манзилли етказилиши юзасидан Молия вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармаси — боқувчисини йўқотган оилаларнинг вояга етмаган фарзандлари ҳамда ногиронлиги бўлган 16

ёшга тўлмаган болаларга моддий ёрдам пулларининг пенсияларни (нафақаларни) тўлаш учун белгиланган муддатда манзилли етказилиши ташкил этади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимлари, сектор раҳбарлари ҳамда Маҳалла ва

оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари — моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилаларнинг рўйхатларига («темир дафтар») киритилган оилаларнинг 16 ёшга тўлмаган фарзандлари сонидан келиб чиқиб, тўлов ведомостлари шакллантирилиши ҳамда туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимлари орқали уларга моддий ёрдам пулларининг ўз вақтида ва манзилли етказилиши ташкил этади ва назорат қилади.

Молия вазирлиги зарур маблағлар республика бюджетидан маҳаллий бюджетларга ўз вақтида ажратилишини, Марказий банк тижорат банклари билан биргаликда моддий ёрдам маблағларини тарқатиш учун нақд пул билан таъминлайди.

«МЕҲР-САХОВАТ» — ФИДОКОРЛИК МУКОФОТИ

Президентимиз 2020 йил 26 августда «Меҳр-саховат» кўкрак нишон билан мукофотлаш тўғрисида»ги фармонни имзолади.

Мазкур мукофот глобал пандемия ҳамда турли табиий офат ва фавқулодда ҳолатларга қарши курашиш, уларнинг оқибатларини бартараф этиш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бу борадаги ишларни умумхалқ ҳаракати даражасига кўтаришга катта ҳисса қўшган, жамиятимизда тинчлик-осойишталик, дўстлик ва тотувлик муҳитини мустаҳкамлашда фаол иштирок этаётган, беғараз ҳомиийлик ёрдами ҳамда эзгу ишлари билан барчага ўрнатилган юртдошларимизни муносиб тақдирлаш мақсадида берилади.

Кўкрак нишон билан соғлиқни сақлаш соҳасининг жонқуяр вакиллари, саховатли тадбиркорлар, давлат



ва жамоат ташкилотларининг фидойи ходимлари ҳамда бошқа ташаббускор ва фаол фуқаролар мукофотланади.

Номзодлар рўйхати вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бошқаруви органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа республика ташкилотлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан тақдим этилади.

«МАРД ЎҒЛОН» ДАВЛАТ МУКОФОТИ КИМЛАРГА ТОПШИРИЛАДИ?

Давлатимиз раҳбари «Мард ўғлон» давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисида»ги қарорни имзолади.

Ҳужжатга кўра, бир гуруҳ иқтидорли йигитлар фан, таълим, тиббиёт, маданият, адабиёт, санъат, спорт, ишлаб чиқариш, ҳарбий хизмат соҳалари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидаги фаолиятида эришган алоҳида ютуқлари учун «Мард ўғлон» давлат мукофоти билан тақдирланди.

Мукофот эгаларига совриндорлик дипломлари ва кўкрак нишонлари тантанали вазиятда топширилади. Шунингдек, уларнинг ҳар бирига базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари миқдоридан пул мукофоти берилади.

Қарор билан мазкур мукофот билан тақдирланганлар рўйхати ҳам эълон қилинди.




ЎЗА материаллари асосида тайёрланди.



Аҳолини рўйхатга олиш ишлари 2022 йил 1-25 ноябрь кунлари ўтказилади.

ЛИЦЕНЗИЯЛАШДАГИ ОВОРАГАРЧИЛИКЛАР ТЎЛИҚ БАРТАРАФ ЭТИЛАДИ



Тан олиш керак, «лицензия» ва «рухсатнома» деганда, кўпчиликнинг кўз олдига ўзига хос бюрократик тўсиқлар, турли овозагарчиликлар келади. Кўп кузатганмиз, баъзи ҳолатларда тадбиркор лицензия олиш учун узок вақт давомида сарсон бўлиб, керакли ҳужжатларни тўплаб топширади, бироқ арзимаган сабаблар билан унинг аризиси қайтарилади. Ҳўш, бундай ҳолатда у додини кимга айтсин?

Аслида, лицензия, бу — ҳуқуқ. Бошқача айтганда, фаолиятни бошлаш учун рухсатнома. Бироқ лицензия ва рухсатномалар орасида ҳисобни юритиш, маблағ ундириш ёки шунчаки назорат қилиш учун жорий қилинганлари ҳам бор. Бундай лицензиялар бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида спекулятив ҳаракатларнинг олдини олиш мақсадида жорий қилинган бўлиши мумкин, аммо энди улар бугунги кун талабларига жавоб бермай қўйди.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 24 августдаги «Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони билан айна соҳадаги қатор масалалар ечими кўрсатиб берилди. Ҳўш, ҳужжат билан қандай янгиликлар жорий этилади? Уларнинг самараси нималарда кўринади? Тадбиркорларни қийнаётган муаммолар бартараф қилинадими?



лиев. — Шунингдек, тадбиркорлик субъектларидан ортиқча ҳужжат талаб қилиш амалиёти бекор қилинади ва мазкур жараёнларни тўлиқ рақамлаштириш орқали маъмурий тартиб-таомиллар соддалаштирилади. Иккинчи босқичда (2020-2021 йиллар) лицензиялаш ва рухсат бериш соҳасидаги қонун ҳужжатларини тизимлаштириш ва кодификациялаш амалга оширилади, давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентлари ва паспортлари ишлаб чиқилади.

Қайд этиш керак, фармон билан 2021 йил 1 январдан бошлаб 70 та лицензия ва 35 та рухсатнома бекор қилиниб, 115 та лицензия ва рухсатномани олиш тартиб-таомиллари соддалаштирилади. Ваколатли органларга лицензия беришда айрим ҳаракатларни амалга ошириш тақиқланди.

Хабардор қилиш тизими жорий этилади

Фармонга асосан, 2021 йилдан Ўзбекистон тарихида илк маротаба лицензиялаш ўрнига хабардор қилиш тизими жорий этилади. Бунда тадбиркорлар ўз фаолиятини бошлашдан олдин ваколатли органни хабардор қилса kifoya. Ўз навбатида, тадбиркор бу билан олдиндан белгиланган талабларга риоя этиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

— Ҳужжатга кўра, 17 та лицензияланадиган фаолият йўналиш-

лари, 14 турдаги рухсатномалар ушбу тизимга ўтказилади, — дейди **Х.Мелиев.** — Мисол учун, мактабдан ташқари таълим, ломбард ветеринария даволаш, алкогольли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш каби фаолиятлар билан шуғулланишни мақсад қилган

тадбиркор бу ҳақда ваколатли органни хабардор қилса, шунинг ўзи етарли. Улар учун алоҳида лицензия олиш шарт эмас. Эътиборлиси, мазкур тартиб билан ҳужжат тўплаш, уни тегишли ташкилотларга олиб бориш, давлат божини тўлашга эҳтиёж

қолмайди.

Бундай тизимнинг афзаллиги шундаки, тадбиркор давлат органидан фаолиятини бошлашга розилик олишни кутиб ўтирмайди. Натижада коррупциявий ҳолат содир этилиш хавфи камаюди. Соҳада «яширин иқтисодиёт»нинг улуши пасаяди. Тадбиркор ўз фаолиятини ошқора ва қонун асосида олиб бориш имконияти яратилади. Шунингдек, хабардор қилиш тартиби жорий этилган фаолият турлари билан шуғулланишнинг ҳам жозибадорлиги ошади. Натижада ушбу фаолият билан шуғулланадиган тадбиркорлар сони кескин кўпаяди. Ўз навбатида, бу давлат органларининг иш юкламаси камайишига олиб келади.

Ҳужжатларнинг қоғоз шаклидан қачон воз кечилади?

Лицензиялашдаги яна бир муаммо шундаки, тадбиркор ўз фаолиятини бошлаш учун турли идораларнинг эшигига бош суқишга мажбур бўлади, бундай ҳаракатлар эса ортиқча овозагарчиликка олиб келади. Масалан, ветеринария дорихонаси очиш учун тадбиркор дастлаб Ветеринария қўмитасининг ҳудудий органларидан лицензия олса, шу вет-дорихонасида вакцина савдоси билан шуғулланиш учун қўмитанинг ўзидан бошқа лицензия олиши лозим.

Шунингдек, маълумотларга кўра, лицензияларнинг 79 фоизи,

рухсат берувчи ҳужжатларнинг 80 фоизи ханузгача қоғоз шаклида берилмоқда. Ўтган йили 4 мингдан ортиқ лицензия «бир дарча» тамойилига риоя қилинмасдан берилган.

— Фармонга кўра, 2021 йил 1 январдан лицензия ва рухсат бериш тартибига оид ҳужжатлар тўлиқ электронлаштирилади, — дейди **Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи Адҳам Турдиев.** — Бунда ягона платформа ишлаб чиқилиб, лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари билан боғлиқ барча жараёнлар қамраб олинади. Соҳада бевосита QR код амал қилади, гувоҳномага ҳам ҳожат қолмайди. Платформа

2021 йил 1 январдан лицензия соҳасидаги қонун бузилишлари ҳақида хабар берган шахслар ҳуқуқбузарлик ўз тасдиғини топганда, ундирилган жариманинг 10 фоизи миқдоридаги пул мукофоти билан рағбатлантирилади. Лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни тугатиш ва бекор қилиш эса фақат суд тартибида амалга оширилади.

ишга тушиши билан тадбиркорлар ҳеч бир ташкилотга бормасдан интернет орқали лицензия олиши ёки электрон тарзда лицензиясидан фойдаланиши мумкин бўлади. Бунда вилоятдаги тадбиркорлар ҳам Тошкентга келиб овоза бўлмайди. Уйдан туриб, электрон рўйхатдан ўтади. Инсон омилини камайитириш ҳисобида коррупция ҳам бартараф этилади.

Эътиборлиси, лицензия ва рухсатномаларнинг бекор қилиниши натижасида бож тўловларининг ўзидан 45 миллиард сўмдан ортиқ маблағ тадбиркорлар ихтиёрида қолиши кутилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, тадбиркорлар томонидан кўрсатилаётган хизмат сифати нархларда ўз аксини топади. Истеъмолчи сифатида бундан ҳар биримиз, албатта, манфаатдормиз.

Санжар ИСМАТОВ
«Mahalla»



Нечта лецензия тури соддалаштирилади?

Ҳужжат билан лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини икки босқичда комплекс ва тизимли ислоҳ қилиш режалаштирилмоқда.

— Биринчи босқичда (2020 йил давомида) инсон соғлиғига ва жамиятга зиён етказмайдиган лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг сони қисқартирилади, — дейди **Адлия вазири ўринбосари Худоёр Ме-**

Март-июнь ойларида коронавирус ва иқтисодий инқирозга қарши курашиш учун 49,3 трлн. сўм сарфланган.



«ТЕМИР ДАФТАР», «ОЛТИН ДАФТАР», «ЁШЛАР ДАФТАРИ», «АЁЛЛАР ДАФТАРИ»:

уларнинг бир-биридан фарқли жиҳати нимада?

Хар қандай иш режали, пухта ўйланган ҳолда амалга оширилса, қўйилган натижага эришиш осон кечади. Буни давлатлар миқёсида оладиган бўлсак, ҳар бир мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўлини маълум дастурлар, ҳаракатлар, стратегиялар асосида амалга оширади. Юртимизда ҳам айна мақсадларда Ҳаракатлар стратегияси, тегишли давлат дастурлари, «Йўл хариталари» қабул қилинган.


Пандемия даврида улар сафига «Темир дафтар» атамаси ҳам киритилди. Шунингдек, сўнгги пайтларда унинг муқобиллари — «Олтин дафтар», «Ёшлар дафтари», «Аёллар дафтари» ҳам тез-тез тилга олинмоқда. Хўш, бундай номли «дафтарлар»нинг тегишли дастурлари «Йўл хариталари»дан қандай фарқли жиҳатлари бор? Улар нималарни акс эттиради? Нега айнан бундай ном танланган? Шу билан муаммоларга ечим топиладими?

«Темир дафтар» темир қонда асосида шакллантирилди?

Айтиш керакки, карантин даврида ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга ёрдам кўрсатиш мақсадида эҳтиёжмандлар тўғрисидаги маълумотлар киритилган «Темир дафтар» рўйхати жорий қилинди. Рўйхат маҳалла раислари томонидан сектор раҳбарлари билан биргаликда шакллантирилади. Уни юритишда кам таъминланган оилаларнинг етти тоифаси белгиланди.

Хўш, нега айнан «Темир дафтар»? Маълумки, «темир дафтар» атамаси халқ кундалик ҳаётида, асосан, қарз мажбурийатларини ҳисобга оладиган восита сифатида мустаҳкам ўрнашган. Қарздорларни «темир» ҳисобга олиш зарурати кўпроқ қишлоқ жойларда, одамлар вақтинча пулсиз бўлганида ва дўкондан озиқ-овқат маҳсулотларини қарзга олганида пайдо бўлган. Қарз қайтарилганидан сўнг, сотувчи қарзни ўчириб ташлаган.

Пандемия шароитида жорий этилган «Темир дафтар»нинг юқоридаги ҳолатга қанчалик алоқаси бор-йўқлигини билмадигу, бироқ у билан боғлиқ машмашалар анча вақт кун тартибидан тушмади. Жумладан, рўйхатни шакллантиришда таниш-билишчиликка йўл қўйилгани, эҳтиёжмандлик даражасини аниқлашда нотўғри мезонларга асослангани, пул тарқатишдаги талон-торожликлар муҳокамалар



марказида бўлди. Бу ҳақда газетамиз саҳифаларида ҳам бир неча бор таҳлилий мақолалар эълон қилинди.

Қайд этиш керакки, «Темир дафтар»да умумий кўрсаткичлар эмас, ҳар бир оила, ҳар бир фуқаронинг муаммоси ва унинг ечими акс этиши керак. Бу рўйхатга тушган оиланинг ҳеч бўлмаганда бир нафар аъзосини иш билан таъминлаш зарур. Аксинча бўлса, ҳеч қанақасига бу оила оёққа туролмайди. Шу орқали уларни муҳтожликдан чиқариш мумкин.

— «Темир дафтар»ни юритиш бўйича вақтинча белгиланган тартибга кўра, фуқаронинг бу рўйхатда бўлиш муддатига аниқ чегара мавжуд эмас, — дейди **Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги бошқарма бошлиғи Ахрор Ғуломов**. — Ёрдамга муҳтож фуқаролар аниқланиб, рўйхатга киритилган, улар билан индивидуал ишлаш йўлга қўйилади. Меҳнатга лаёқатли бўлганлар ишга жойлаштирилиб, бандлиги таъминланади ёки ўз-ўзини банд қилиш орқали уларнинг даромадини оширишга эришилади. Шундан сўнг фуқаронинг аризаси ва ишчи гуруҳнинг тавсияси асосида бу фуқарони рўйхатдан чиқариш халқ депутатлари туман/шаҳар Кенгаши қарори асосида ҳал қилинади. Рўйхатда бўлган даврида фуқарога озиқ-овқат, дори-дармон, зарур бўлганда нақд пул шаклида ёрдам кўрсатиб борилади.

АФСУСКИ, КЎП КУЗАТЯПМИЗ, АЙРИМ РАҲБАРЛАР УЧУН ДАСТУРЛАР, «ЙЎЛ ХАРИТАЛАРИ» ЙИГИЛИБ ҚОЛГАН МУММОЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЎРНИГА, УЛАРНИ ХАСПЎШЛАШ ВОСИТАСИГА АЙЛАНИБ ҚОЛЯПТИ.

ролар аниқланиб, рўйхатга киритилган, улар билан индивидуал ишлаш йўлга қўйилади. Меҳнатга лаёқатли бўлганлар ишга жойлаштирилиб, бандлиги таъминланади ёки ўз-ўзини банд қилиш орқали уларнинг даромадини оширишга эришилади. Шундан сўнг фуқаронинг аризаси ва ишчи гуруҳнинг тавсияси асосида бу фуқарони рўйхатдан чиқариш халқ депутатлари туман/шаҳар Кенгаши қарори асосида ҳал қилинади. Рўйхатда бўлган даврида фуқарога озиқ-овқат, дори-дармон, зарур бўлганда нақд пул шаклида ёрдам кўрсатиб борилади.

Шу ўринда айтиш керакки, «Темир дафтар»га кириш фуқаронинг ҳаракатсизлигига сабаб бўлмаслиги керак. «Рўйхатга кирсам, давлат менга пул берар экан», деган фикр билан яшаш эмас, балки ўз даромадига эга бўлиш, иқтисодий имкониятларини яхшилашга ҳаракат қилиш керак.

«Олтин дафтар»га кимлар киритилади?

Давлатимиз раҳбари 17 август куни хорижда меҳнат қилаётган фуқароларга муносиб шарт-шароитлар яратиш ва улар билан тизимли ишлаш юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида салоҳиятли ватандошларимизнинг имкониятларидан фойдаланишда қатор ташаббусларни илгари сурди.

— Жумладан, Президентимиз ташаббуси билан «Олтин дафтар» маълумотлар базаси яратилади, — дейди **Ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Фарҳод Арзиев**. — Унга чет элда ишлайдиган ҳамюртларимиз — потенциал сармоядорлар, нуфузли хорижий университетларнинг профессорлари ва халқаро ташкилотлар вакиллари киритилади. Дунё тажрибасига қарайдиган бўлсак, Туркияда ҳам, Хитойда ҳам, Ҳиндистонда, Европада давлатлари, масалан, Италия ва Индияда ҳам шундай тажриба бўлган — ўз вақтида хорижда шаклланган диаспораларнинг салоҳияти мамлакат тараққиётига жалб қилинган. Бу йўналишга биз тараққиётимиз учун ўсиш нуқталаридан бири сифатида қараямиз.

Бандлик соҳасида янги тартиб жорий этилади

Президентимиз 20 август куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида яна бир муҳим ташаббусни ўртага ташлади — ишсиз ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш бўйича янги тизим яратилади. Унга кўра, бундай фуқаролар талаб юқори бўлган касблар ва

тадбиркорликка ўқитилади, шу асосда бизнесини йўлга қўйишда молиявий қўллаб-қувватлаш тартиби жорий этилади.

Бу ишларни тизимли амалга ошириш мақсадида мамлакатимизда жорий этилган «Темир дафтар»лар сингари, ишсиз ёшлар бўйича алоҳида «Ёшлар дафтари», ишсиз ва боқувчисиз хотин-қизлар бўйича алоҳида «Аёллар дафтари» шакллантирилиб, ҳар бири билан янги тизим, янги тартибда манзилли ишланади.

Номли «дафтарлар» доирасида маҳаллаларда шакллантирилган рўйхатлар асосида камбағал, ишсиз ёшлар ва хотин-қизлар касб-хунарга ўқитилади. Олий маълумотга эга, бироқ ҳудудий шароит туфайли ишга жойлаша олмаётган ёшлар эса ОТМлардаги қайта тайёрлаш курсларида имтиёзли ўқитилади. Шунингдек, ўз ўрнини топа олмаётган тадбиркор аёлларнинг бошқарувчилик, маркетинг соҳасидаги билим ва кўникмалари оширилиб, кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликка имтиёзли кредитлар ажратилади. Энг фаол, ташаббускор ёшлар ва хотин-қизларнинг инновацион фоялари эса молиявий қўллаб-қувватланади.

Албатта, ҳар қандай ишнинг режали, манзилли амалга оширилгани мақсадга мувофиқ. АФСуски, кўп кузатяпмиз, айрим раҳбарлар учун дастурлар, «Йўл хариталари» йиғилиб қолган муммоларни бартараф этиш ўрнига, уларни хаспўшлаш воситасига айланиб қоляпти. Баҳарилмаган ишлар, эътибордан четда қолган камчиликлар айнан улар билан «оқланяпти».

Истардикки, янги жорий этилаётган номли «дафтарлар» бундай бўлмасин. Уларга ҳақиқатда эҳтиёжманд оилалар, иш излаб, сарсон-саргардон бўлаётган йигит-қизлар, тақдир синовларида қолган опа-сингилларимиз қамраб олинишига эришиш керак. Бу рўйхатлар шунчаки чиройли ном ёки ҳисоботлар учун эмас, чиндан-да одамларни қийнаётган масалаларни бартараф этишга хизмат қилиши зарур.

Қолаверса, келгусида улар орқали тўпланган маълумотлар асосида ҳақиқатда ижтимоий ёрдамга муҳтож кишиларнинг ягона реестрини яратиш мумкин бўлади. Манзилли ёрдамларни айнан кимга йўналтириш, биринчи навбатда, кимларни ишга жойлаштириш масалаларини ҳал этишда ҳам айнан шу «дафтарлар»га таяниш зарурати туғилади.

Санжар ИСМАТОВ
«Mahalla»



Ҳукумат қарори билан Ваколатли иқтисодий операторлар тўғрисидаги низом тасдиқланди.



МАҲАЛЛАДА НУРОНИЙЛАРНИНГ ЎРНИ ҚАНДАЙ БЎЛМОҒИ ЛОЗИМ?

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигида «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойилини таъминлашда кексалар ва нуронийларнинг ўрни янада мустаҳкамлаш» мавзусида видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Йиғилишда «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойилининг ғоясини ҳаётга татиқ этишда ҳали маҳаллаларда камчиликлар етарли экани, хусусан, одамларни қийнаётган ташвишлар, муаммоларни ҳал этиш борасида аксарият йиғинларда олиб борилаётган ишлар талабга жавоб бермаётгани, нуронийлар, кекса отахону онахонларнинг ролини янада ошириш зарурлиги қайд этилди.

— Оилавий ажралишлар ва ноқонуний никоҳларнинг олдини олиш борасида ҳам маҳаллаларда бир қатор муаммолар мавжуд. — дейди Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ўринбосари Содиқжон Турдиев. — Хусусан, бутун мамлакатимизда қайд қилинаётган никоҳларнинг 10 фоизи ажралиш билан якун топаётди. Ажрим ёқасига

келиб қолган оилалар сони жорий йилнинг шу вақтига қадар 15 минг 413 тани, ноқонуний никоҳ асосида яшаётганлар эса 11 минг 985 тани ташкил қилаётди. Демак, жойларда «Кексалар маслаҳати» гуруҳлари ҳамда «Нуронийлар жамоатчилиги кенгашлари»нинг ролини янада оширишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Шунингдек, тadbирда жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш бўйича профилактик тadbирлар, нуронийлар ва кексалар иштирокида тарғибот-тушунтириш ишлари ҳам талаб даражасида ташкил этилмаётганига алоҳида урғу берилиб, бунинг натижасида маҳаллаларда жиноятлар сони ортгани айтиб ўтилди.

Фарҳод ЭШМЎМИНОВ.

МАҲАЛЛА ЯНГИ БИНОДА ИШ БОШЛАДИ

Андижон вилояти Олтинкўл туманидаги «Чўнтак» маҳалла фуқаролар йиғинининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Айтиш лозимки,



замонавий лойиҳалар асосида барпо этилган ва барча шароитларга эга ушбу маҳалла идораси Андижон шаҳрига туташ маҳаллада истиқомат қилувчи 625 та оилга ажойиб байрам тухфаси бўлди. Тантанали тadbирда фуқаролар йиғинига замонавий телевизор ва компьютер жамланмаси совға қилинди.

Маълумот ўрнида, фуқаролар йиғинининг янги биноси тadbиркор И.Норматов бошчилигидаги «Андижон омад файз» МЧЖ қурувчилари томонидан барпо этилиб, қурилиш ишларига 110 миллион сўм маблағ йўналтирилди.

Камол АБИЛОВ.

КАМЧИЛИКЛАР РАҲБАРЛАР САЛОҲИЯТИГА ҲАМ БОҒЛИҚМИ?

Президент ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги раҳбар кадрлари учун «Бошқарувнинг замонавий усуллари» мавзусида ўқув-семинари ўтказилди.



Унда вазирлик фаолиятини самарали ташкил этиш, аҳоли билан мулоқот қилиш орқали уларнинг муаммоларини аниқлаш ва ҳал қилиш, бошқарув менежменти, унинг замонавий усуллари ва раҳбар ходимларнинг бошқарув кўникмасини ривожлантириш каби муҳим мавзулар доирасида маърузалар қилинди.

— Очиқ мулоқот тарзида ташкил этилган семинарда тизимдаги муаммоларнинг юзга келиши ҳамда уларнинг ҳуқуқий ечимини топишда йўл қўйлаётган камчиликларга ҳам эътибор қаратилди, — дейди Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари Дилором Кўзиева.

— Вазирлик ташкил этилганига унча кўп

бўлмаган бўлса-да, эришилган ютуқлар қаторида тизимда учраётган камчиликлар ҳам йўқ эмас. Мазкур ҳолатларга баъзан тизимдаги кадрларнинг ўз ишига нисбатан масъулиятсизлиги ёки эътиборсизлиги сабаб бўлса, баъзан муаммони юзга келтирувчи омилларни бартараф этишда ҳуқуқий механизмнинг амалиётга жорий этилмагани бунга олиб келаётди. Шў жihatдан семинарда тизимдаги раҳбар кадрлар фаолиятида юзга келаётган муаммоларни бартараф этишда ҳуқуқий омилларнинг устувор мезонга айланиши муҳимлиги таъкидланди.

Элбек ШАРИПОВ.

МУРАККАБ ТУРМУШ ТАРЗИГА ЭГА ОИЛАЛАР ЎРГАНИЛДИ

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги масъул ходимларидан иборат Ишчи гуруҳи томонидан пойтахтимизнинг Бектемир туманидаги мураккаб ижтимоий ҳолатда яшаётган хотин-қизлар ва оилаларнинг бутунги ҳаёт тарзи, турмушида учраётган муаммолар атрофида ўрганиб чиқилди.



Ишчи гуруҳ аъзолари ўрганишлар давомида туманда хотин-қизлар учун яратилган шароитлар, коронавирус тарқалишининг олдини олиш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар, кўрсатилаётган моддий ёрдамларнинг ҳақиқий эҳтиёжманд оилаларга етиб борганлиги ҳолати билан танишди.

Мутасадди вакиллар тумандаги «Нурафшон» маҳалласида бўлиб, у ердаги низоли оилалар билан манзилли ишлаш, оилавий келишмовчиликларни бартараф этишга маҳалла фаоллари, дин уламолари, нуронийларни жалб қилиш ҳамда мазкур оилаларга бириктириш бўйича керакли чоралар кўрилди.

Имона ИБРОҲИМОВА.

ВАЗИРЛИК 18 НАФАР АЁЛНИ КАФИЛЛИККА ОЛДИ

Олий судда жазони ижро этиш муассасаларида оғир ўта оғир жиноятларни содир этиб, турли муддатларга озодликдан маҳрум этилган 18 нафар маҳкума аёлнинг назорат тартибида берган шикоятлари кўриб чиқилди.

Очиқ суд мажлисларида ҳар бир аёлнинг назорат тартибида берган аризаси қонун доирасида батафсил ўрганилди. Олий суд ва Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ўртасида имзоланган Келишув асосида жазо муддатини ўтаётган 18 нафар аёлнинг вазирлик ҳимоясига олиниши инobatта олинди ҳамда содир этган жинояти учун тайинланган жазонинг асосий қисмини ўтаган, қилмишига иқрор ва пушаймон бўлган



мазкур аёллар кафолат хати асосида жазодан муддатидан олдин озод қилинди.

— 3 нафар фарзандим бор, қўйган биргина нотўғри қадамим учун 8 йил уларнинг дийдорига мушток бўлиб ўтдим, — дейди кўзида ёш билан озодликка чиққан маҳкума аёллардан бири. — Ҳаётимдаги мана шу йиллар мен учун катта сабоқ бўлди. Мени кечирганликлари учун мухтарам Президентимиз, халқимиздан миннатдорман.

Севинч ҲУСАНОВА.

Уй-жой масаласи халқимиз учун бирламчи эҳтиёжлардан саналади. Шу боис «снос» билан боғлиқ муаммоларни бошқа ижтимоий-иқтисодий масалаларга қараганда жиддий қабул қиламиз. Тўғри-да, оддий инсонлар йиллар давомида топган-тутганини йиғиб уй курсаю, ундан бир кунда ажралиб қолса, буни қандай оқлаш мумкин?! Айниқса, кейинги йилларда фуқароларнинг мол-мулкани давлат фойдасига олиш билан боғлиқ муаммолар кўпайди. Бу эса соҳада кескин янгиланишлар ўтказиш кераклигини кўрсатди.



Дарвоқе...

Ҳукуматнинг 2019 йил 16 ноябрдаги тегишли қарорига кўра, давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун, шунингдек, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида ер участкаси ёки унинг бир қисмини олиб қўйиш ер эгасининг розилиги билан ёки ердан фойдаланувчи ва ижарачи билан келишган ҳолда амалга оширилади.

ҲОКИМ БИЛАН МУЛҚДОР ЎРТАСИДАГИ ЗИДДИЯТ ҚАЧОН БАРҲАМ ТОПАДИ?

Айбсиз фуқаролар кўпроқ азият чекяпти... (ми?)

Бунинг учун, энг аввало, қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш, ҳуқуқий жиҳатдан масалани тўла-тўқис ҳал этиш зарур. Қонун ижодкорлари эса айнан шу масалани бартараф этишга қаратилган ҳуқуқий ҳужжат — «Мулкдорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари кафолатлари янада кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда муҳокама қилишди.

Хўш, қонунга қандай ўзгартиришлар киритилмоқда? Шу билан масала ўз ечимини топадими? Халқимиз «снос» деган муаммодан қутуладими?

— Инсон ҳуқуқи, хусусан, унинг мулк ҳуқуқи билан боғлиқ ваколатларнинг битта орган ёки мансабдор шахс қўлида тутиланиб қолиши ҳеч қачон яхши оқибатларга олиб келмаган, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Мавжуда Ҳасанова. — Шу боис ер участкаларининг ҳокимлар томонидан ноқонуний олиб қўйилишига алоқадор кўнгилсиз воқеалар ҳақида тез-тез эшитиб қоляғимиз. Ачинарлиси, бундан аксарият ҳолларда ижтимоий муҳофазага муҳтож, кам даромадли фуқаролар азият чекади. Ваҳоланки, нотўғри қарорлар қабул қилинишига уларнинг ҳеч қандай алоқаси бўлмайди. Аслида бу муаммо узоқ йиллардан бери сақланиб, илдиз отиб келаётган эди. Бошқарув ва қарорлар қабул қилишда шаффофликка

эришишга қаратилган ислохотлар натижасида эски муаммо юзага қалқиб чиқди.

Ҳокимлар ваколати чекланмас экан, зиддиятлар тугамайди

Янги қонун лойиҳаси ана шундай қийин масалага ечим топишда мутлақо янги даврни бошлаб бериши кутиляпти. Жумладан, янгиланишга кўра, ер участкаларининг ҳокимлар томонидан олиб қўйилишига тақиқ белгиланган назарда тутилмоқда. Шунингдек, ер участкасига эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш, ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини тугатиш масалаларида ҳам ҳокимларнинг ваколатларини чеклаш белгиланяпти.

Ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун, шунингдек, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун олиб қўйиш ваколати Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашига берилмоқда.

— Амалдаги қонунда давлат манфаати устуворлик касб этган бўлса, таклиф этилаётган қонун лойиҳасида мулкдорлар ҳуқуқи, қонуний манфаатлари кафолатлари янада мустаҳкамланмоқда, — дейди Олий Мажлис қонунчилик палатаси депутати Илҳом Абдуллаев. — Бу — яхши, албатта. Аммо мен бу қонун лойиҳасининг ҳоким билан мулкдор ўртасида юзага келаётган зиддиятларга барҳам беришига ишонмайман. Ер билан боғлиқ ваколатнинг ҳокимдан маҳаллий Кенгашларга олиб берилиши масаланинг ечими

эмас. Чунки маҳаллий Кенгашларга ҳамон ҳокимлар раислик қилмоқда. У бу ваколатдан фойдаланиб, бундай қарорларни Кенгаш номидан тасдиқлаб олаверади. Ҳокимларнинг маҳаллий Кенгашларга раислик қилишига барҳам берилмас экан, ер билан боғлиқ зиддиятлар давом этаверади.

Ҳоким Кенгашлар ишига қачонгача таъсир кўрсата олади?

Шу кунларда «Халқ депутатлари Кенгашлари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам атрофлича муҳокама қилинмоқда. Унда халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари фаолиятига ташкилий, техникавий хизмат кўрсатиш вазифасини ҳокимликлар аппаратидан тегишли халқ депутатлари Кенгаш котибиятига ўтказиш, котибиятга юридик шахс мақоми берилиб, унинг фаолияти тегишли маҳаллий бюджет ҳисобидан молиялаштириш масалалари назарда тутилган. Кенгашлар фаолиятига бевосита қўмақлашувчи тузилмани ташкил қилиш орқали ҳокимликларнинг аппарати зиммасидан ўзига хос бўлмаган вазифалар соқит қилинади ва маҳаллий Кенгашлар томонидан давлат органларининг фаолияти устидан таъсирчан депутатлик назорати таъминланади.

Аммо, тан олиш керак, ушбу қонун лойиҳаси ҳам маҳаллий кенгашлар фаолиятини кучайтиришга хизмат қилмайди. Чунки депутатлар фаолиятига қўмақ-

лашувчи тузилма ҳам ҳокимиятда фаолият кўрсатади ва ҳоким хоҳлаган пайтда уларнинг ишига таъсир ўтказиши мумкин.

Халқ вакилларининг ўзи ҳимояга муҳтожми?

Ҳокимларнинг халқ вакилларини ўз назоратида ушлаб туриши бутун ё кеча пайдо бўлиб қолган масала эмас. Афсуски, аксарият депутатлар жойлардаги ижро ҳокимиятининг чизган чизигидан чиқмасликка аллақачон кўникиб бўлган. Агар халқ сайлаган, уларнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиши керак бўлган депутатларнинг аҳволи шу бўлса, оддий одамлар қай йўсин иш тутсин?

Тан олиш керак, «снос» каби кўплаб ижтимоий-иқтисодий масалаларни туман миқёсига ҳал этиш мумкин. Аммо ҳокимларнинг нотўғри қарор чиқариши, айрим ҳолларда ишни бирёқлама кўриши сабаб муаммолар катталашиб борапти. Бундай пайтда эса депутатлар ўзини кўрсатиши, ҳокимни қонуний иш туттишга мажбур қилиши керак. Аммо халқ вакилларининг ўзи ҳамон ҳимояга муҳтож эканини қандай тушуниш мумкин? Наҳотки, ижро ҳокимияти билан халқ вакилларининг ваколат ва вазифаларини бир йўла ҳал қилиб олиш, барча саъй-ҳаракатларни халқ манфаатларига йўналтириш шунчалик мураккаб жараён бўлса?!

Қонун ҳужжатларидан кўнгли тўлмаётган депутатларимиз қисқа муддатда ушбу саволларга ижобий жавоб беришларига умид қилиб қоламиз.

Боборовшан ҲОЗИДДИНОВ
«Mahalla»

Ўзбекистонда «ANOR BANK» АЖга фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия берилди.

Ўзбекистоннинг мамлакатлараро савдо қоидаларини бошқариб турувчи ягона халқаро ташкилот — Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ)га аъзо бўлиш ҳақида узоқ йиллардан буён айтиб келинади. Бироқ айрим объектив ва субъектив сабаблар туфайли бу иш доимо орқага суриллаверади. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: ташкилотга аъзолик бизга нима беради? Унга аъзоликнинг қандай талаблари бор? Бунда иқтисодийтимиз нималарнидир йўқотиши мумкинми?

ЖАҲОН САВДО ТАШКИЛОТИГА аъзолик манфаатларимизга қанчалик мос келади?

Шу каби саволларга жавоб топиш мақсадида **иқтисодий фанлари бўйича фалсафа доктори Мақсуд РУСТАМОВ**ни суҳбатга чорладик.

— Дарҳақиқат, Ўзбекистон ҳукумати бу ташкилотга аъзолик учун 1994 йилда ариза топширган, аъзолик ҳаракатлари эса 1992 йилдаёқ бошланган эди, — дейди **М.Рустамов**. — Ташкилотга қанча вақт ичида аъзо бўлиш давлатнинг ўзига ҳам боғлиқ, яъни қайсидир мамлакат камроқ, қимдир кўпроқ муддат давомида жараёнини ўрганиши, ички имкониятларини ташкилот қўядиган талабларга мослаштириши мумкин. Лекин умумий олиб қараганда, ҳар бир давлатнинг бу ташкилотга аъзо бўлиш жараёни ўртача 7-8 йилни, баъзи давлатлар учун эса 10-15 йилни ташкил қилган.

Мамлакатимизда эса бу жараён бироз чўзилиб кетди. Чунки ташкилотга аъзо бўлиш истаги кучли ҳаракатга айлангунча маълум вақт зарур эди. Бунинг даври мобайнидаги иқтисодий ҳолатимиз би-

лан ҳам боғлаш мумкин. Мамлакат ўз ишлаб чиқарувчиларини кучли ҳимоя қилиш тарафдори эди. Бугунга келиб бу қараш эскирди. Янги Ўзбекистон олдида мутлақо бошқа вазифалар қўйилган ва шу боис ЖСТга аъзо бўлиш борасида музокаралар жиддий тус ола бошлади.

Аъзолик бизга қандай фойда келтиради?

ЖСТ халқаро тижорат учун қулай ҳуқуқий тизимни тақдим эта олади. Ўзаро қабул қилинган муҳим ҳужжатлар давлатларнинг ўз савдо сиёсатларини келишилган мезонларда олиб боришида масъулият юклайди. Бу жаҳон бозорида муваффақиятли фаолият юритишда товарлар ва хизматларни ишлаб чиқарувчилар, экспортёр ва импортёрларга кўмак беради.

Ташкилотнинг асосий функцияларидан бири — айнан халқаро савдони либераллаштириш, савдо битимларининг одиллигини таъминлаш, иқтисодий ўсиш ва халқ фаровонлигини оширишдан иборат.

Умуман, ташкилотга аъзо бўлишнинг ижобий жиҳатлари кўп. Масалан, тўсиқларсиз ўзаро маҳсулот айирбошлашга эришилади. Бу орқали инсонларга сифатли маҳсулот истеъмол қилиш имкони яратилади. Экспорт қилинаётган маҳсулотлар ҳисобига миллий маҳсулотлар таннархи тушади. Қолаверса, миллий ишлаб чиқариш ҳажмининг ошириб, бюджетга пул тушувларини кўпайтиради.

Яна бир жиҳат: ЖСТ унга аъзо мамлакатлардан ички бозорни эркинлаштиришни қатъий талаб қилади. Бу монополияга қарши курашнинг самарали йўллари билан олиш керак, ҳалқимиз узоқ йиллардан буён монополистлардан азият чекиб

келади. Масалан, автомобиль ишлаб чиқариш, авиакомпания, темирйўл ширкати монополист бўлгани учун ҳам истаган нархни ўрнатади, жамият, давлатчилик улар билан самарали кураша олмайди. Мана, яқинда машиналар нархи асоссиз оширилгани ҳақида депутатлик сўрови юборилди. Ишлаб чиқарувчилар эса бунинг тан олмади. Бундан Ўзбекистон иқтисодиёти азият чекапти.

ЖСТ эса монополияга барҳам бериш талабини қўяди. Очиги,



ушбу вазифани бажариш унчалик осон бўлмайди. Сабаби, арзон ва сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи чет эл корхоналарига рақобат қила олмаган миллий корхоналар таназзулга учраши мумкин. Демак, ташкилотга аъзо бўлгунгача бўлган вақтда миллий корхоналаримизни соғлом рақобат муҳитида ишлашга ўргатиб боришимиз зарур.

Нималарни йўқотамиз?

Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзолиги божхона солиқларини 8-10 фоизгача қисқартиришга тўғри келади ва бундан Давлат бюджетига зарар кўради. Лекин божхона тарифларининг кескин қисқариши мамлакатда маҳсулотларнинг арзонлашишига хизмат қилади.

Шунингдек, республика ички карисидида замон талабига мос бозорбоп маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг, хусусан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи корхоналарнинг Хитой, Хиндистон, БАА савдо ширкатларига рақобат қила олмаслиги хавфи туғилади.

154



WTO OMC

WORLD TRADE ORGANIZATION
ORGANISATION MONDIALE DU COMMERCE
ORGANIZACIÓN MUNDIAL DEL COMERCIO

Оқибатда қишлоқ хўжалиги дарамадсиз соҳага айланиб қолиши, бу эса 49,5 фоизи қишлоқларда яшайдиган аҳоли учун янги инфратузилмани яратиш заруратини келтириб чиқаради. Қишлоққа саноат тармоқлари кириб келиши Ғарб мамлакатларида бўлганидек, фуқаронинг тафаккур дунёси жиддий ўзгаришига ва ижтимоий фаоллигига олиб келади.

Демак, ташкилотга аъзо бўлишдан аввал мана шу жиҳатларни ҳам ҳисобга олиш, эҳтимолий зарарларнинг ҳар бирини эътибордан четда қолдирмаслик керак.

Умуман олганда, ташкилотга аъзо бўлишнинг салбий жиҳатларига ҳозирлик кўрган ҳолда, аъзо бўлиш чораларини жадаллаштириш керак. Негаки, ЖСТнинг асосий тамойили — эркин, очик, шаффоф рақобат. Хозирги глобаллашган замонда ёпиқ эшиклар ортда жон сақлаб бўлмайди. Бунинг учун, энг аввало, монопол корхоналар рақобатбардошлигини ошириш керак. Эшикларни қанчалик тез очсак, соҳалардаги ички сиёсатни тўғри ташкил этиб, рақобатбардошликни, кадрлар тайёрлашни самарали йўлга қўядиган бўлсак, Ўзбекистоннинг глобал иқтисодиётга тайёр бўлишини таъминлаган бўламиз.

Аксарият мутахассислар ЖСТга аъзо бўлиш очик бозорни таъминлашни, шунингдек, деҳқон хўжаликлари бу аъзоликдан зарар кўриши мумкинлигини ҳам айтишяпти. Шу билан бирга, бошқа турдаги маҳсулотларнинг таннархи кескин тушади. Демак, фойда ва зиён обдон ўрганиб чиқиш шарт. Бунинг учун соҳада келишувларни амалга оширадиган масъуллар ҳар доимгидан-да хушёр бўлиши зарур. Негаки, дунё тажрибаси ташкилот келишувларга қараб кўпроқ фойда келтириши мумкинлигини кўрсатмоқда. Яъни ҳаммаси келишувга, мамлакат ички имкониятини тўғри баҳолай олишига боғлиқ. Умид қиламизки, ана шундай муҳим қарор қилиш вақтида халқ манфаати устуворлик касб этади.

Суҳбатни «Mahalla» мухбири
Боборавшан ҲОЗИДДИНОВ
ёзиб олди.

Дарвоқе...

ЖСТга 1995 йил январда асос солинган ва айни вақтда 164 давлат ушбу ташкилот аъзоси ҳисобланади. Ташкилот жамоавий бахслар, музокаралар ва тақдимлаш орқали мамлакатлар орасидаги савдо алоқаларини ривожлантирувчи платформа ҳисобланади.

Ташкилот қарорлари қоидага кўра, икки йилда бир марта қабириладиган Вазирлар конференцияси томонидан қабул қилинади. Низоли ишларни эса Бош кенгаш қошидаги низоларни ҳал этиш ва савдо сиёсати таҳлиллари билан шуғулланадиган органлар ҳал этади.

Москва давлат халқаро муносабатлар институти
ректори «Дўстлик» ордени билан мукофотланди.

Куни кеча ижтимоий тармоқларда бир аёлни калтаклашаётгани ва кадр ортида: «Етим. Уйда чўри бу келин. Яқинда кўлини уриб синдирибди эри. Ҳаммадан қолган овқатни еб, хўрланиб ўтирибди. Уйдан чиқаришмас экан. ИИБ, Бош прокуратура, Инсон ҳуқуқлари бўйича марказ бу аёлни топиб, ёрдам беришларини сўраймиз» каби жумлалар билан видеомурожаат тарқалди. Тасвирлардаги аёлнинг ҳолсиз аҳволда эканидан бу ерда кўнгилсиз ҳолат юз берганини англаш қийин эмас...



КАРАНТИН ОИЛАДАГИ

жанжалларни кўпайтирдими?



Карантин даврида оилавий зўравонликлар кўпайди. Негача?

Дарҳақиқат, агар кўчада ким биландир «сен-менга» борсанг, ота-онанг ёки турмуш ўртоғинг, оилангга дардингни айтасан, аммо ўз яқинларинг шундай муносабатда бўлса-чи? Додингни кимга айтасан? Халқимизда: «Уйдаги гапни кўчага чиқарма» деган гап бор. Афсуски, бутун ана шу нақлга амал қилиб, қанчадан-қанча оғир турли зўравонликларга бардош бериб яшаб келаётгани ҳам бор гап.

Юқоридаги ҳолат ягона эмас. Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш марказлари (шелтер) маълумотларига кўра, карантин даврида чиндан ҳам, аксарият оилаларда муҳит бузилган ва уларга мурожаатлар сони бу даврда ортган. Марказларнинг «Ишонч телефони»га 10-15 август кўнлари 299 та мурожаат келиб тушган бўлса, ушбу рақам июль ойининг охириги ҳафтасида 494 тани ташкил этган эди.

— Карантин қоидалари инсонларнинг руҳиятига ҳам таъсир кўрсатмай қолмади, — дейди психолог Зебунисо Аҳмедова. — Айниқса, ишсиз қолган, камхарж



оилаларда зарурий маҳсулотлар етишмовчилиги турли келиш-мовчиликлар, оилавий жанжалларнинг юзага келишига сабаб бўлди. Шунингдек, қариялар ва уйда ўтиришга кўникмаган эркакларнинг табиатида кўрс-лик, тундлик, хавотир ва кўркув пайдо бўлди. Бундай психологик зўриқишлар эса кичкина муаммоларни ҳам катта можарога айлантириб юборади. Низоларнинг пайдо бўлишига кишиларнинг узоқ вақтдан бери бирга вақт ўтказмагани ва бунинг натижасида бегоналашиб боргани ҳам сабаб бўлди. Шу боис оталар иш вақтларида ҳам оиласи ва фарзандларига вақт ажратиб туриши керак. Оилавий можаролар кўпроқ узоқ йиллардан бери давомий чет элда меҳнат қилиб, карантин сабаб уйга қайтган эркаклар оиласида кўпайди. Сабаби бунда чет элда ишлаган кишининг яшаш шароити ва у ерда кўрган қийинчиликлари характерида ҳам намоён бўлади.

Маҳаллага психолог керакми?

Кўп ҳолларда зўравонликка учраган фуқаро қаерга мурожаат қилишни билмайди. Айримлари маҳалла идорасига бош уриб боради, аммо

бу масканда ҳуқуқшунос, руҳшунос каби мутахассислар фаолият юритмаслиги боис баъзан уларга тўғри йўналиш берилмайди. Шу боис оилалардаги руҳий ҳолатнинг бузилиши, ё бўлмаса, воқеа-ҳодисаларга қонуний баҳо бериш учун маҳалла идорасида айтиш соҳа мутахассислари ҳам фаолият юритишса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Чунки оиладаги ижтимоий муҳитнинг бузилаётгани ўз вақтида аниқланса, муаммони ўз жонига қасд қилиш ёки турли оилавий-маиший жиноятлар содир бўлишдан олдин ҳал этиш мумкин. Шунингдек, маҳалла фаоллари шелтер марказлари билан узвий алоқани йўлга қўйишса, соҳада самарали натижаларга эришса бўлади. Айни пайтда республика-камиз бўлиб ташкил этилган ушбу марказларда ҳуқуқшунос, руҳшунослар бундай фуқароларга керакли маслаҳатларни бериб, муаммоларига ечим топишмоқда.

Ёрдам марказининг ўзи кўмакка муҳтож бўлса...

— Марказларнинг самарали фаолият юритишида кадрлар масаласи долзарб муаммо бўлиб турибди, — дейди Сенатнинг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари кўмитаси аъзоси, сенатор Малика Қодирхонова. — Афсуски, ўрганишлар давомида мазкур марказларда психолог ва ҳуқуқшуносларнинг етишмаслиги кузатишмоқда. Марказ ходимлари базавий психологик ва ижтимоий

иш олиб бориш кўникмаларига эга эмас, бу эса улар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатига бевосита таъсир кўрсатмоқда. Шунингдек, айрим марказ мутахассислари жамоатчилик асосида фаолият юритади, моддий рағбатлантириш етарли даражада эмаслиги эса иш самарадорлигини оширишга тўсиқ бўляпти. Бундан ташқари, айрим марказларда жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш учун тиббиёт бирлашмаси, ички ишлар бошқармаси, бандликка кўмаклашиш марказлари билан ҳамкорликда фаолият олиб бориши етарли даражада йўлга қўйилмаган.

Айни пайтда ҳудудлардаги реабилитация марказлари ўша туман ҳокимлиги ёки тиббиёт бирлашмаси ва бошқа ташкилотлардан ажратилган хоналар ва уларга қарашли биноларда фаолият юритади. Бу эса баъзида марказлар ўз фаолиятини эркин олиб боришига халақит беради. Текширишлар давомида марказларга компьютер жамланмаси, мебель жиҳозлари ва бошқа зарурий буюмларга эҳтиёж борлиги аниқланди. Айни пайтда ташкилотта мурожаат қилувчилар сони кўпайган экан, демак, уларнинг фаолиятини такомиллаштириш учун моддий-техник базани ҳам мустаҳкамлаш талаб этилади.

Оила — жамиятнинг энг қўли ва асосий бўғини ҳисобланади. Шу боис биргина оилада тинчлик-хотиржамликнинг бузилиши, бутун жамиятга ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Аслини олганда, муқаддас кўрғонни барпо этишда масъулият билан ёндашилса, эрта турмуш қуриш ёки мажбуран, бойлик, мансабга учиб оила қуриш каби иллатлар йўқолса, оилавий зўравонлик ва можаролар ҳам камайган бўларди. Аммо бутунг кунда бундай кўнгилсиз ҳодисалар рўй бериб турган экан, соҳа фаолиятини жадаллаштириш давр талабидир.

Мақолани Сенатнинг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари кўмитаси билан ҳамкорликда Санжар ЭШМУРОВОВ тайёрлади.

Ўз жонига қасд қилувчиларнинг 10 тадан 7 таси аёллар


► Европа Иттифоқида 15 ёшдан бошлаб, 45-55 фоиз аёллар жинсий таъйиққа учрашади.

► Умумжаҳон одам савдоси муаммосини тадқиқоти маълумотларига кўра, одам савдоси қурбонига айланган 10 та одамдан 7 таси аёллар ва қизлардир.

► Жаҳонда 60 фоиз мамлакатларда аёллар эркаклар билан тенг молиявий хизматлар, 42 фоиз мамлакатларда эса ерга эгалик қилиш ҳуқуқига эгадир.

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ:

вазифалар ижросида қачонгача сусткашликка йўл қўйилади?



«Давлат дастури» деган сўз расмий доираларда тез-тез тилга олинади. Бунинг замирида давлат ва ҳукумат миқёсидаги устувор вазифалар ижросини таъминлаш бўйича кенг қамровли саъй-ҳаракатлар амалга оширилади. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган Ҳаракатлар стратегиясида ҳам йирик ҳажмли, ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этувчи ва халқ манфаатларига йўналтирилган 5 та йўналиш белгиланган. Унинг доирасида ҳар йили алоҳида дастур қабул қилинади.

Ҳўш, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили» Давлат дастурининг ижроси қай даражада бажарилди? Ижтимоий соҳада ўзгаришлар сезилдими? Нега айрим вазифаларни бажаришда сусткашликка йўл қўйилди?

Етти ойда нечта банд бажарилмади?

Ижтимоий соҳани ривожлантиришга Давлат дастурида диққат-эътибор қаратилиши бежиз эмас. Чунки айнан шу соҳа орқали аҳолининг ҳаёт кечириш индекси баҳо берилади. Одамларнинг жамият ҳаётидан розилик даражаси ҳам ижтимоий соҳалар қай даражада йўлга қўйилгани ва ривожланганига боғлиқдир.

Давлат дастурининг «Ижтимоий соҳани ривожлантириш»га қаратилган тўртинчи устувор йўнали-

рининг қабул қилиниши ҳам ўша бандни бажариш йўлидаги бир қадам ҳисобланади. 15 мартдан бошлаб эълон қилинган карантин ижтимоий соҳани ривожлантиришга қаратилган аксарият вазифаларнинг ўз муддатида бажарилмаслигига ёки кечикиб адо этилишига таъсир кўрсатмасдан қолмаяпти.

Бирок ўринли савол ҳам туғилади: нима учун Давлат дастурида қанчадан-қанча вазирлик, агентлик ва қўмиталар зиммасига юклатилган минг хил вазифа адо этилади-ю, айрим соҳаларда оқшаш, эътиборсизлик, масъулиятсизлик кузатилмоқда?

Йиллик кўрсаткичнинг бор-йўғи 10 фоизи ўзлаштирилган. Нега?

Дастурнинг 157-бандига мувофиқ мактабгача таълим тизимида бола қамровини 60 фоизга етказиш чора-тадбирлари белгиланган. 2020-2022 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларни ўз вақтида сифатли бажариш назарда тутилган бўлса-да, кузатишлар ушбу банд графикадан ортда қолиб, амалий ишлар кечикаётганини кўрсатмоқда.

Дастлабки олти ойлик натижаларга қўра, 332 та мактабгача таълим муассасасида қурилиш-таъмирлаш ишлари учун 1 348,7 млрд сўм ажратилган. 2020 йилнинг 1 июль

ҳолатига 256 та масканни бунёд этиш учун 139,2 млрд сўм молиялаштирилган ёки йиллик кўрсаткичнинг бор-йўғи 10 фоизи ўзлаштирилган. Бундан ташқари, ҳозирги кунга қадар 321,8 млрд сўмлик 76 та мактабгача таълим муассасаси бўйича тендер савдолари якунланмаган ва молиялаштириш бошланмаган. Вазирлик раҳбарияти томонидан бунёдкорлик ишлари муайян тизимга солинмагани ёки пала-партиш ташкил қилинаётгани бунга сабаб бўлмаётганими?

Маданият вазирлиги дастурга эътиборсиз қаради...(ми)?

Юртимизда олис ва яқин ўтмишдан бизга қадар етиб келган моддий маданий мерос объектларидан 8 минг 200 дан зиёди рўйхатга олинган. Давлат дастурининг 221-бандида ЮНЕСКО Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган бундай объектларни муҳофаза остига олиш, таъмирлаш масаласи қўйилган. Жорий йил 1 майига қадар Маданият вазирлиги, ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий комиссия, тегишли вазирлик ва идораларнинг бу муаммога эътиборсизлик қилганини фақат карантин ҳолати билан боғлаш унчалик тўғри эмас.

Чеклов жорий қилинган бўлса-да, санитария-гигиена қоидаларига риоя қилган ҳолда Бухоро, Самарқанд, Хива, Шахрисабз, Қарши, Термиз шаҳарларидаги ЮНЕСКО Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган ҳудудлар ва уларнинг қўриқланадиган тегралари чегарасини белгилаш мумкин эди. Ходимларга умумий иш стаж, илмий унвон ва даражага эга бўлгани учун устама тайинлаш ҳам ўз ечимини топмади. Реставратор усталар малакасини ошириш ва уларга малака сертификатини бериш тизимини йўлга қўйиш Давлат дастури ижросидаги яна бир муҳим қадам бўлар эди.

Концепция лойиҳасини ишлаб чиқиш нега кечикди?

Юртимизда шу вақтга қадар кино санъатини ривожлантиришнинг қонунчилик базаси яратилмагани боис дастурнинг 227-бандида бу соҳани тараққий эттиришга доир концепция жорий йилнинг 1 июлига қадар ишлаб чиқиши белгиланган эди. «Ўзбекино» миллий агентлиги мутасаддилари томонидан бу ҳужжатни ўз муддатида ишлаб чиқишга эътибор қаратилмагани сабабли, у август ойининг иккинчи ярим-дагина кенг жамоатчилик ҳукмига ҳавола этилди. Лойиҳа Норматив

ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари порталига жойлаштирилган, концепция мазмун-мундарижасини янада яқшилашга доир 200 дан зиёд тақлиф-мулоҳаза билдирилган.

Туризм ривожига пандемия таъсир кўрсатди

Давлат ғазнасига катта даромад олиб келадиган туризм соҳаси жорий йилда коронавирус пандемияси оқибатида деярли «ўтириб» қолди. Июнь ойида «яшил» ҳудудлар учун туристик объектларга сайёҳларнинг борди-келдиси учун рухсат берилган бўлса-да, бу Давлат дастурининг 236-239-бандларида белгиланган сайёҳлар сонини жорий йилда 5-7 миллионга етказиш, объектлар сонини кўпайтириш, зиёрат ва тиббиёт туризмининг комплекс ривожлантириш, соҳа йўл бўйи инфратузилмасини тараққий эттиришдек бир-бирига узвий боғлиқ бўлган вазифалар ижроси учун тўлиқ имкон яратмаяпти.

Қолаверса, 10 июлдан яна қучайтирилган карантин жараёни дастур ижросига салбий таъсир кўрсатди. Аммо Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан йил охиригача бу вазифаларни имкон даражасида удаллаш чора-тадбирлари кўрилиши керак.

Давлат дастурида белгиланган ҳар бир банд ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эгадир. «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили» Давлат дастурининг тўртинчи йўналишида кузатилаётган ҳолатлар бошқа йўналишларга ҳам хос экани аққол ҳақиқатдир. Бунга узоқ муддат давом этган карантин чора-тадбирларидан ташқари, тегишли вазирлик, қўмита, агентлик ва идоралар раҳбарларининг масалага эътиборсизлик билан қараётгани ҳам сабаб бўлмоқда. Бунга эса чек қўйиш зарур.

Умид РАЖАБОВ,
«Юксалиш» умуммиллий
ҳаракати координатори.

Мавзуга оид маълумот:

2020 йилги Давлат дастури 284 та банддан иборат бўлиб, унда умумий қиймати 18,2 трлн. сўм ва 10,3 млрд. АҚШ долларига тенг лойиҳаларни амалга ошириш назарда тутилган.

ида 84 та банд ижрога йўналтирилган бўлиб, ўтган етти ой ичида шундан 36 тасини амалга ошириш белгиланган. Мониторинг натижаларига қўра, 157-, 165-, 221-, 227-, 236-239-бандлар ҳужжатлар қабул қилинган бўлса-да, уларнинг амалдаги ижроси таъминланмаяпти. Тўғри, қайсидир соҳа ривожига қаратилган қонуности ҳужжатла-

ҳолатига 256 та масканни бунёд этиш учун 139,2 млрд сўм молиялаштирилган ёки йиллик кўрсаткичнинг бор-йўғи 10 фоизи ўзлаштирилган. Бундан ташқари, ҳозирги кунга қадар 321,8 млрд сўмлик 76 та мактабгача таълим муассасаси бўйича тендер савдолари якунланмаган ва молиялаштириш бошланмаган. Вазирлик раҳбарияти томонидан бунёдкорлик ишлари муайян тизимга солинмагани ёки пала-партиш ташкил қилинаётгани бунга сабаб бўлмаётганими?

1 сентябрдан барча аукцион савдолари натижалари QR-кодни қўллаш орқали расмийлаштирилади.



Бундан икки йил олдин «Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида»ги қонун қабул қилинган эди. Мазкур ҳужжат

талабларидан келиб чиқиб тузилган хусусий бандлик агентликлари томонидан 3198 нафар фуқаромиз Россия, Туркия,

Литва, Латвия, Польша, БАА каби 22 та чет эл давлатига меҳнат қилиш учун жўнатилди.

Нега амалдаги

ҚОНУНГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИЛДИ?



Эркин ГАДОВЕВ,

Олий Мажлис Сенатининг
Бюджет ва иқтисодий ислохотлар
масалалари қўмитаси раиси.

Бироқ кейинги пайтда фуқаролар, кенг жамоатчилик ҳамда оммавий ахборот воситалари томонидан хусусий бандлик агентликлари фаолияти ҳақида ижобий фикрлардан кўра, кўпроқ эътирозли мулоҳазалар билдирила бошланди. Ўрганишлар натижасида бундай агентликлар томонидан чет элда ишлаш истagini билдирган фуқароларнинг маблағларини талон-торож қилиш ҳолатларига йўл қўйилгани аниқланди. Яъни тижорат ташкилоти ҳисобланувчи хусусий бандлик агентликларининг аксарияти ишга жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатишда хорижда ишлаш ниятидаги шахслардан 11,5 млн. сўмдан 35 млн. сўмгача миқдорда тўловларни олдиндан ундириб, хизмат кўрсатмасдан алдаб уларга моддий зарар етказган.

Маълумотларга қараганда, бугунги кунда 10 та хусусий бандлик агентлиги раҳбарларига 7123 нафар фуқарога 72 миллиард сўмдан ортиқ моддий зарар етказганликлари учун жиноят иши қўзғатилган.

Янги ҳужжатда қандай ўзгаришлар бор?

Юқорида қайд этилган ҳолатларга барҳам бериш мақсадида «Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида»ги қонунга бир қатор ўзгартриш ва қўшимчалар киритилди. Мазкур ҳужжат яқинда бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг олтинчи ялпи мажлисида кўриб чиқилиб, маъқулланди. Ҳўш, улар нималардан иборат?

Аввало мазкур қонунга ўзгартриш ва қўшимчалар киритиш орқали хориждан иш қидираёт-

ган шахсларни ишга жойлаштириш учун тўловларни чет элдаги корхона ҳисобидан амалга ошириш механизмини жорий этиш орқали **фуқаролардан пул олиш амалиёти бекор қилинмоқда. Қонуннинг 13-моддасига қўшилётган нормага кўра, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида иш қидираётган шахсларга ёзма шаклда билдиришнома берилиб, унда ишга жойлаштириш бўйича кўрсатилган хизматлар учун фуқаролардан ҳақ ундиришга йўл қўйилмаслиги тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек, хусусий бандлик агентлиги томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда мурожаат қилиш учун хусусий бандлик агентлигининг ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг почта манзиллари ҳамда телефон рақамлари кўрсатилади. Барча хизматлар иш берувчининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Мазкур талаб бузилганда эса хусусий бандлик агентлигининг мансабдор шахсига жарима солиниши назарда тутилиб, агентликнинг хизмат кўрсатиш бўйича моддий жавобгарлиги оширилмоқда.**

Етказилиши мумкин бўлган зарарнинг олди қандай олинадиган?

Қонунда хусусий бандлик агентликлари томонидан фуқароларга етказилиши мумкин бўлган зарарларнинг олдини олишга қаратилган профилактик тадбир назарда тутилган. Унга кўра, хусусий бандлик агентлиги ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда иш қидираётган шахсларга мурожаат қилишлари учун агентлик ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан боғланишга доир маълумотлари кўрсатилган ёзма шаклдаги билдиришнома берилиши белгиланган. Шунингдек, агентлик кўрсатадиган хизматлар тўғрисидаги шартнома Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг ахборот тизимида реал вақт режимида рўйхатдан ўтказилиши ҳам қонунда қайд этилмоқда. Бу эса хусусий бандлик агентлиги ўз мажбуриятини бажармаса иш

қидираётган шахснинг кимга мурожаат қилиши мумкинлиги тўғрисида аниқ маълумот олишга имкон беради.

Ахборот ва маслаҳат хизматлари қандай кўрсатилади?

Қонуннинг 14-моддасидаги ўзгартришга кўра, ишга жойлаштириш соҳасидаги ахборот ва маслаҳат хизматлари хусусий бандлик агентликлари томонидан бу ҳақдаги шартнома асосида кўрсатилади. Ишга жойлаштириш соҳасида хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномага мувофиқ, хусусий бандлик агентликлари ишга жойлаштириш соҳасида тақдим этадиган ахборот ва маслаҳат хизматларининг қиймати қонун ҳужжатларида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдоридан ошмаслиги керак. Хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартнома Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг «labor-migration» ахборот тизимида реал вақт режимида рўйхатдан ўтказилиши бўйича норма қонуннинг 15-моддасида ўз аксини топган.

Ҳамкорлик тўғрисида шартнома тузиш талаби қўйилмоқда

Республикадан ташқарида иш қидираётган фуқароларимизни ишга жойлаштириш кафолатларини ошириш мақсадида хусусий бандлик агентликларининг чет эллик иш берувчи, шериклар билан ёзма шаклда ҳамкорлик тўғрисида шартнома тузиш талаби ҳам киритилмоқда. Бу шартнома ёзма шаклда тузилади ва у фуқароларимизни ишга жойлаштириш шартларини, тарафларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини, шартноманинг муддатларини, уни ўзгартриш ва бекор қилиш тартибини, шунингдек, унинг бошқа шартларини ўз ичига олиши керак. Шартнома матни хусусий бандлик агентлигининг расмий веб-сайтида жойлаштирилади. Хусусий бандлик агентлигининг мазкур шартномани тузмасдан хорижда иш излаётган фуқароларни ишга жойлаштиришга доир хизмат кўрсатиши тақиқланади.

Вазирлик назоратида бўлади

Хусусий бандлик агентликларининг лицензия талаблари ва шартларига риоя этишларини назорат қилиб бориш мақсадида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига агентликлар фаолиятини текшириш (молиявий-ҳўжалик фаолиятига аралашмасдан) ваколати ҳам беришмоқда. Бунда текширувлар Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилни хабардор қилиш тартибида ўтказилади.

Текшириш чоғида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг мансабдор шахслари ўз ваколатлари доирасида хусусий бандлик агентликларининг ҳудудлари ва биноларига монеликсиз кириш, текширувга тааллуқли барча зарур ҳужжатлар билан танишиб чиқиш, хусусий бандлик агентликларининг мансабдор шахсларидан текширув ўтказиш чоғида аниқланган қоидабузарлик фактлари юзасидан ёзма тушунтиришлар, шунингдек ҳужжатларнинг зарур бўлган, тегишли равишда тасдиқланган кўчирма нусхаларини олиш ҳуқуқига эга.

Шунингдек, иш қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш хизматларига бўлган моддий жавобгарлигини кучайтириш мақсадида агентликларнинг Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармасига захира қиладиган маблағлар миқдори ҳам оширилган.

Ҳуллас, фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини кучайтириш мақсадида амалдаги қонунга киритилган ўзгартриш ва қўшимчалар билан бугунги кундаги долзарб масалалардан бири ҳал этилиб, меҳнат бозорининг ривожланиши, аҳоли бандлик даражасининг ошиши ва турмуш фаровонлиги яхшиланишига эришилади.

Юртимизда фазовий маълумотлар миллий инфратузилмаси яратилади.

Сўнги вақтларда «UzAuto Motors» АЖ томонидан ишлаб чиқарилаётган автомобиллар нархлари билан боғлиқ мавзу кун тартибидан тушмай қолди. Бу жараёнда, бир томондан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Бош прокуратура ва Коррупцияга қарши кураш агентлигига «Парламент назорати» шаклида мурожаат қилган бўлса, иккинчи томондан, «UzAuto Motors» бу ҳолатга доимгидек ўзига хос тарзда муносабат билдирди.



МОНОПОЛ КОРХОНАЛАР қачонгача халқ чўнтагидан кун кўради?

Нархлар асоссиз ўртача
10,29 фоизга оширилган

Аслида, юртимизда ишлаб чиқарилаётган автомобиллар нархлари билан боғлиқ мавзу биринчи марта кун тартибига чиқаётгани йўқ. Компания томонидан охириги марта жорий йилнинг март ойида машина нархлари турига қараб 3 фоиздан 21 фоизгача оширилганди. Буни компания солиқлар миқдори ошгани билан изоҳлаганди.

— Машина нархларининг оширилиши бўйича Монополияга қарши курашиш қўмитасига юборган депутатлик сўровимизга асосан, қўмитанинг махсус комиссияси томонидан ўтказилган текширувлар «UzAuto Motors» АЖ «Рақобат тўғрисида»ги қонун талабларини бузгани ва автомобиллар нархини асоссиз равишда оширганини тасдиқлади, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Расул Кушербаев. — Унга асосан, автомобилларнинг нархлари ўртача 10,29 фоизга ошириб шакллантирилган. Шунингдек, автомобилларни истеъмолчиларга реализация қилишда айрим дилерларга устун енгилликлар берилган, янги ташкил этилаётган дилерлар билан шартнома тузишда шартнома предмети тааллуқли бўлмаган шартлар қўйилган.

Яна бир қизиқ ҳолат шундаки, махсус акцияга тушган автомобилларни муддатли тўлов асосида сотишни «UzAuto Motors» АЖ ўзи таъсисчилигидаги «Autosanoat Invest» МЧЖ орқали амалга ошириш тизимини шакллантирган. Бунда бошқа дилерлар тўғридан-тўғри бу ишни амалга ошира олмай, сунъий тўсиқ қўйилган. Махсус комиссия «UzAuto Motors» АЖга нархларнинг асоссиз оширилган қисmini бекор қилиб, март ойидан буюн автомобилларни сотиб олган mijozлар билан қайта ҳисоб-китоб қилиш топширигини берди.

«UzAuto Motors» нима дейди?

Хўш, айна вазият бўйича «UzAuto Motors» АЖ мутасаддилар нима дейди? Компания ахборот

хизматининг маълум қилишича, Монополияга қарши курашиш қўмитаси томонидан иш бир тарафлама кўриб чиқилган ва унинг якунида нотўлиқ маълумотларга асосланган қарор қабул қилинган. Компания автомобилларни ишлаб чиқариш мураккаб жараён бўлиб, уни ўрганиш етарлича вақт талаб этилини, «UzAuto Motors» фаолиятини янада чуқурроқ ва асослироқ ўрганиш келгуси суд муҳокамалари давомида мумкин бўлишини айтмоқда. Компания ўзининг шикоят қилиш ҳуқуқидан фойдаланишни режалаштирган.

Шунингдек, компания Монополияга қарши курашиш қўмитаси қошидаги махсус комиссия қабул қилган қарор узил-кесил ҳисобланмаслиги, кейинги хатти-ҳаракатлар суд муҳокамалари якунларидан келиб чиқиб белгиланишини таъкидлади. Ўз навбатида, компания автомобиллар нархи асосли экани ва ҳозирги вазиятда нархни пасайтириш имконсизлигини айтди.

«Камбағални туянинг устида ҳам ит қопади»

Ҳар қандай монополист корхона табиатига кўра, ўзининг устун ҳолатидан доимо фойдаланиб қолишга ҳаракат қилади. Хусусан, у доимо нархларни оширишга интилади ва унда ўз иштини яхшилаш учун етарлича рағбат мавжуд бўлмайди. Яъни у маҳсулот сифатини яхшиласа ҳам, шундай қолдирса ҳам, харидор барибир уни сотиб олишга мажбур эканини билади. Айни ҳолат бугун «UzAuto Motors» билан ҳам содир бўлмоқда.

Қизиғи, бунда ҳалқимиз орасида энг талабгир ҳисобланган «Damas» (15,7 млн. сўмгача), «Spark» (3,6 млн. сўмгача), «Nexia-3» (3,8 млн. сўмгача), «Cobalt» (10,5 млн. сўмгача) ва «Gentra» (19,8 млн. сўмгача) каби автомобиллар нархи кўтарилиб, ойликка қараб қолмаган, нисба-

тан ўзига тўқлар харид қиладиган «Malibu-2», «Tracker», «Trailblazer», «Equinox», «Traverse» ва «Tahoe» нархлари ўзгартиришсиз қолганди. Хўш, бу «Камбағални туянинг устида ҳам ит қопади» нақлининг амалдаги ифодасими?

Хўп, нархлар ошган экан, нега улар хорижда сотилаётган машиналарга нисбатан ҳам татбиқ этилмади? Нега экспорт бозорида автомобиллар нархи ички бозордагидан кўра арзонроқ? Нега

БУНДАН ТАШҚАРИ,
«UZAUTO MOTORS» КЕРАГИ-
ДАН КўРА ЁПИҚРОҚ ТАШКИ-
ЛОТ бўлгани учун кўпин-
ЧА УНГА ТЕГИШЛИ ҲАР БИР
ХАБАРНИ ЖАМИЯТИМИЗ НО-
РОЗИЛИК КАЙФИЯТИ БИЛАН
КУТИВ ОЛАДИ.

энди хорижликлар «UzAuto Motors» автомобилларини арзон олиши учун ўзбек халқи пул тўлаши керак? Саволлар кўп, бироқ жавоб берадиган йўқ...

Вазиятни ўнглаш мумкинми?

Аслида «UzAuto Motors» АЖ томонидан нархи оширилган автомобилларнинг юртимизда сотиб олувчилари миқдори ҳам юқори. Шу ўринда талабнинг юқорилигини инобатга олиб, бу машиналар нархини бироз арзонлаштириб, яна ҳам кўп машина сотувини йўлга қўйиш орқали фойдани кўпайтириш ҳам мумкин-ку. Ахир, бу ҳам оддий бозор қонунияти-ку.

Бундан ташқари, «UzAuto Motors» керагидан кўра ёпиқроқ ташкилот бўлгани учун кўпинча унга тегишли ҳар бир хабарни жамиятимиз норозилик кайфияти билан кутиб олади. «Нархлар



нимага асосланиб оширилди?», «Машиналар таннархи қайси мезонлар асосида шакллантирилади?» каби кўплаб масалалар очик, ошқора бўлганида миллий автосаноатимизга бу қадар кўп эътирозлар ёғилмас эди.

Яна бир жиҳат: биз бугун оқибатлар билан курашялмиз, сабаблар билан эмас. Чунки автомобиль нархининг баландлиги — бу оқибат. Бунинг сабаби эса импорт машиналарга ўта баланд бож ва тўловлар қўйилгани, «UzAuto Motors»нинг монополияга айлантирилганидир. Агар биз ҳаракатимизни монополияни бекор қилишга, баланд божхона божларини босқичма-босқич камайтиришга, бозорда соғлом рақобат муҳитини яратишга қаратсак, ўз-ўзидан муаммо бутунлай, бир умрга ечилади. Шунда монополия ўз-ўзидан йўқ бўлади. Компания эса рақобат бозорида ишлашни бошлайди. Бундан деярли барча ютади.

— Монополия эртами-кечми, барибир барҳам топади, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Дониёр Ғаниев. — Бугунги кунда ҳукумат томонидан Жаҳон савдо ташкилоти ёки Евроосиё иқтисодий иттифоқига қўшилиш масалалари ўрганил-япти. Агар улардан бирига қўшилсак, албатта, монополияни йўқ қилишга мажбур бўламиз. Монополларга қанчалик оғир ёки енгил бўлиши улар ўзларини жараёнга қай даражада мослаб боришига боғлиқ бўлиб қолади. Улар ўзларини янги замонга, интеграцияга тайёрламаса, монополнинг «арқон»ини кўйиб юборган пайтимизда кеч бўлади. Бу эса, ўз навбатида, давлат бюджети, солиқ тўловчиларнинг чўнтагига жуда катта зарар бўлади, деб ўйлайман.

Мухтасар айтганда, бугун автосаноатимизни «бемор»ликдан қутқариш ҳаракатида эканмиз, унинг товонини халқ тўламаслиги керак. Унинг юқини халқнинг гарданига юклаш керак эмас. Аксинча инвесторлар топиш, бутловчи ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, рақобатни кучайтириш йўлидан бориш тўғрироқ, назаримизда. Акс ҳолда Президентимиз ҳам бир неча марта танқид қилган автосаноат тизими ҳалқимиз, корхона ва ташкилотларимизнинг молиявий қудратини «сўриш»да давом этаверади. Бу эса жадал ривожланиш йўлини танлаган Ўзбекистон иқтисодиёти томирига болта уриш билан баробардир.

Санжар ИСМАТОВ
«Mahalla»

1-, 2-, 3-даражали сержант ҳарбий
унвонлари жорий этилди.

2019 йилда мансабдорлик билан боғлиқ жиноятлар 2017 йилга нисбатан 60 фоизга, порахўрлик жиноятлари 53,3 фоизга камайишига эришилган. Бироқ жамиятда коррупция кўламини кескин камайитириш ҳамда унга нисбатан мurosасиз муносабатни шакллантириш учун аҳолининг айна йўналишдаги фаоллигини янада ошириш талаб этилмоқда.



КОРРУПЦИЯ ҲАҚИДА ХАБАР БЕРГАН ШАХСЛАР РАҒБАТЛАНТИРИЛАДИ

Шу боис Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан Вазирлар Маҳкамасининг «Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишда бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Қандай тартибда амалга оширилади?

БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясининг талабларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш, жамиятда коррупциянинг ҳар қандай кўринишига чек қўйиш ҳамда унга қарши курашиш самарадорлигини янада ошириш мақсадида ишлаб чиқилган мазкур ҳужжатда коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берганлик учун фуқаролар, нодавлат тижорат ташкилоти, давлат органи ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчиси рағбатлантириш назарда тутилмоқда. Бу, ўз навбатида, коррупцияга қарши курашишда коррупцияга мойиллиги бўлган мансабдор шахсларнинг нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан, балки фуқаролардан ҳам

кўрқинини келтириб чиқаради.

Эндиликда ҳар бир фуқаро қайсидир соҳада коррупцияга йўл қўйилаётгани ҳақида етарли далилларга эга бўлса, тегишли органларга хабар беришлари мумкин. Шунингдек, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги хабарни оммавий ахборот воситаларига ёки тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ишонч телефонларига мурожаат қилиш орқали ҳам билдириши мумкин.

Шуни унутмаслик керакки, шахс томонидан коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар ёки ариза беришда асослилик (коррупцион характердаги ноқонуний ҳаракатларнинг содир этилганини тасдиқловчи далиллар), виждонлилик (хабар берувчининг тақдим этаётган маълумотлари ҳақиқат эканига ишончи ва шахсий манфаати мавжуд эмаслиги) ва хабар беришнинг расмий ва ҳуқуқий тартибига риоя қилиниши лозим.

Кимлар, қанча миқдорда рағбатлантирилади?

Қарор лойиҳасида фақат коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар учун бир марталик пул мукофотлари берилиши белгиланмоқда.

Аҳолининг коррупцияга қарши курашишдаги фаоллигини янада ошириш ҳамда уларни бу соҳага қўшаётган ҳиссалари учун муносиб тақдирлаш мақсадида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлнинг ижтимоий хавфлигидан келиб чиқиб, бюджетдан базавий ҳисоблаш миқдори (БХМ) нинг 3 бараваридан 25 бараваригача, пора ёки зарар суммаси БХМнинг 100 бараваридан ошган тақдирда пора (зарар) суммасининг 15 фоизигача миқдорда пул мукофоти билан рағбатлан-

тириш кўзда тутилмоқда. Коррупцияга оид жиноятларни фош этишда аҳамиятга эга далиллар ҳақида хабар берганлик, тергов ва тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда кўмаклашганлик учун ташаккурнома ёки эсдалик совға билан рағбатлантириш ҳам назарда тутилмоқда. Бу эса қидирувдаги шахсларни тезроқ ушлашга, жазонинг муқаррарлигини таъминлашга олиб келади ва бу борада фуқароларнинг фаоллигини оширади.

Пул мукофоти билан рағбатлантириш масаласи коррупцияга қарши курашувчи органларда тузиладиган махсус комиссиялар томонидан, ташаккурнома ва эсдалик совға билан рағбатлантириш коррупцияга қарши курашувчи орган томонидан кўриб чиқилиши белгиланмоқда.

Хорижий тажриба қандай?

Бу борада хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилганда АҚШ, Канада, Корея, Руминия, Қозоғистон, Қирғизистон ва бошқа давлатлар қонунчилигида коррупцияга қарши курашишнинг самарали механизми сифатида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган шахсларни рағбатлантириш белгиланган. Хусусан, Жанубий Корея давлатида коррупция ҳақида хабар берган аризага коррупцион воқеанинг миқдоридан келиб чиққан ҳолда 2 фоиздан 10 фоизгача миқдорда, бироқ бу миқдор 200 млн. вон(тахминан 195 минг доллар)дан кўп бўлмаган ҳолда рағбатлантирилади. Украина давлатида коррупцияга оид хабар берган фуқарога мусодара қилинган миқдорнинг 10 фоизи моддий рағбатлантириш тарзида берилса, Қозоғистонда суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирганидан сўнг пора миқдори ёки зарар миқдорининг 10 фоизиди берилади.

Шахс хавфсизлиги таъминланадими?

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишда бошқа тарзда кўмаклашган шахсларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг оила аъзолари ва

► БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясининг 37-моддасида коррупция билан боғлиқ жиноятлар ҳақида хабар берган шахсларни рағбатлантириш чораларини кўриш белгиланган. ► Ўзбекистон «Коррупцияни идрок этиш индекси»да 180 давлат ичида 2017 йилда 157-ўринни (22 балл), 2018 йилда 158-ўринни (23 балл) ва 2019 йилда 153-ўринни (25 балл) эгаллаган.

яқин қариндошларини химоя қилиш масаласи ҳам долзарб ҳисобланади. Негаки, ҳар бир шахс коррупцияга оид хабарни бергандан сўнг ўзининг шахсий хавфсизлигини ўйлаши табиий. Шу боис коррупция тўғрисида хабар берган ҳар бир шахс ва унинг оила аъзолари хавфсизлиги давлат органлари томонидан таъминланади. Бу борада миллий қонунчилигимизда ҳуқуқий асослар етарли.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу қарорнинг қабул қилиниши мамлакатимизда аҳоли ва давлат хизматчиларини коррупцияга қарши курашга кенг жалб қилишга, уларнинг фаоллигини оширишга ва коррупцияга оид жиноятлар кескин камайишига эришишга хизмат қилади.

Отабек ТОШЕВ,
Адлия вазирлиги ҳузуридаги
Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот
институтини масъул ходими.

Дарвоқе...

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўзлари мустақил тарзда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни тўлиқ аниқлай олмайдилар. Шу сабабли коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни барвақт аниқлашда фуқаролар ва давлат хизматчиларининг рағбатлантирилиши коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни барвақт аниқлашда давлатга кўмакдош бўлади.

Инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши ва ташқи савдони мониторинг қилиш инспекцияси ташкил этилди.

Кейинги йилларда мактабгача таълим тизимида бир қатор ислохотлар амалга оширилди. Хусусан, соҳа бўйича алоҳида масъул ташкилот — Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилгани янгилинишларнинг дебочаси бўлди. Аммо йўналишда кузатилаётган муаммолар камчиликлар ҳали тўла бартараф этилмади.



БОҒЧАЛАРГА ажратилган 48,3 МИЛЛИАРД СЎМ кимнинг чўнтагига тушди?

Афсуски, тизимнинг қуйи бўғинида жадал ўзгариш ва янгилинишларни ҳали тўла ҳис қилмаган, эскича қараш ва тушунчалар билан яшаб келаётган масъулиятсиз, давлат манфаатидан ўз «нафс»ини устун билувчи мутасаддилар йўқ эмас

— Вазирлигимизнинг Ички аудит, молиявий ва ҳуқуқий назорат хизмати томонидан тизимдаги ташкилотларнинг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги доимий назорат қилиб турилади, — дейди **Мактабгача таълим вазирлиги Ички аудит хизмати бошлиғи Дилшод Норматов**. — Тизимдаги муаммоларни чуқур таҳлил қилиш мақсадида Ҳисоб палатаси билан ҳамкорликда 2018-2019 йиллардаги бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги ҳамда 2020 йилги харажатларни мақбуллаштириш имкониятлари юзасидан ўрганиш ўтказилди. Бунда тизимдаги ташкилотлар томонидан жами 48,3 млрд. сўмлик молиявий хато ва камчиликларга йўл қўйилгани маълум бўлди. Ўрганиш натижалари бўйича тегишли «Йўл харитаси» ишлаб чиқилган бўлиб, асосий ургу молиявий камчиликларнинг олдини олишга қаратилган.

Таъмирланмаган боғча учун нега пул тўланди?

Таълим тизими давлат бюджетидан энг кўп маблағ ажратилган асосий ижтимоий соҳалардан бири ҳисобланади. Мактабгача таълим тизими ҳам шулар жумласидан. Давлат бюджетидан ажратилган маблағнинг катта қисми боғчаларни қуриш ва уларни таъмирлашга сарфланади. Айни мана шу жараёнда айрим фирибгар ходимлар давлат маблағини ўзлаштириш, талон-торож қилишга уринишади.

— Биргина мисол: 2019 йилда Бош прокуратура ҳузуридаги

Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Бекобод тумани бўлими томонидан ўтказилган терговга қадар текширувда ана шундай қаллоблар фош этилди, — дейди **Бош прокуратура матбуот хизмати раҳбари Ҳаёт Шамситдинов**. — Унга кўра, «D.B.S» МЧЖ томонидан Бекобод туманидаги 29-сонли мактабгача таълим муассасасида шартномада кўрсатилган реконструкция ишлари бажарилмаган бўлса-да, «Инфратузилмани ривожлантириш бўйича инжиниринг компанияси» давлат унитар корхонаси Тошкент вилояти филиали томонидан ушбу

“**Айрим масъуллар ҳисоботда бошқа таомномани тақдим этиб, аслида бошқа таом тортишди. Ё бўлмаса, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажмини ошириб кўрсатиб, давлат бюджетидан маблағ ўмаради.**”

жамиятга 2,4 млрд. сўм ўтказиб берилиб, жуда кўп миқдордаги бюджет маблағлари талон-торож қилинган.

Бугунги кунда марказдан олис қишлоқ ва овулларда мактабгача таълим муассасаси мавжуд эмас ёки борлари ҳам таъмирталаб аҳволга келиб қолган. Балки ушбу манзилларга ҳам қайсидир йиллари таъмир учун пул ажратилгандир, аммо юқоридаги каби фирибгар масъулларнинг қилмишлари сабаб бу ишлар бажарилмай қолган. Бундай воқеаларни тинглаб, норасида болаларнинг ҳақиқа хиёнат қилишга қандай журъат қилиш мумкин, бундай инсонларнинг ҳам фарзандлари бормикан, шу пул билан ўз болаларига қандай нон-насиба берар экан, дея ўй-

лаб қолади киши.

Боғчаларга зарур жиҳозларни сотиб олишда «Давлат харидлари тўғрисида»ги қонун талабларини четлаб ўтиб, давлат мулкани талон-торож қилиш ҳолатлари учраб турибди. Маълумотларга кўра, айни шу қоидаларга зид равишда 253 та ҳолатда 11,3 млрд. сўмлик шартномалар тузилган. Бундан ташқари, харид қоидаларини бузган ҳолда, қиммат нархларда ҳамда тегишли стандартга жавоб бермайдиган 8,8 млрд. сўмлик товар-моддий бойликлар харид қилинган. Боғчаларнинг узоқ йиллар таъмирталаб аҳволда қолиб кетиши, у ерга сифатсиз стол-стуллар ва бошқа мебель жиҳозларининг бориб қолишига мана шундай олғир мутасаддиларнинг нафс ис-канжасига қул бўлгани ҳам бир сабаб бўлса керак.

Сифатсиз маҳсулотлар болаларга етиб бормаслиги керак

Мактабгача таълим ташкилотларида болалар овқатдан заҳарлангани ҳақидаги хабарларга ҳам тез-тез кўзимиз тушиб қолади. Хўш, боғчаларда тўғри овқатланиш қоидаларига амал қилинса, таом тайёрлашда болаларга энг фойдали маҳсулотлардан ишлатилса, қандай қилиб улар касал бўлиши мумкин?

Кўрганимиз, қузатганимиз, бир ҳақиқат борки, барча мактабгача таълим муассасаларида ҳам бунга қатъий эътибор берилмаётгани. Айрим масъуллар ҳисоботда бошқа таомномани тақдим этиб, аслида бошқа таом тортишади. Ё бўлмаса, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажмини ошириб кўрсатиб, давлат бюджетидан маблағ ўмаради. Маълумотларга кўра, ўтган йилларда сохта таомномалар тузиб, ҳақиқатда сарфланмаган озиқ-овқат маҳсулотларини харажатга чиқариш ва қамомадларга йўл қўйиш орқали

3,6 млрд. сўм ноқонуний ўзлаштирилган.

— Тўғри овқатланиш турли хасталикларга чалинмасликнинг биринчи шартидир, — дейди **педиатр Мафтуна Аллаёрова**. — Айниқса, боғча ёшидаги боланинг қандай овқатланиши унинг соғлом ва баркамол бўлиб улғайишида муҳим жиҳатдир. Одатда болалар углевод, ёғ ва оқсил каби моддаларга бой маҳсулотларни истеъмол қилишлари керак. Мактабгача таълим муассасалари учун тўғри овқатланиш рақиб бўйича тавсиявий таомномалар рўйхати мавжуд. Унда болалар нонушта, тушлик, тушиқдан кейинги енгил овқатланиш вақтида қайси маҳсулотлардан қанча истеъмол қилиши зарурлиги ёшига қараб кўрсатилган. Ота-оналар ҳам бу масалада талабчан бўлиши лозим. Фарзандининг боғчада нима еб, нима ичаётгани, нималарни ўрганаётганини текшириб, керакли жамоатчилик назоратини ўрнатиши зарур.

Шунингдек, статистик маълумотларга кўра, мактабгача таълим тизимида хизмат кўрсатувчи ходимларнинг ойлик иш ҳақи учун ажратилган маблағларнинг 7,2 млрд. сўми қуйи бўғинлардаги айрим мансабдорлар томонидан йўл қўйилган ноқонуний ўзлаштириш, ортиқча тўловлар ва ўғирлик натижасида талон-торож қилинган. Тарбияланувчилар сонини яшириш, ота-оналар тўловларини кассага кириш қилмаслик орқали 497,7 млн. сўм маблағ ноқонуний ўзлаштирилган.

Рақамлар ва таҳлиллардан аёнлашадики, юқоридаги каби нафси ўпқон мутасаддилар бор экан, соҳага қанча эътибор берилмасин, моддий-техник базани мустаҳкамлаш учун маблағ ажратилмасин, тармоқнинг тараққий топиши сустлигича қолаверади. Шунингдек, молиявий ҳисоб-китобларни юритиш, маблағларни бошқаришда инсон омили катта роль ўйнар экан, бу соҳага замонавий технологияларга асосланган рақамли иқтисодиёт жорий этилмас экан, бундай хатоликлар ва камчиликлардан қутула олмаймиз.

Санжар ЭШМУРДОВ
«Mahalla»

Ўзбекистонда жорий йилнинг етти ойи давомида энг кўп «Cobalt» автомобили ишлаб чиқарилди.

СТАДИОНДА ИМТИҲОНЛАР чиндан шаффоф ўтадимми?



Абитуриент билими-ни тарозида ўлчайдиган тест синовларига санокли муддат қолди. Бу йил йигит-қизлар тест синовини эпидемиологик вазият тақозосига кўра, ноодатий, яъни очиқ спорт мажмуаларида топшириши мўлжалланяпти.



Спорт ўйинлари ва мусобақалари ўтказиладиган майдонда абитуриент тест синовини қандай топширади? Пандемия шароитига мос равишда белгиланган бу йирик тадбир, шубҳасиз, анча ноқулайликлар туғдириши табиий. Аммо мутасадди ташкилотлар томонидан энг зарурий чора-тадбирлар белгиланмоқда.


— Республикамиз олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларини 65 та стадионда ўтказиш режалаштирилди, — дейди **Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директори ўринбосари Сардор Ражабов**. — Спорт майдончалари батартиб, саранжом-саришта, манзарали бўлишга эътибор қаратилади. Тегишли ҳокимликлар томонидан имтиҳон ўтказиладиган жойни зарурий жиҳозлар билан таъминлаш, телекоммуникация тармоқларини ўрнатиш, талабалар хавфсизлиги ва осойишталиги бўйича чора-тадбирлар белгиланяпти.

Кимларга рухсатнома берилмайди?

Аввалги йилларда абитуриент тест синовига иштирок этиш ҳуқуқини берувчи ДТМ рухсатномасини тегишли олий ўқув юртига бориб олган. Бу йил эса 22 августдан бошлаб абитуриентларнинг ҳеч қандай оворагарчиликсиз ўз рухсатномаларини олишига ша-

роит яратилди. ДТМ сайти орқали абитуриентнинг шахсий кабинетига унга айнан тегишли бўлган рухсатнома кўйилган бўлиб, унинг рўйхатдан ўтганда кўрсатган телефон рақамига бу ҳақда SMS-хабар юборилди.

Айтиш керакки, рухсатнома талаб этилмайдиган ҳолатлар ҳам мавжуд. Жумладан, тест синовларисиз тўлиқ касбий (ижодий) имтиҳон бўладиган таълим йўналишларига рўйхатдан ўтган абитуриентлар ўзлари танлаган олий таълим муассасаларига мурожаат қилиб, бу масалани ҳал этишлари



мумкин. Шунингдек, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтгану, тест синовлари учун тўловни амалга оширмаган, ДТМ сайтидаги шахсий кабинетидан ўз аккаунтини ўчирган, тегишли тартибда таълим йўналишларини танлаб, рўйхатдан ўтмаган (айрим абитуриентлар тизимга кириб, паспорт

маълумотларини киритган, лекин таълим йўналишини кўрсатмаган), тест синовларисиз, тўғридан-тўғри талабалikka тавсия этиладиган имтиёзга эга абитуриентларга рухсатнома берилмайди.

— Очиғи, илк бор очиқ ҳаво шароитида ўтказилаётган кириш имтиҳони кенг жамоатчиликда қўллаб-савол ва эътирозлар туғилишига сабаб бўлди, — дейди **Давлат тест маркази бошқарма бошлиғи Диёрбек Кўч-**

қоров. — Абитуриент катта спорт майдонига қандай киритилади? Мабодо об-ҳаво ўзгариб, ёгингарчилик бўлиб қолса-чи? Ота-оналар учун алоҳида жой ажратилдими? Ногиронлар учун имтиёз борми? Барчаси ҳисобга олинган. Аввало, тест ҳар йилгидек ёпиқ шароитда ўтказилаётгани боис ота-оналар имтиҳон ўтказиладиган ҳудудга қўйилмайди. Улар «www.test.2020.uz» сайти ёки маҳаллий телевидение орқали жараёни онлайн кузатиб боришлари мумкин.

Тест куни ёмғир ёғиб қолса, нима бўлади?

Ҳужжат кўп топширилган таълим ихтисосликлари учун катта стадионлар танланиб, уларни бирма-бир киришда тартиб рақамига мос сектор, яъни кириш йўлаги белгиланди. Абитуриентни майдонга киритишда шахсни идентификациялаш воситалари(видеофиксация, бармоқ изи сканери)дан фойдаланилади. Стол-стулар 3 квадрат-метрдан кам бўлмаган жойга қўйилади, имтиҳон топширувчига ручка, сув ва қуёшдан ҳимояланиши учун кепка берилади. Синовга киришдан аввал унинг тана ҳарорати, албатта, ўлча-

лик, чанг-тўзон, довул рўй берса, имтиҳон эртасига ўтказилади, — дейди **Д.Кўчқоров**. — Бу ҳақда «Ўзгидромет» станцияси ходимларининг шу кеча-кундузда кутилаётган об-ҳаводан огоҳ этиши бўйича келишилган. Албатта, амалда белгиланган тартиб-қоидаларга кўра, халқаро ва республика доирасида катта натижаларни қўлга киритган абитуриентлар умуий балини ҳисоблашда имтиёзлари ҳам инобатга олинади.

Самарқандда тест синовини 11 кун давом этади

Сони бўйича пойтахтдан кейинги ўринда турувчи Самарқанд вилоятидаги 9 та олий ўқув юртига жорий йилда 139 минг 874 нафар абитуриент ҳужжат топширишди. Бу ўтган йилга нисбатан 26 фоиз кўп демакдир.

— Тест синовлари учун 7 та очиқ майдон танланди, — дейди **Давлат тест маркази вилоят бўлими раҳбари вазифасини бажарувчи Воҳид Сирлибоев**. — Карантин талабларига мувофиқ, тест синовлари икки навбатда ўтказилади. Бир навбатда 6 минг 120 нафар абитуриент тест синовидан ўтиши мумкин. Бир кунда 12 минг 240 киши имтиҳон топширишини ҳисобга олсак, вилоятимизда бу тадбир 11 кун давом этади.

Мавзуга оид маълумот:

Бу йил **1 миллион 361 минг 473** нафар абитуриентнинг тест синовларида қатнашиши кутилмоқда. Шундан жорий йил битирувчилари **536 144** минг (**36,13** фоиз)ни ташкил этади.

Давлат аҳамиятига молик тест синовларини ҳолис, шаффоф, адолатли ва ҳаққоний тарзда ўтказиш республикамиз олий ўқув юртлари учун 2020/2021 ўқув йилида билимдон, зукко ёшларни саралаб олиш учун бир имкониятдир. Албатта, бу жараён ниҳоясига етказилгач, ҳар бир абитуриентнинг танлаган (кундузги, кечки, сиртки) таълим шакли, тўплаган баллари ОТМ рўйхати кесимида якуний кўриб чиқилиб, энг муносиб ёшлар талабалikka қабул қилинади. Бунга эса санокли кунлар қолди.

Хулқар КУЗМЕТОВА
«Mahalla»

Энг кўп ҳужжат қабул қилинган олий ўқув юртлари рўйхати:

1. Самарқанд давлат университети – 75 минг 325 нафар;
2. Қарши давлат университети – 58 минг 118 нафар;
3. Андижон давлат университети – 57 минг 498 нафар;
4. Урганч давлат университети – 53 минг 255 нафар;
5. Термиз давлат университети – 51 минг 787 нафар.

Сиртки ва кечки таълим шаклида таҳсил олувчи талабалар контракт пулига 10 фоизли чегирма қўлланилмайди.

МАҲАЛЛА РАИСЛАРИ

маблағ тарқатишда СОХТАКОРЛИККА ЙЎЛ ҚЎЙЯПТИМИ?

Президентимиз ташаббуси билан коронавирус пандемияси шароитида эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилиб, аҳолига бир марталик моддий ёрдам тарқатилиши белгиланди. Бироқ кўпгина ҳудудларда маҳалла фуқаролар йиғини масъуллари томонидан шакллантирилган рўйхат турли мунозара, норозиликларга сабаб бўляпти. Хўш, ким ҳақу, ким ноҳақ?

Моддий ёрдамга муҳтож оилалар рўйхатини шакллантириш ва ёрдам пулларининг адолатли тақсимланишини таъминлаш маҳалла фуқаролар йиғинлари масъуллари зиммасига тушиши аниқ эди ва шундай ҳам бўлди. Боиси маҳалладаги ҳолатни, оилаларнинг айни вақтдаги моддий аҳолини улар ҳаммадан яхшироқ билади. Аммо беш қўлдек ҳаммани билишса-да, ёрдам пули ўз эгаларига етиб бормагани ҳақидаги мурожаатларнинг кети узилмаяпти. Нега?

«Темир дафтар» бўйича таҳлил

Қашқадарё вилоятида депутатлар иштирокида тузилган ишчи гуруҳлари томонидан маҳаллаларда уйма-уй юриб, 52 минг 249 та эҳтиёжманд оила «Темир дафтар»га киритилди. Бу вилоят аҳолисининг 7 фоизини ташкил этади.

«Темир дафтар»га киритилганларнинг 52 минг 744 нафари ишсиз бўлиб, бутунги кунда улардан 31 минг 103 нафарининг бандлиги таъминланди.

Ҳамманинг ҳам ишлаш имкони мавжуд эмас. Ҳисоб-китобларга кўра, вилоятда 4029 та оила (ногирон, кўп фарзандли, боқувчисини йўқотган, якка-ёлғиз, кам пенсия олувчи оилалар) мавжуд бўлиб, улар доимий равишда «Саховат ва кўмак» жамғармаси томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Масъулиятсизликка йўл қўйганлар қонун олдида жазоланади

— Ҳукуматнинг тегишли фармойишига асосан, «Саховат ва кўмак» фонди орқали мамлакатимиз бўйлаб ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга бир марталик моддий ёрдам пуллари тарқатилган эди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ижрочи директори Нурали Махматов. — Вилоятимизда ҳам 20 мингта эҳтиёжманд оилага 1 миллион сўмдан, жами

20 миллиард сўм ва вилоятдаги саховатпеша тadbиркорлар ҳисобидан 750 та оилага чорва моллари, парранда ҳамда куён ажратилди.

Аммо бу хайрли ишлардан ҳам ўз манфаати йўлида фойдаланиб қолишга уринаётганлар учрамоқда. Маҳалла тизимида ишлаётган айрим масъуллар баднафслиги туфайли моддий ёрдам пуллари ўз эгаларига етиб бормаёпти ёки «туя» қилинган ҳолда етиб боряпти. Халқ қабулхоналари ва «Call-марказ»ларига Деҳқон-обод тумани аҳолисидан 47 та ва Қарши шаҳри аҳолисидан 46 та мурожаат келиб тушган. Қолган туман ва шаҳарларда ҳам аҳвол яхши эмас.

— Давлат боқсин, маҳалла берсин, деган боқимандалик кайфиятига берилиб, ҳаммани чалғитиб юрадиганларнинг ижтимоий аҳолини махсус комиссия обдон ўрганиб, хулоса чиқариши керак, — дейди Н.Махматов. — Негаки, ҳар қандай маҳалланинг ҳам ўз маблағи йўқ, давлатдан, ҳомийлардан ажратиладиган ёрдам пулини тарқатиши мумкин, холос. Кўпчилик мурожаатчиларимиз ана шунга эътибор беришлари керак. Бу борада ким ҳақу, ким ноҳақ, вақт кўрсатади. Аризаларнинг барчаси прокуратура томонидан ўрганилмоқда. Масъулиятсизликка йўл қўйганлар қонун доирасида жазоланади.

«Моддий етишмовчиликдан қийналиб кетдим»

Аҳоли бу масалада қандай фикрлайди? Маблағларнинг «туя» қилинаётгани қанчалик ҳақиқатга яқин? Ёки улар гуруҳ ичидаги курмакларми?

— Аввал II гуруҳ ногирони эдим, — дейди Қамаш тумани «Ғиштли» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи I гуруҳ ногирони Нодира Сафарова. — Уч йил аввал автоҳалокат сабаб

оғир кунларни бошдан кечирдим. Ҳозир икки қўлтиқтаёқда базўр ҳаракатланаман. Турмуш қурмадим, отамдан қолган ҳовлида ёлғиз ўзим яшаб келяпман. Тўғри, 800 минг сўмдан кўпроқ ногиронлик нафақаси оламан, лекин автоҳалокатдан сўнг жуда кўп даволандим, ҳозир ҳам ҳар ойда бир марта Самарқанд шаҳрига бориб, тиббий кўрикдан ўтишим керак. Шунинг ўзига бир миллион сўм кетади. Моддий етишмовчиликдан қийналиб кетдим. Лекин шу вақтгача бирор маротаба маҳаллага бош эгиб борганим йўқ эди. Яқинда «Саховат ва кўмак» ҳаракати доирасида эҳтиёжманд оилаларга бепул озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилаётганини эшитиб маҳаллага чиқдим. Раис: «Сизга нима етишмайди, ногиронлик нафақаси оласиз, 30 сотих томоркангиз бор», дея жеркиб ташлади. Кўпчиликнинг олдида изза бўлиб, ортга кайтдим. Шундан сўнг оиламизга таниш бўлган тadbиркор йиғитлар хайрия ёрдами сифатида озиқ-овқат маҳсулотлари келтириб берди. Маҳалладан эса ҳеч қандай ёрдам олганим йўқ. Ота-онамдан қолган томорқа бўлгани билан унда ишлай олмасам, даромад кўрмасам. Ногиронлик нафақам ойига бир маротаба тиббий кўрик учун бориб-келишимга етмаса, қандай қилиб эҳтиёжманд бўлмай? Нега шунча одам олаётган пулни маҳалла менга бермаяпти?

Нодира Сафарованинг мурожаати бўйича «Ғиштли» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Нурали Саломовдан вазиятга изоҳ сўрадик.

— Ногиронлик нафақасидан ташқари, ҳар ой мурувват уйдан унга озиқ-овқат маҳсулотлари беришади, — дейди раис. — Яна бир марталик моддий ёрдамга ҳам кўз тикиб ўтирибди. Рўйхатга киритмагандик, ҳамма жойга ёзиб юрибди. Чунки пандемия даврида ишини йўқотиб, бир тийинга зор бўлиб ўтирган оилалар бор. Рўйхатга ўшаларни киритганмиз.

Энди ўзингиз ўйланг, бу вазиятда фуқаронинг моддий ёрдамга эҳтиёжи йўқ деб айтаёт-

ган маҳалла фуқаролар йиғини масъуллари ҳақми ёки моддий томондан қийинчиликка дуч келганини тасдиқлаётган мурожаатчими? Ҳар ким ўзича ҳақ, ҳар ким адолат истаиди.


Йиллар давомида ўзгармаётган «Темир дафтар»лар

Кам таъминлаганлик, камбағаллик даражалари қандай белгиланиши керак аслида? Назаримда, ҳали бизнинг маҳаллаларда бу мезонларни ҳисоблайдиган формула тўла ишлаб чиқилгани йўқ. Тўғри, бу борада ҳукумат томонидан қабул қилинган тегишли ҳужжатлар асосида фаолият юритилляпти. Ўз навбатида, маҳалла масалаларига дахлдор масъуллар қайта-қайта тасдиқлаётган «темир дафтар» бор, лекин бу дафтар қандай тартибда юритилляпти-ю, унинг қонунийлиги қандай назорат қилинляпти? Ҳамма муаммо аслида шу ерда. Айрим маҳаллалардаги рўйхат йиллар давомида ўзгармай келмоқда.

— Шу каби ҳолатларнинг олдини олиш учун туман ва шаҳар ҳокимликлари, сектор раҳбарларига рўйхатни доимий янгиллаб бориш топшириғи берилган, — дейди Нурали Махматов. — Бу, айниқса, пандемия даврида ишсиз, маблағсиз қолган оилаларга манзилли ёрдам кўрсатишда асқатади.

Аслида маҳалла бошқарувида бундай салбий кўринишлар бўлмаслиги керак. Ҳақиқий маҳалла институтининг мазмун-моҳиятида жамоавийлик, умуминсоний кадриятлар, инсонпарварлик, меҳр-оқибат, саховатпешалик каби шарқона ўлмас анъаналар ётади. Афсуски, тизимда ана шундай эзгу тушунчалар мағзини англамаган, ҳаром лўқмадан ҳазар қилмайдиган кимсалар ҳам йўқ эмас. Улар, аввало, ўз-ўзини ислоҳ этмас экан, маҳаллага нисбатан салбий фикрлар билдири-лаверади, унинг халқчил тузилма мақоми пасаяверади.

Шоҳиста БОЗОРОВА
«Mahalla»



БААнинг Jetex компанияси Ўзбекистоннинг авиация бозорига кириш истагини билдирди.



Юртимизда кейинги йи-гирма-йигирма беш йил ичида қишлоқ хўжалиги соҳаси ҳар кўйга солиб кўрилди. «Ура-ура» билан амалга оширилган бу ислохотларнинг оқибатларини санаб ўтиришнинг ҳождати бўлмаса керак. Тупроқ сифатининг бузилиши, ишсизликнинг авж олиши, қишлоқлар инфратузилмасининг эгасиз қолиши, қанчадан-қанча чорвачилик, паррандачилик, йилқичилик, қорақўлчилик ва ҳоказо фермаларнинг талон-торожи кўз ўнгимизда содир бўлган. Ислохотлар бу билан тўхтамади. Бироз вақт ўтиб, яқиндагина тузилган фермер хўжаликларини «оптималлаштирдик». Яна майдалаштирдик, кейин яна «оптималлаштирдик»...

Бу ислохотлар ер эгаларини «қўрқитиб» қўйгани ҳам рост: Зеро, ҳар галги ўзгаришдан деҳқон қўяяпти, фермер зарар кўряпти. Улар ерга пул тикишга ҳам чўчиб қолишган. Чунки инсон ун йил умрини сарфлаб, ернинг тошини терса, ўғит бериб, жон киритса, бульдозерда паст-баландини текисласа-да, кун келиб, бир баҳона-ю сабаб билан ерни қонуний йўл билан тортиб олишса, «дод» деб юбориши тайин. Бундай ишлар кўп бўлди. Ҳатто зарарига чидай олмай, худкушлик қилган фермерларни ҳам эшитганимиз.

Яхшики, кейинги йилларда фермерлар анча эркинлашиб, ердан фойда кўриш, ўз мулкига эгалик қилиш имконига эга бўлиб бораёпти. Ер эгалари том маънода бойияпти. Аммо фермерлик даромадли соҳага айлана боғани сари бировнинг ерига кўз тикадиганлар ҳам кўпайиб қолиши турган гап. Бундан ташқари, барча ер эгаларини ҳам вазифасига бирдек масъулият билан ёндашади, дея олмаймиз. Ер умрини бекорга ўтказаятган фермерлар, ишни эплай олмай хўжаликни ўз ихтиёри билан топширишни истайдиган мулкдорлар ҳам йўқ эмас. Албатта, бундай ҳолда ер олиб қўйилиши керак. Аммо бунда шунча вақт сарфланган маблағлар тақдири нима бўлади? Фермерга пуллари қайтариб бериладими? Йўқ, албатта. Шу пайтгача бирор фермернинг ерга сарфлаган меҳнати, маблағи учун компенсация ундиргани тўғрисида эшитмаганимиз. Бугун ҳукумат

бу адолатсизликка чек қўймоқчи. Вазирлар Маҳкамаси томонидан жорий йил 24 август куни қабул қилинган қарор шундан дарак бермоқда. Мазкур соҳада адолатни таъминлашга қаратилган қарор ҳусусида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси аъзоси Шерзод Раҳимовнинг фикрлари билан қизиқдик.

Энди «оптималлаштириш» қимматга тушади

— Дарҳақиқат, ҳукумат томонидан қабул қилинган «Тугатилаётган ёки мақбуллаштирилаётган фермер хўжалиги ёки бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи субъектларга ажратилган ер майдонига сарфланган харажатлар қийматини ҳисоблаш ва қоплаш тартиби тўғрисида»ги қарор бу борада йиғилиб қолаётган муаммоларнинг ечими бўлиши мумкин, — дейди Шерзод Раҳимов. — Унга кўра, тугатилаётган ёки мақбуллаштирилаётган фермер хўжалиги ёки қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи бошқа субъектларга ажратилган ер майдонига сарфланган харажатлар қийматини ҳисоблаш ва қоплаш тартиби тасдиқланди. Энди ҳукумат, маҳаллий ҳокимликлар учун ҳам ҳар баҳона билан ерларни олиб қўйиш, хўжаликларни тугатиш осон бўлмайди. Зеро, ҳар нарсанинг ҳисоби, тўлови бор. Бир фермер хўжалигини тугатиш маҳаллий бюджет ёки ерга даъво қилаётган янги мулкдорга қаттагина чиқим олиб келиши мумкин. Шу маънода ерни тортиб олиш ҳуқуқига эга мансабдорлар етти ўлчаб бир кесилга мажбур.

Қандай харажатлар қоплаб берилади?

Янги низомда ерга сарфланган қайси турдаги харажатлар қоплаб берилиши ҳам аниқ белгилаб қўйилган. Масалан, қўчатлар, манзарали дарахтлар, уларни парваришlash, худудни ободонлашти-



риш ҳамда кўкаламзорлаштириш ишлари, қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш мақсадида бажарилган агротехник тадбирлар учун қилинган харажатлар қоплаб берилади. Яъни энди боғлардаги ҳар бир дарахт, трактор, бульдозерга сарфланган ҳар литр ёқилғи, тартибга солинган йўллар учун компенсация тўланиши шарт.

Қишлоқ хўжалиги ташкилоти ихтиёрийлик асосида тугатилаётганда ёки мақбуллаштирилаётганда ерга сарфланган харажатларни аниқлаш учун фермерлар баҳоловчи ташкилотта мурожаат қилади ва баҳолаш қийматини ўзи тўлайди. Жараён ҳокимлик томонидан амалга оширилса, бу харажатлар туман ҳокимлиги ёки янги даъвогар зиммасига тушади. Баҳолаш қишлоқ хўжалиги ташкилоти ташаббуси асосида амалга оширилганда, баҳолаш натижалари туман ҳокимлигига ҳисобот кўринишида тақдим қилинади. Агар ҳокимлик ҳисоботдан норози бўлса, ҳисоботнинг ишончлилиги юзасидан экспертиза ўтказилади.

Ернинг қиймати янада ошади

Шу маънода ерга даъвогарлар учун ернинг қиймати ҳам кескин ошиб кетиши мумкин. Зеро, янги жорий қилинган қоидаларга кўра, баҳолаш натижалари юзасидан ҳисобот бўйича эътироз бўлмаса, ер майдони танловга қўйилади ва талабгорлар қопланиши лозим

бўлган харажатлар тўғрисида хабардор қилинади. Талабгор танлов ғолиби деб эълон қилинган кундан бошлаб 10 кун ичида харажатларни тўлиқ тўлаши лозим. Агар харажатларни қопламаса, ҳокимлик кейинги календарь кундан кечикмай ғолибдан кейин энг юқори балл тўплаган талабгорга харажатларни қоплаш тўғрисида тақлиф юборади. Ушбу талабгор 10 иш кунини харажатларни тўласа, у танлов ғолиби деб ҳисобланади ва унга ушбу ер расмийлаштирилади. Агар харажатлар тўланмаса, танлов ўтказилмаган деб ҳисобланади ва ер майдони кейинги танловга такроран қўйилади.

Юқоридагилар мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасида адолатни таъминлаш, тизимни тартибга солишда қатта аҳамият касб этиши тайин. Ўйлаймизки, янги тартиблар айрим маҳаллий раҳбарларнинг ерларни тортиб олиш, янги эгаларга тақдим қилиш, фермерлар устидан мутлақ ҳукмронлигига чек қўйилишига сабаб бўлади.

Аммо, бизнингча, янги жорий этилаётган тартибларнинг ҳам камчилиги бор. Масалан, мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасидаги шу пайтгача ўтказилган кўплаб ислохотлар натижасида қатта пулларга қўйиб улгурган собиқ фермерларнинг ҳуқуқи қандай таъминланиши қарорда ўз аксини топмаган. Ўйлаймизки, бу борада ҳам адолат таъминланади.

Улуғбек ИБОДИНОВ
«Mahalla»

Ўзбекистонда мармар мол гўшти 2022 йилда
тўлиқ маҳаллийлаштирилади.

Таъмирталаб йиғин биноси, сувсиз қолган аҳоли, сифатсиз тиббий хизмат...

Фарғона вилояти Ўзбекистон туманидаги «Дашт чўлпон» маҳалла фуқаролар йиғинида умргузаронлик қилаётган 6 минг нафардан ортиқ аҳоли ана шундай муаммолар гирдобида яшамоқда. Аҳоли кундалик ҳаёт тарзи учун муҳим бўлган масалалар ечимини излаб турли идоралар эшикларига бош суқмоқда, сектор раҳбарлари, депутатлардан ёрдам сўрамоқда. Аммо шу кунга қадар бирон бир масалага ижобий ечим топилмади. Нега, нима учун?

Маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуддаги қишлоқ врачлик пунктининг ташландиқ биноси олдида. Бир пайтлар аҳоли узоғини яқин, оғирини енгил қилган тиббиёт маскани бутун қаровсизлик, эътиборсизлик «қурбонига» айланган. Қишлоқ врачлик пункти Президентимизнинг 2017 йил 29 мартдаги «Ўзбекистон Республикасида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини ташкил этишни янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, «Шодлик» маҳалла фуқаролар йиғинидаги 75-оилавий поликлиникага бирлаштирилди. Асосий мақсад, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш кўламини кенгайтириш, сифатини яхшилаш. Аммо маҳалла аҳоли қишлоқ оилавий поликлиникаси хизматидан қониқмапти.

«Олий Мажлис депутати га ҳам мурожаат қилган эдик...»

«Шодлик» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги 75-қишлоқ оилавий поликлиникасига бориш учун айрим ҳудудлардаги оралик масофа 5-6 километрдан ортиқ. «Тез ёрдам» машинаси ҳам йўқ.

Маҳалламизда ёши улуг, ногирон фуқароларимиз бор, дейди маҳалла фаоли Дилшодбек Каримов. Тиббий хизматга зарурий тугилиб қолса, такси ёки шахсий машинамиздан фойдаланамиз. Устига-устак, қишлоқ оилавий поликлиникасида беморлар учун етарлича шараитлар ҳозирланмаган. Мазкур масалада амалий ёрдам сўраб, Олий Мажлис депутати Мавлуда Хўжаевага, сектор раҳбарларига мурожаат қилганимиз. Лекин ҳеч қандай жавоб олганимиз йўқ.

Маҳалла фаолларининг қишлоқ оилавий поликлиникаси «шаъни»га айтган эътирозларини тинглаб, мазкур тиббиёт масканига боришга қарор қилдик.

— Аҳолининг эътирозларида жон



СЕКТОР РАҲБАРЛАРИ ҚАЧОН УЙҒОНАДИ?

бор, дейди 75-қишлоқ оилавий поликлиникаси муdiri вазифасини бажарувчи Шохиста Мелибоева. — Бу ерда учта маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилаётган 21 минг 631 нафар аҳолига хизмат кўрсатамиз. Ҳақиқатан ҳам, иш, муолажа хоналари етишмайди. Битта хонада 3 нафар умумий амалиёт шифокори ўтирибди. Шунча аҳолига икки койкали кундузги шифохона хизмат кўрсатади. «Тез ёрдам» шохобчаси фаолиятини ташкил этиш учун бино ҳам, жой ҳам йўқ. Кўриб турганингиздек, бинога кириш йўлагига рўйхатга олиш бўлими, қоровулхонада ҳамширалар учун жой ва «Call-markazi»ни ташкил қилганимиз. Бизга қўшимча бинолар қуриб беришни ваъда қилишган, аммо амалий ишлар қачон, қай тартибда бошланишидан хабаримиз йўқ.

Ҳақиқатан ҳам, қишлоқ оилавий поликлиникасидаги ҳолат кишини таажублантиради.

— Мазкур қишлоқ оилавий поликлиникаси 1998 йилда қишлоқ врачлик пунктига мослаб қурилган, дейди Ўзбекистон тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиги Обиджон Тусматов. — Аҳоли сонининг ортishi, мутахассисларнинг кўпайishi натижасида у ерда хоналар етишмовчилиги юзага келмоқда. Ушбу бинони қишлоқ оилавий поликлиникасига мослаштириш ва мутахассисларга қўшимча хона қуриш 2021 йилга белгиланган.

Бундан-да оғир ҳудудлар бор

Аҳоли ҳаёт тарзи учун муҳим бўлган электр таъминотини яхшилаш, йўлларни таъмирлаш кўҳна қишлоқ одамларини ўйлантираётган, норозиликларга сабаб бўлаётган навбатдаги муаммолардан бири. «Дашт чўлпон» маҳалласи кўчаларида бўлган киши узатса қўли етай деб турган электр узатмаларининг қўлбола кўринишидан хайратланади. Ҳар ким ўз билганича, бир амаллаб тортиб олган тармоқлар хавфли кўриниш олган. Айтишлари-

ча, кейинги йиғирма йилда маҳалладаги оилалар сони деярли икки хиссага кўпайган бўлса-да, хануз эски электр узатиш қурилмаларидан фойдаланилмоқда.

Ортиқча қучланиш билан ишлаётган подстанцияларда тез-тез авариялар содир бўлиб, электр таъминоти сифатига жиддий таъсир кўрсатиб келмоқда. Масалага ойдинлик киритиш мақсадида туман электр тармоқлари корхонаси мутасаддилари билан боғландик.

— Бу ҳудуд 2020 йил давлат дастурига тушган, дейди Ўзбекистон тумани электр тармоқлари корхонаси ишлаб чиқариш бўлими бошлиги Шаҳбоз Ғуломов. — Дастур доирасида 1 та янги қучланишли подстанция қурилиши, таянч устунларни алмаштириш кўзда тутилган. Лекин ҳали қурилиш лойиҳалари тайёр эмас. Айни кунда бундан-да оғир ҳудудлар, 2019 йил давлат дастурига киритилган «Нурсух», «Тағоб» маҳалла фуқаролар йиғинларида таъмирлаш ишларини олиб бораётиз.

Томорқа учун сув йўқ

— Томорқа экинларини суғориш долзарб масалалардан, дейди томорқачи Элдор Абдумаликов. — Бу масалада амалий ёрдам сўраб борманган жойимиз қолмади, лекин ҳеч қандай ўзгариш бўлгани йўқ. Ҳамма томорқадан самарали фойдаланиш омилини хусусида ваъз ўқийди. Аммо бу борадаги муаммолар ечими билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Томорқамда 2,5 сотих иссиқхона ташкил қилганман, лекин экинларни суғориш учун оқин суви йўқ. Авваллари пиёз, сабзи экинларидан мўл ҳосил олардик. Бутун уларнинг ҳаммаси ўтмиш хотиралари сифатида эсланади.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Бу ишларнинг бевосита ташаббускори, кўмакчиси бўлган «Томорқа хизмати» масъуладар қаерда, нима ишлар билан банд? Маълум бўлишича, маҳалла аҳоли бундай хизмат кўрсатиш тармоқлари борлигидан беҳабар.

«Ҳамма талаб қилишни билади...»

— Маҳалламизда тўғланиб қолган муаммолар кеча ёки бутун пайдо бўлиб қолгани йўқ, дейди «Дашт чўлпон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Бахтиёр Юсупов. — Хусусан, ҳудудимиздаги 22 та ички йўлларни таъмирлаш, тоза ичимлик суви, электр таъминоти сифатини яхшилаш борасидаги мавжуд муаммолар ечими юзасидан 3-сектор мутасаддиларига бир неча бор мурожаат қилганимиз. Аммо ҳеч қандай амалий чоралар қўрилгани йўқ. Белгиланган қонунчилик талабларига кўра, мавжуд масалалар ечими «маҳалла — сектор — Халқ қабулхонаси — маҳалла» тамойили асосида амалга оширилиши белгиланган. Амалда эса бундай бўлаётгани йўқ. Яқинда Гулзор кўчасига аҳоли кучи билан 200 метрли тоза ичимлик суви тармоғи тортилди. Ҳамма иш аҳоли кучи, сармоёси ҳисобидан бажарилди. Энди бу тармоққа «Оқова сув» эга чиқиб, сув учун пул тўлашни талаб қилмоқда. Йиғин биноси таъмирга муҳтож, ишчи-хизматчилар учун жиҳозлар, компьютер етишмайди. Битта компьютердан уч киши навбати билан фойдаланамиз. 2020 йил 1 июлдан бошлаб фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш овозим маошига 30 фоиз қўшимча махсус устама тўлаш тартиби жорий этилган. Лекин биз бу устамаларни олганимиз йўқ. Ҳамма биздан иш, ҳисобот талаб қилади, лекин ҳеч ким сени қандай масала қийнаётти, қандай ёрдам керак, демайди.

Дарҳақиқат, бир маҳалла ҳаёт тарзида учраб турган турфа муаммолар фақат мана шу ҳудудга хос, деган фикрдан йироқмиз. Бундай камчилик ва нуқсонлар ҳар бир маҳалла ҳаёт тарзида учраб турибди. Уларни бартараф этишга бевосита дахлдор бўлган масъуллар хануз сукут сақламоқда.

Расул КАМОЛ
«Mahalla»

КИМДИР ХУЛОСА ЧИҚАРДИ, КИМДИР ЭСА ЙЎҚ:

Ўртада одамлар сарсон, масъуллар қачон уйғонади?

Газетамизнинг 2019 йилги сонларида Самарқанд вилоятининг айрим маҳаллаларида аҳолини қийнаётган ижтимоий муаммолар ҳақида катор танқидий мақолалар эълон қилинган эди. Хўш, мазкур чиқишлардан сўнг жойларда қандай ўзгаришлар кузатилди? Аҳолини қийнаб келаётган масалалар қай тарзда ечим топди? Шу ва бошқа саволларга жавоб излаб танқидий мақолаларда тилга олинган ҳудудларда бўлдик.



— Масъулиятсизликка йўл қўйган бундай ташкилот раҳбарлигига нисбатан тегишли чоралар кўри-либ, мазкур муаммолар тез орада бартараф этилади.

Дастур чала қолиб кетаверадимиз?

Газетамизнинг жорий йилдаги 15-сонида «Маҳалланинг якунига етмаган ободлигига ким жавоб-гар?» номли мақолада Самарқанд шаҳрининг «Чилқудук» маҳал-ласида «Обод маҳалла» дастури бўйича белгиланган юмушлар ўта сифатсиз ва чала бажарилгани, бунинг натижасида ёгингарчи-ликлар туфайли кўчалардан оққан сувлар тўғри аҳоли хонадонла-ригача кириб кетаётгани, электр таъминотида ҳам узилишлар рўй бераётгани танқид қилинган эди.

— Мақола чоп этилганидан сўнг озгина жонланиш бўлди-ю, аммо яна кўп ишлар чалалигича қолиб кетди. — дейди шу маҳал-лада яшовчи Шароф Маърупов. — Эскирган симёғочлар янгисига алмаштирилди, аммо ички кўча-ларимизга асфальт ётқизилмади. Масъуллар карантин туфайли ас-фальт заводлари тўла қувват билан ишламаётганини айтишяпти. Нима, энди «Обод маҳалла» дастурининг бажарилиши шундай чалалигича қолиб кетаверадимиз?

Масъулларнинг шу масалага муносабатини билиш мақсадида Самарқанд шаҳар ҳокимлиги билан боғландик. Ҳокимлик бош мутахас-сиси Жасур Истамовнинг айтиши-ча, бу юмушлар чала қолиб кет-майди, қисқа фурсатларда якунига етказилади. Ҳозир мазкур масала устидан иш олиб бориляпти.

Хуллас, вилоятнинг айрим ҳу-дудларида газетадаги танқиддан сўнг ҳам вазият яхши томонга ўзгармаяпти. Халқимизни рози қилиш энг эзгу мақсадимиз экан, демек, ҳар биримиз зиммамизга олган масъулиятни тўла ҳис этиб, бизга ишонган одамлар олдидаги бурчимизни виждонан оқлашимиз керак эмасми? Ўйлаймизки, ҳудуд мутасаддилари юқорида тилга олинган камчиликларни тезда бартараф этадилар ва газетадаги танқидий чиқишларга эътиборли-роқ бўладилар. Биз эса бу мавзуга яна қайтамиз.

Ёрмамат РУСТАМОВ
«Mahalla»

«Бир йилда қилинмаган иш икки кунда қандай бажарилади?»

Жумладан, газетамизнинг ўтган йилги 28- ва 41-сонларида эълон қилинган «Кўпчилик ишдаги кўзбўямачилик» ва «Айрим му-тасаддиларга халқ дарди билан яшаш бегона... (ми?)» сарлавхали мақолаларда Самарқанд шаҳрининг «Сугдиёна», «Сартела», «Микро-район» каби массивларидаги кўп қаватли уйларни қиш мавсумига тайёрлаш билан боғлиқ муаммолар қаламга олинган эди. Орадан бир йил вақт ўтди. Ҳадемай, яна қиш эшик қоқди. Хўш, чоп этилган тан-қидий материаллардан сўнг ҳудуд-да нималар ўзгарди?

— Йўқ, деярли жиддий ўзгариш-лар бўлмади. — дейди «Зулфия» маҳалласида яшовчи Илхом Ашуров. — Масалан, биз яшаётган 8-уйда қарийб 10 йилдан бери ис-сиқлик тизими мутлақо ишламай-ди, иссиқ сув умуман йўқ. Бунинг устига ўтган йили бошланган таъ-мирлаш ишлари чалалигича қолиб кетди. Уйимизнинг олдида ёмғир сувлари учун бетон ариқчалар, болалар майдончаси барпо этил-мади. Муаммолар ҳақида масъул-ларга айтавериб чарчадик.

— Газетадаги мақолалардан сўнг бу ерга биронта масъул келиб, ахволни ўрганмади, кейин Прези-дент порталига мурожаат қилдик. — дейди 8-уй бошқарувчиси Сайёра Комилова. — Бажарила-диган ишлар сметасини кўргани-мизда ертўла тўлиқ таъмирлани-ши, уйнинг олд ва орқа қисмлари рангланishi, балконларнинг пастки қисмига тунука қоплани-ши, ирригация аригини тўғрилаш, аҳоли учун дам олиш маскани, болалар майдончаси бунёд этиш белгиланган эди. Аммо режадаги ишларнинг ярмидан кўпи чала қолиб кетди. Ертўладаги айрим юмушларни ҳисобга олмаганда, бир йил давомида бирорта жид-

дий ўзгариш бўлгани йўқ. Қурилиш корхонаси раҳбарига мурожаат қилсак, «икки кун ичида ҳамма-сини тўғрилаймиз» дейди. Бир йилдан бери қилинмаган ишлар икки кунда қандай бажарилар экан? Шунга хайронмиз. Қолавер-са, қуруқ ваъда билан уйни иситиб бўлармикан?

Мазкур кўчадаги 6-уйда ҳам худди шундай вазият. 40 та хона-дон, 160 киши истиқомат қилаёт-ган тўрт қаватли бинонинг девор-лари таъмирланганига ҳали бир йил ўтар-ўтмас, кўчиб тушган.

Йиғин ҳудудида жойлашган Тараққиёт, Булок ипак йўли кўча-ларидаги кўп қаватли уйларда яшовчи аҳолини ҳам иссиқлик тизимининг ишламаслиги ҳалигача қийнаб келмоқда. Айрим уйларнинг таъ-мирдан чиқарилган деворлари эса қаттиқроқ акса урсангиз, кўчиб тушадиган ҳолатга келган.

Маълумотларга қараганда, кўп қаватли уйларни жорий таъмир-лаш учун бундан икки йил муқад-дам Самарқанд шаҳар архитектура бўлими ва «Меъмор қурилиш лойиҳа» масъулияти чекланган жамияти томонидан лойиҳа-сме-та ҳужжатлари тайёрланган ва ҳудуддаги уйларнинг ҳар бирига 200 миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилган. Хўш, унда объектлар-нинг сифатсиз таъмирланиши, айрим уйларнинг олдида болалар майдончасининг қурилмаслигига сабаб нимада?

— Сиз айтган майдончаларни қуриш лойиҳада кўзда тутилмаган. — дейди «Зулфия сирой-сервис» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раҳбари Абдуҳамид Мусурмонов. — Майдончалар ўрнига дам олиш шийпончалари қуриляпти. Чала таъмирланишлар масаласига келсак, ўтган йили бошланган юмушлар жорий йилда карантин сабабли тўхтаб қолган эди. Карантин чекловлари юм-шатилиши билан бу ишлар, мана, энди яна жонланяпти.

Қизик, кўп қаватли уйларни таъ-мирлаш бўйича 2018 йилда тас-диқланган лойиҳа-смета 2019 йил давомида ниҳоясига етмай, 2020 йилнинг ҳам охирига келиб тақал-япти. Аччиқ ичакдек чўзилаётган бу юмушларга аслида ким айбдор?

— Бунга, асосан, молия таш-килотлари айбдор. — дея сўзида давом этади Абдуҳамид Мусур-монов. — Улар қурилиш ташкилот-ларини ўз вақтида маблағ билан таъминлай олмаётти. Молиячилар қурувчиларга пул ўтказиб берган вақтида ишлар бирдан жонланиб қолади. Пул тугагач эса иш яна тўхтайди.

«Ҳаммаси жойида» бўлса, одамлар нега норози?

Мазкур маҳаллага шундоқ қўшни бўлган «Бешчинор» йиғини ҳудуд-даги кўп қаватли уйлар атрофини бегона ўт босиб, ариқлар маиший чиқиндилар билан тўлиб ётибди. Бу ерда йиғин раиси Ғайбулла Чўлиев бир вақтнинг ўзида «Умид» уй-жой мулкдорлари ширкатида ҳам раҳ-барлик қилар экан.

— Бизларда ҳаммаси жойида, ҳеч қанақа муаммо йўқ. — дейди Ғ. Чў-лиев. — Чунки ширкатдаги 8 киши-лик жамоа билан уйлардаги жорий таъмирлашни алақачон сифатли қилиб бажариб қўйганмиз.

Аммо аҳолининг сўзларига қа-раганда, мазкур ҳудудда ҳам раис айтганидек, «ҳаммаси жойида» эмас, кўп қаватли уйларда иссиқ-лик таъминоти ишламас экан.

— Ҳокимлик қошида тузилган махсус гуруҳнинг ўрганиш нати-жалари шуни кўрсатдики, ҳақи-қатдан ҳам юқорида қайд этилган ҳудудлардаги кўп қаватли уйларни таъмирлаш ишлари айрим пуд-ратчи ташкилотлар томонидан охиригача етказилмаган ёки юзакки бажарилган. — дейди Самарқанд шаҳар ҳокимлиги уй-жой ком-мунал хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи Фирдавс Мамадиёров.

1 сентябрдан ундирилиши умидсиз деб эътироф этилган солиқ қарзини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги низом кучга киради.

Биз узок йиллар қишлоқдаги турмушни шаҳардагига тенглаштириш ҳақида гапирдик, аммо амалда бу етиб бўлмас орзу бўлиб қолаверди. Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 29 мартдаги «Обод қишлоқ» дастури тўғрисидаги фармони эса йиллар давомида армонга айланган орзуларга қанот бағишлади. Қишлоқларни обод қилиш энг чекка ҳудудлардан бошланди ва кейинги икки йил мобайнида мазкур ҳаётбахш дастур асосида миллионлаб одамларнинг турмуш тарзи ва ҳаётга муносабати тубдан ўзгарди.

Қишлоқда ЯШАШ ҚАЧОН ҚУЛАЙ БЎЛАДИ?

Аммо, тан олиш керакки, ҳамоно тоза ичимлик суви етиб бормаган, йўллари ўнқир-чўнқир, электр энергияси кунда-кунора узилиб қоладиган қишлоқлар ҳам йўқ эмас. Ҳўш, уларга қачон тараққиёт эпкинлари етиб боради? Қачон бу қишлоқлардаги одамлар ҳам шаҳардагидек қулайликлардан баҳраманд бўлади?

Дастурдан четда қолган қишлоқ

Навоий вилоятининг Навбахор туманидаги чекка қишлоқлардан бири Дул-дул Қизилтепа туманининг Тошработ қишлоғи билан чегарадош ҳудуд ҳисобланади. «Обод қишлоқ» дастури амалга оширилиши бошлангандаёқ Тошрабод чиндан-да, обод гўшага айланди. Аммо унга ёндош Дул-дул қишлоғи ҳанузгача тоза ичимлик



тушиди-ю, Дул-дул яна келгуси йилга қолди. Шундай бўлса-да, ҳудудимиздаги 1985 йилда бошқа мақсадда қурилиб, 1996 йилда мактаб учун мослаштирилган 24-умумтаълим мактаби биноси янгидан қуриляпти. 2021 йилда «Обод қишлоқ» дастурига тушса, Дул-дулнинг бошқа муаммолари ҳам ҳал бўлади.

Дарвоқе, қишлоқда мактаб-гача таълим муассасаси йўқ. Шунингдек, битта ҳам саноат ишлаб чиқариш корхонаси ёки сервис хизмат кўрсатиш шохбчаси фаолият кўрсатмайди. Шу боис ҳам аҳолини иш билан таъминлаш катта муаммо. Ёз охираб, куз-қиш мавсуми яқинлашган сари қишлоқ аҳолининг ташвиши ортаётгани ҳам сир эмас. Чунки икки йил аввал Вазирлар Маҳкамаси, вилоят ва туман ҳокимлигининг қишлоқ газ етиб бориши қийин бўлган ҳудудлар сирасига кириши ҳақидаги ҳулосаси асосида Дул-дулдаги хонадонлар газ тармоғидан узиб қўйилди. Ҳуллас, қишлоқликлар ҳозирданоқ қиш учун кўмир ва ўтин ғамлашга киришишган.

Мутасаддилар муаммони эшитади, бироқ ҳал қилмайди

Хатирчи туманининг Полвонота қишлоғида ҳам тоза ичимлик суви, йўл ва электр энергияси бўйича муаммолар мавжуд. Қишлоқ аҳли туман ва вилоят ҳокимликлари, ҳатто Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларига ҳам бир неча бор мурожаат қилишди. Аммо натижа бўлмади.

Биз бу ҳолатга изох сўраб,

Хатирчи тумани ҳудудий электр тармоқлари корхонаси мутасаддилари билан боғландик.

— 2020 йилга мўлжалланган манзилли дастур асосида туманимиздаги «Олмазор» «Бинокор» ва «Янги» маҳаллаларида электр тармоқлари янгиланди, симёғоч ва трансформаторлар ўрнатилди, — дейди **корхона бош муҳандиси Ёқуб Ибодуллаев**. — Айни пайтда дастур доирасида «Чағатой» маҳалласининг Хонақа қишлоғидаги электр таъминоти билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиялми. Полвонота қишлоғи 2021 йил дастурига киритилса, албатта, у ердаги муаммолар ҳам бартараф қилинади.

Қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласи ҳам дастурга киритилиши лозим. «Сувоқова» давлат унитар корхонаси Хатирчи тумани бўлими бош муҳандиси Фарҳод Қодировнинг айтишича, жорий йилда пудратчи «Навоий сув таъминоти» МЧЖ томонидан ҳудуддаги 3 та маҳаллага тоза ичимлик суви қувурлари ўтказилди.

— Жумладан, «Тамабахрин» маҳалласига 17,3 километр сув тармоғи ва бир донна сув минораси ўрнатилиб, 362 та хонадон тоза ичимлик суви билан таъминланди, — дейди **Ф.Қодиров**. — Шунингдек, «Боғишамол» йиғинида 14,5 километр сув тармоғи ўтказилиб, 275 та хонадоннинг муаммоси ҳал этилди. Лангар қишлоғида эса 16 километр сув тармоғи ва 16 донна сув ҳавзаси қурилиб, ҳудуддаги 3 мингдан ортиқ аҳолига сув етказиб бериш имконияти яратилди. 2021 йилда бу ишлар қўмали янада кенгайиб, Полвонота қишлоғи ҳам тоза ичимлик суви билан таъминланади.

Метанга қачон сув келади?

Навбахор туманининг Метан қишлоғи аҳли учун энг катта ноқулайлик, бу — ичимлик сувининг танқислигидир. Бундан саккиз йил аввал қишлоққа сув қувурлари тортилган эди. Аммо иш чала қолиб, сув етиб келмади. Метанликлар бу ҳақда турли идораларга мурожаат қилишди, афсуски, мурожаатлар ҳам қутилган натижани бермади.

— 2019 йилда «Mahalla» газетасида ҳам қишлоғимиздаги муаммолар ҳақида «Ҳар кун ич суви олиб қолишга улгурармиканмиз, дея яшаймиз» сарлавҳали мақола чоп этилди, — дейди **шу ерда яшовчи Содиржон Асадов**. — Мазкур мақолада кўтарилган муаммоларни прокуратура органлари ўрганаётганини эшитиб, «энди қишлоғимизга сув келади», дея қувонгандик. Афсуски, бундан ҳам бир натижа чиқмади. Туман ҳокимлиги вакиллари 2020 йил сўнгигача муаммо ҳал бўлади, дейишганди, мана, тўққизинчи ойга етдикки, ҳеч бир янгилик йўқ. Ҳамоно биз ишда пайтимиз махсус уловда сув келса, аёлларимиз ва болаларимиз оғир юк кўтаришига қарамай, сув олиб қолишга интилади. Агар уйда ҳеч ким бўлмаса, сувсиз қолиш ҳам мумкин.

— Президентимиз жорий йил 12-13 март кунлари Навоий вилоятига ташрифи чоғида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш долзарб вазифа эканини таъкидлаган эди, — дейди **«Сувоқова» давлат унитар корхонаси Навбахор тумани бўлими раҳбари Асрор Худойкулов**. — Ана шу топшириқ ижроси доирасида Метан қишлоғига сув қувурлари тортилган, йил охиригача бу муаммо ҳал бўлади, албатта.

Ҳа, қишлоқ аҳолисининг зарурий эҳтиёжлари анча. Булар шунчаки ҳою-ҳавас эмас, юқорида таъкидлаганимиздек, тоза сув, равон йўл, узлуксиз электр энергияси ва табиий газ каби маиший эҳтиёжлар қондирилмас экан, қишлоқда яшаш қулай бўлмайди.

Холбиби САФАРОВА
«Mahalla»

Мавзуга оид маълумот:

Давлатимиз раҳбарининг «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурларини 2020 йилда амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарорига асосан, айни пайтда вилоят бўйича 11 та қишлоқ ҳамда Навоий шаҳрининг «Истиклол» ва «Умид», Зарафшон шаҳрининг «Қурувчи» ва «Тинчлик» маҳаллаларида улкан ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари давом этмоқда.

суви тақчиллигидан, электр энергияси таъминотидаги мунтазам узилишлару қишда лой, ёзда чанг кўчалардан ошар чекмоқда.

— Ўтган йили туманимиз ҳокими Лочин Облоқулов маҳалла аҳолиси билан учрашувда қишлоғимиз 2020 йилда «Обод қишлоқ» дастурига тулиши ва барча муаммолар ҳал бўлишини айтган эди, — дейди **«Дул-дул» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ислон Қурбонов**. — Аммо жорий йилда туманимиздан Навкар ва Учтут қишлоқлари дастурга

Ўзбекистон коронавирусга қарши эмлаш
дастурига қўшилди.

«Сув — ҳаёт манбаи» деган иборанинг нечоғли ҳаётий ҳақиқат эканини қорақалпоғистонликлар жуда яхши ҳис этади. Худуддаги аксарият аҳоли яшаш пунктларида сув билан боғлиқ муаммолар бор. Шу боис обихаётни тежаш учун лимитга қараб сув ажратилиши, ирригация соҳасига янги технологияларнинг жорий этилаётгани Оролбўйи аҳолиси учун айтиш мумкин бўлди.

ДУНЁНИ СУВ БОССА ТЎПФИГАЧА:

Хўжайли тумани масъуллари қачон ўз масъулиятини ҳис этади?

Ана шу тежамкорлик сувнинг тенг тақсимланиб, олис овулларга ҳам етиб боришига хизмат қилмапти. Лекин айрим жойларда белгиланган лимитнинг тенг тақсимланмаслиги сув танқислиги муаммосини келтириб чиқармоқда. Оқибатда тирикчилиги фақат ер, деҳқончилик билан боғлиқ бўлган инсонлар муаммолар гирдобига қоляпти.

Тахририятимизга Хўжайли туманидаги Сари шунгул овул фуқаролар йиғинининг Боғчилик овулидан келиб тушган мурожаатда ҳам айнан сув билан боғлиқ муаммо тилга олинади. Ушбу мурожаатни атрофлича ўрганиш мақсадида Боғчилик овулига борганимизда, нафақат сув муаммоси, балки бошқа кўпلىк ечимини кутаётган масалалар ҳам борлигига гувоҳ бўлдик.

Муаммолар кўпу ечими йўқ

— Бу ер қиндик қонимиз томган жой, — дейди мурожаат муаллифларидан бири, шу ерда яшовчи Розумбой Сабуров. — Шу боис ҳеч қачонга кўчиб кета олмаимиз. Бундан бир неча йил олдин сув муаммоси бир амаллаб ечилар эди. Лекин мана, икки йил бўлди, сув умуман келгани йўқ. Овулдошлар томорқага бирон экин экишга ҳам журъат қила олмади қолди. Сув бўлмаса, фалон сўмга уруғ қадаб нима қиламан, дейди. Овулимизга сув Сарай кўл ва Найман овуллари ўртасидаги катта каналдан келиб турган эди. Аммо Тахиятош тумани томонидан каналлар умуман ёпиб ташланди. Ўтган йили аҳоли билан маслаҳатлашиб, пул йиғиб, «Кенегес» канални қаздирдик. Бироқ сув берилмади. Жорий йилда яна пул тўтлаб, 1200 метрли ариқ қаздириб, «Жана жап»га қўшдик. Лекин меҳнатимиз яна бесамар кетди. Шолі эккан фермерлар биз томонга сув ўтказмай қўйди. Туман ҳокимлигига қанча мурожаат қилсак ҳам, муаммомиз ҳал бўлмади.

— Бир гектарга яқин ерим бор, — дея сўхбатимизга қўшилиди Амантай Абдихамидов. — Ҳар йили меҳнатимизга яраша ҳосил



олардик. Мана, икки йилдирки, сувсизлик сабаб ишимиздан барака кўтарилди. Ер учун 2 миллион 250 минг сўм солиқ тўлашим керак. Лекин ердан фойда олиш ўрнига экин экиш учун қилган харажатимга ҳам қуйиб ўтирибман. Додимизни эшитадиган одам йўқ. Ичимлик сувини ҳам қудуқдан оламиз. Ариқларга сув келмагани учунми, қудуқдаги сувда ҳам барака қолмади. Қудуқдан кунига 40-50 пақир сув чиқади ва бу зўрға молларимизни сўғоришимизга етади, холос.

Биронта симёғочнинг тўғри турганини учратмайсиз

Дарҳақиқат, овул муаммолар гирдобига қолган, аҳоли ичимлик сувини 3 км. узоқдан ташиб ичади. Шунча йўлдан сув олиб келишга имкони бўлмаганлар эса ҳовлисидаги босма қрандаги шўр сувга қаноат қилишга мажбур. Худуд инсонлари уста-деҳқон, боғбон бўлгани учун ҳам Боғчилик деб ном олган. Аммо бугун бир вақтлар сув тўлиб оққан ариқлар хароб аҳволга келиб, экинлар қовжираб ётганини кўрган кишида худуд номи билан боғлиқ саволлар туғилиши тайин.

Яна бир муаммо: электр тармоғи билан боғлиқ. Овулни кезсангиз, биронта симёғочнинг тўғри турганини учратмайсиз. Айрим жойларда оддий тол ёғочидан қўлбола устунлар ўрнатилган бўлса, бошқа жойларда тармоқ электр симини қўл билан ушлаш мумкин бўлган даражада паст тортилган.

— Симёғочларнинг бутунги аҳволи ва эски трансформатор сабаб кучли шамол ва ёғингарчилик

вақтида доимо қисқа туташув рўй бериб, хонадонлардаги электр жиҳозлари қуйиб қоляпти, — дейди нуроний онахон Гулистон Шанназарова. — Шу боис шахсан ўзим йиғинимиз раисига электр таъминоти борасидаги муаммоларни ҳам оғзаки, ҳам ёзма равишда мурожаат қилиб берганман. Тез кунда тегишли жойларга етказишини айтиб ваъда берганди. Лекин ҳеч натижа бўлмапти.

Масъуллар қачон умумий гаплардан чекланиб, амалий ишларга ўтади?!

— Сув, ҳақиқатда, мазкур овулга Тахиятош тумани худудидан келади, — дейди Хўжайли тумани ирригация бўлими бошлиғи Аловуддин Низомиiddинов. — Бу оралиқ масофа эса 18 км. Муаммонинг асосий келиб чиқиши ҳам ана шунда. Тахиятош тумани сув хўжалиги ҳодимлари сув назоратига бепарво қараяпти. Тегишли лимитдаги сувни олишимиз учун сув очилгандан кейин йўлдаги кўплаб ер эгалари, фермерлар сувни ўзларининг ерига буриб юборади. Натижада сув тегишли ерларга етиб бормаяпти. Шу сабабли навбатчилик ташкил этиб, сув йўлини назорат қилаямиз. Шунга қарамай, муаммолар юзага чиқмоқда. Йўлда ўзбошимчилик билан сувнинг 20 дақиқага очиб олиниши туман худудига обихаётнинг 1,5-2 соат кечикиб келишига сабаб бўлади. Бу борада энг мақбул йўллари излаямиз ва, албатта, муаммонинг ечимини топамиз.

Албатта, узоқ масофадан сувни тўла-тўқис кўзланган манзилгача олиб келишнинг ўзи бўлмайди. Аммо бутун-эрта ечим топамиз, деб ўтирмасдан соҳага замонавий технологияларни жорий этишда ташаббус кўрсатилса, ёмон бўлмасди. Негати, юртимизда ушбу соҳага ақли бошқариш усуллари жорий этиш аллақачон бошланган. Унга ҳеч бўлмаса, навбатчилик ишларини тўғри ташкил этиш чораларини кўриш керак. Боиси навбатчилик шу

вақтгача тўғри ташкил этилганда эди, муаммо бунчалик чуқур илдиш отмасди. Майли, сув муаммоси табиий жараёнларга ҳам боғлиқ экан, электр тармоқларидаги масала қандай ечим топади?

— Муаммодан хабаримиз бор,

— дейди туман электр тармоқлари корхонаси бошлиғи Амирбек Акимов. — Лекин айтиш пайтда имкониятларимиз етарли эмас. Чунки туман бўйича электр тармоқлари соҳасига тегишли бўлган иш ҳажми жуда кўп. Шу боис вазиятни чуқур ўрганиб, 2021 йилги Давлат дастурига ушбу худудни киритамиз.

Муаммо инсон ҳаёти билан боғлиқ экан, уни ҳар қандай важкорсонлар билан ҳам кечиктириб бўлмайди. Ахир, бугун омонат бўлиб турган симёғоч эртага бирон кишининг бошига кулфат келтирмаслигига қандай кафолат бор?! Умуман олганда, масъуллар қачон умумий гаплардан чекланиб, амалий ишларга ўтади?! «Дастурга киритамиз», «ҳал қиламиз» билан ишлар битганида эди, ўтган йиллар давомида бундай муаммолар йиғилиб қолмасди.

Дарвоқе, овулдаги муаммолар шу билан якун топса қанийди. Биргина йўлнинг хароблиги боис ёғингарчилик вақтида бу ерга келиб-кетишнинг ўзи азоб. Худо кўрсатмасин, бирор хонадонда бемор учун «Тез ёрдам» машинаси чақирилса, унинг бу йўллардан ўтиб келишига бир неча соат вақт кетади. Шунингдек, овулда болалар боғчаси филиали, дорихона, қишлоқ врачлик пунктига ҳам эҳтиёж мавжуд.

Масъуллар оддий симёғочни алмаштириш, экинларга сув қуйиш имконини топиб бера олмаётган бир пайтда бу каби масалаларни қаторлаштириб айтишга ҳам истиҳола қилади киши. Биз эса Хўжайли тумани масъуллари ушбу муаммоларга эътибор қаратиб, аҳолини қийнаб келаятган масалаларга панжа орасидан қарашни йиғиштириб, оқилона ечим топишига умид қиламиз.

Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ
«Mahalla»



Гид ва экскурсиячиларга малака гувоҳномаларини бериш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

«МАҲАЛЛАМИЗ унутилган оролчага ўхшайди»

Маҳалла раиси ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишда бевосита жавобгар ҳисобланар экан, ҳар бир фуқаронинг фикрини ҳисобга олиши шарт. Умумманфаат учун хизмат қиладиган фикрларни қўллаб-қувватлаши керак. Бу жараёнда юзага келадиган тушунмовчиликларни бартараф этиш, вазият қанчалик чигал ва қўнғилсиз бўлмасин, маҳалла раиси ҳар бир фуқаро билан муросяю мадора қилишга мажбур.



«Баландпарвоз шиорларнинг амалий натижаси бизга бегона»

Юқоридаги сўзларни бежиз айтмадик. Тахририятимизга Тошкент вилояти Тошкент туманидаги «Қирқ ариқ» маҳалла фуқаролар йиғинидан келган мурожаатни ўрганиш жараёнида айнан шундай ҳолатга дуч келдик.

— Аввал меҳнат фаолиятим сабаб бошқа ҳудудларда яшадим, ниҳоят ўн йилча бурун болалигим ўтган шу қишлоқда уй-жой қуриб яшай бошладим, — дейди мурожаат муаллифи, олий тоифали ўқитувчи Турғун Иброҳимбеков. — Лекин бутунги кунда кўчиб келганимга афсусланяпман. Бунинг ўзига яраша сабаблари бор, албатта. Аввало, биз яшаётган кўчага ичимлик суви ўтказилмагани боис 80 та хонадон ичимлик сувини ташиб келишга мажбурмиз. Қолаверса, 1994 йилдан бери кўчамиз умуман асфальт қилинмаган. Яна бир масала: илгари битта кўчага мўлжаллаб қўйилган трансформатор ҳозирги кунда 5 та кўчага хизмат қилаётгани сабабли қуввати етмай тез-тез ёниб кетади, натижада чироқ тез-тез ўчиб туради.

Ҳозирги кунда ҳар бир кўчада тадбиркорлар цех ёки устaxonа қуриб, ишга туширяпти. Айримлари чорвачилик ва паррандачилик билан машғул. Буларнинг ҳаммасига электр энергияси керак. Аммо биттагина трансформаторнинг шунча аҳоли эҳтиёжини қондиришга қуввати етмайди. «Обод қишлоқ», «Тоza ҳудуд», «Обод кўча», «Обод хонадон», «Обод маҳалла» деган баландпарвоз шиорларнинг амалий натижалари бизга бегона. Маҳалламиз унутилган оролчага ўхшайди. Кўчаларда чиқинди тўлиб кетаяпти.

«Битта аризачини деб ишимда унум йўқоляпти»

Тахририятимизга келган мурожаатни ўрганиш, бунинг учун ҳудудга бормоқчи эканимизни айтмоқчи бўлиб «Қирқ ариқ» маҳалласи раиси Муҳаррам Ғофуровага қўнғироқ қилдик. Маҳалла раиси гап нимада эканини били-



ши ҳамон аризачи фуқаронинг дастидан ишлай олмаётганини, Т.Иброҳимбеков шахсий адоват туфайли фаолиятига атайлаб тўсқинлик қилишга уринаётганидан ёзғирди ва мурожаат юзасидан у билан юзма-юз бўлишни истамаслигини билдирди.

Шу боис аввал мурожаатчи билан учрашиб, вазиятни билиш ва ҳолат аризада ёзилгани каби бўлса, маҳалла раисидан бунга муносабатини сўрашни ният қилдик. Дарҳақиқат, Қирқ ариқ-2 кўчасига фақат шағал тўқилган, йўлнинг ободлиги учун бирон иш қилинмагани шундоқ кўриниб турарди. Боз устига, йўл четида юк машинасини тўлдирадиган чиқинди йиғилиб қолганига гувоҳ бўлдик. Ичимлик суви билан боғлиқ муаммо ҳам айна ҳақиқат.

Ушбу ҳолатга изоҳ олиш учун М.Ғофуровага юзландик. Афсуски, маҳалла раиси мазкур кўчага келиб кўрмагунча йўлда чиқинди борлигига ишонмади.

— Йўл, ичимлик суви, электр тармоғи, умуман, ҳудуддаги барча масалаларни ҳал этиш учун маҳалламиз дастурга киритилган, — дейди М.Ғофурова. — Дастур ижроси 2020 йилда амалга оширилади. Бундан бутун маҳалла хабардор ва хурсанд. Режа амалга ошиши учун эса сабр қилиш керак. Аммо айрим «аризачи» фуқароларнинг дастидан юриб бўлмай қолди. Аслида Қирқ ариқ-2 кўчасига анча олдин ичимлик суви келиши ҳам мумкин эди. Гап шундаки, ички имкониятимишни ишга солиб, кўчадаги хонадонлардан маълум миқдорда пул йиғиб, қувур тортмоқчи эдик. Ахир, ҳамма ишни давлат қилиб берсин, деб қараб туриш ҳам ярамайди-да. Ҳаммаси тахт бўлган пайтда

Т.Иброҳимбеков пул йиғишга қарши чиқди. Шу билан иш қолиб кетди. Энди эса Давлат дастури амалга ошгунча сабри чидамаяпти.

«Қирқ ариқ»да дастур амалга оширилиши ростми?

— Аслида ҳар қандай муаммо маҳалланинг ўзида ечилиши керак, — дейди Т.Ибро-

ҳимбеков. — Шу боис ушбу масалаларни атрофлича муҳокама қилиш ва ижобий ҳал этиш учун М.Ғофуровага бир неча марта айтдим. Лекин у қулоқ солмади, аксинча ўзимни салкам душманга чиқариб қўйди. Унинг айтишича, мазкур кўчада яшовчилар ўзларининг ёнидан пул тўғлашса, маҳалла раиси ёрдам берар экан. Мен бу таклифини қатъиян рад этиб, балога қолдим. Яқинда уч-тўрт фаол биргалашиб, «Сувоқова» ДУКга бордик. Лекин у ердагилар маҳалла раиси бизга расман хат билан мурожаат қилсагина режага киритамиз, бўлмаса, иложим йўқ, деб мужжалгина жавоб берди.

Хуллас, юқорида санаб ўтилган муаммолар маҳалла раисининг ўзбошимчалиги ва лоқайдлиги туфайли яқин йилларда ҳал этилиши даргумон бўлиб турибди. Давлат дастуридаги гаплардан хабарим бор, аммо унда неча километр жойга, айнан қайси кўчаларга янги қувур тортилиши ҳақида аниқ маълумотни билмаймиз. Мен уйимда ҳамма шарт-шароитимни қилиб олганман, яъни ичимлик сувини шахсий машинада ҳеч қийналмасдан олиб келаман, бошқа эҳтиёжлар учун ерошти сувидан фойдаланамиз. Аммо маҳаллада машинаси йўқ, сув ташишга имконияти етарли бўлмаган оилалар ҳам бор, ўшаларни ўйлаб одамларга яхшилиқ бўлсин, деган мақсадда қилган мурожаатларим сабаб «ёзувчи»га чиқиб қолдим.

Маҳалла раиси муаммолардан беҳабарми?

Маҳалла раисидан маҳалланинг дастурга киргани, унинг доирасида қандай ишлар, айнан қаерда бажарилиши ҳақида бирон асосли

хужжат бор-йўқлигини сўрадик. М.Ғофурова аввалига маҳалла идорасидаги хужжатларни бирма-бир қараб чиқиб, топиб бериши кераклигини айтди. Кейин эса туман ҳокимлигидан барча маълумотни топиш мумкинлигини билдирди. Ҳокимнинг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари жойлардаги муаммоларни ўрганиш учун чиқиб кетгани боис мутасадди билан учрашиш имкони бўлмади.

Маҳалла раиси эса тармоқлар — электр тармоқлари корхонаси, «Сувоқова» ДУК каби корхоналардан дастур ҳақидаги аниқ маълумотларни олиб беришини ваъда қилди. Шу мақсадда туман «Сувоқова» ДУК филиали мутахассиси Аҳмад Эшпўлатов билан бизни боғлаб берди. Мутахассис ростдан ҳам, «Қирқ ариқ» маҳалласи дастурга киритилгани, мазкур лойиҳа 2020-2021 йилларда амалга оширилиши белгиланганини таъкидлади.

Маҳалла раиси кейинги кунларда ваъдасини унутди, чоғи, дастур доирасида яна қандай ишлар бажарилиши ҳақида маълумот бермади. М.Ғофуровага қўнғироқ қилганимизда эса: «Ўша «ёзувчи»га ҳисобот беришимиз шартми?! Жуда бўлмаса, 2020 йилда дастур бажарилар экан, деб ёзиб юборинг», деган жавобни олдик.

Шу ўринда ҳақли савол туғилди: маҳалла раиси нима учун оддий фуқаро билан мурося қилишга беэи қолган? У нима учун трансформаторнинг эскилигидан, йўлда чиқинди тўғланиб қолганидан беҳабар? Ҳудуд дастурга киритилган экан (аслида бу туман ҳокимлиги ташаббуси билан қилинаётган иш), у ҳақдаги маълумотларни нега маҳалла раиси аниқ билмайди?! Хуллас, саволлар кўп, жавоблар эса...

Биз бу вазиятда у ёки бу томонга ён босмоқчи эмасмиз, ўзимиз кўрган-билган нарсаларнигина айтдик, холос. Хулоса чиқаришни эса сиз, азиз ўқувчиларнинг ҳукмингизга ҳавола этамиз. Ҳудуд масъулларидан эса маҳалладаги жараёнлар бўйича муносабат кутиб қоламиз.

Боборавшан ҒОЗИДДИНОВ
«Mahalla»

Бўшаб қолган депутатлик ўринлари учун
сайлов ўтказилади.

«Ким ҳақиқий ДЎСТ-ДУШМАНЛИГИНИ ЭНДИ БИЛДИМ»

Эътиқодли, имонли халқимиз. Ана шу соф эътиқод, имон аввалига чор, сўнгра шўро ҳукумати томонидан илгари сурилган диний репрессия шароитида ҳам халқимиз қалбини бир он бўлса-да, тарк этмади. Аммо...ана шу ўртада билимли уламолар, ишончли диний адабиётлар қатағон қилингани аҳоли орасида диний саводхонликда бўшлиқликларни юзага келтирди. Натижада эса ким дин ҳақида рост-ёлғон сўзласа кўзимизга авлиё, салкам пайғамбардек кўринди.

Ғиждувон туманидаги «Чағдари» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Тўхтакул Шодиев ҳам динга нисбатан чексиз ихлоси сабабли ёт кучлар қўлида ўйинчоққа айланди.

Тўхтакул туман марказидаги масжидга қатнар экан, имомнинг намозхонлардан тушган бир-икки мураккаброқ саволлар олдида тугилиб қолгани, шунда намозхонлар орасидан бир кишининг ўша саволларга таъсирчан жавоблар қайтарганини кўрди.

Шу тариқа у динни имомдан эмас, балки ўша илми кучлироқ бўлган ҳалиги қавмдошидан олишни дилига тугди. Аввалига содда шаръий қоидалар, намоз ўқиш тартиби, калимаю сураларни ёдлашдан бошланган дарслар кейинчалик «ислом давлатини қуриш», «жиҳод» сингари мавзуларга уланди. У пайтга қадар «устоз»нинг таъсирчан нутқ ва даъватларидан онги фалажланган Тўхтакул ҳақ-ноҳақ йўлни англолмаслик даражасига етганди...

Натижада таққиланган диний адабиётлар билан қўлга тушиб, жазо муддатини ўтади. Қилмишини пушаймон еди.

– «У ёқда» ўтказган кунларимнинг ҳар бир сонияси қилмишларимни таҳлил қилиш, ундан керакли хулоса чиқаришга имкон бўлди, – дейди у. – Жамоат йиғинларида мамлакатда дин эркинлигининг йўқлиги, намоз ўқийдиган кишилар таъқибдалигини кўп таъкидлашарди. Аммо ўзим намоз ўқиган кезларим менга биров шубҳа билан қараганини сезмаганман. Афсуски, шундан ҳам хулоса қилмаган эканман. Умуман, мендан «югурдак» сифатида фойдаланишганини кейинчалик англадим. Ўша вақтда гумроҳлигим шу даражада эдики, биров қўлимга милтиқ бериб, бор отиб кел, деса ҳам ҳеч тап тортмай бажаришим мумкин экан. Ҳолбуки, ислом тинчлик дини эканини кеч

англадим. Ким ҳақиқий дўст-душманлигини билдим. Шунча қилган хиёнатимга қарамай, мен йўқ чоғимда шу давлат, маҳалла аҳли оиламга қарашиб турди. У ёқда бўлган кезларим рўзгорим анча орқага кетди. Президентимизга раҳмат, Мустақиллик байрами олдида рўзгоримизни тиклаб олиш, ўзимизга қулай бўлган қўйчилик тармоғини йўлга қўйиш учун 9 бош қўй тақдим этилди.

Давлат учун ҳар бир фуқаронинг тақдири муҳим

Вобкент тумани Халач қишлоғида яшовчи Ферузнинг (исми ўзгартирилди) эса пойтахтдаги олий ўқув юртига ўқишга кирганида яқинларининг ундан нияти катта эди. Талабалик бахти шукронаси учунми, қўшни ётоқхонадаги намозхон талабаларга қўшилиб, масжидга қатнай бошлади. Кейинчалик қўшнилари масжид қолиб, яширин ҳужраларда диний таҳсилни давом эттиришганда ҳам уларга эргашди. Жамоат раҳбари тутқазган китобларни кимларгадир етказди, флешкаларда маълумот тарқатди... Барчасини динни қутқариш учун деб юрган Феруз барча амаллари ботил эканини панжара ортига тушиб қолгач, чинакам уламолар билан суҳбатда англаб етди...

Пуч ғояларга учиб, ўқишини ташлаб, порлоқ карьерадан воз кечган Ферузнинг калтабинлиги энди-энди ўзига сезилмоқда. Аниқ бир иш йўқлиги сабаб турмушда анча қийналди.

Ферузга томорқа шароитида тадбиркорлик ишнни йўлга қўйиш учун 11 миллион сўм эвазига 1,5 сотих майдонда иссиқхона қуриб берилди.

– Ана шундай кезларда ким ҳақиқий дўст, ким душман, ким соф мусулмон, ким ботил эканининг фарқи етаркансан, – дейди у. – Аввало, ўзлари пок динимизни

Пандемия шароитида оммавий тадбирларни ўтказиш чеклангани сабабли аҳоли орасида имом-хатиблар томонидан тарғибот тадбирлари ўтказилмади. Ёт кучлар эса бундай вазиятда пандемия экан деб жим қараб тургани йўқ.

бизнинг кўзимизга нотўғри талқин этилди. Ўз вайронкорликларини ўзимизни ўлдиришимиз эвазига амалга оширишга уринишди. Ахир, исломда ўзини ўзи ўлдириш энг оғир гуноҳ эканини улар билишмасмиди?! Билишган, албатта! Давлатимиз эса биз унга хиёнат қилган бўлса-да, қилмишимиздан пушаймонлигимизни кўриб, кечирди. Энди эса рўзгоримизни тиклаш, оиламиз фаровонлигини таъминлаш учун ёрдам беряпти.

Айтиш жоизки, жорий йилнинг июль-август ойларида ижтимоий-маънавий кўмакка муҳтож фуқароларнинг пандемия вақтида қийналиб қолган 54 нафарига 202,2 млн. сўмлик ёрдам кўрсатилди. Асосийси, бу ёрдамлар бир мартилик еб-кетарга эмас, балки келгусида оилавий аҳволини яхшилаш мақсадида дастлабки сармоя сифатида тақдим этилмоқда.

Айни пайтда вилоятдаги ижтимоий-маънавий кўмакка муҳтож фуқароларнинг жамият ҳаётига мослашишларига кўмаклашиш, бандлигини таъминлаш, зарур ижтимоий-маърифий маслаҳатлар бериб бориш мақсадида тегишли ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида жорий йилда фуқароларнинг бандлик йўналишида 6 та, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш масаласида 12 та, уй-жой масаласида 2 та, соғлигини тиклаш масаласида 7 та муаммолари ижобий ҳал этилди. Пандемия шароитида қийналиб қолган 153 нафар оилага моддий ёрдамлар кўрсатилди.



Жаҳолатга қарши маърифат

– Тан олиш керак, фуқароларнинг диний экстремистик шаклдаги ёт ғоялар таъсирига берилишида кўп ҳолларда биз, дин вакиллариининг ҳам маълум маънода «хиссаси» бор эди, – дейди Мир Араб олий мадрасаси ректори Ҳайдархон домла Юлдашхўжаев. – Негаки, ўша фуқароларнинг дин мавзусида берган саволларига ўз вақтида берилмаган жавоблар ёки берилган жавобнинг қониқтирмаганлиги уларнинг бошқа манбалардан жавоб излашларига олиб келади. Агар дин соҳаси ходими ўз соҳасини мукаммал эгаллаган бўлса, аҳолига шу билимини содда ва таъсирчан усулда етказа олса, қавм вакили бошқа жойга бормайди. Шу боис эндиликда имомлар учун бир йилда бир маротаба тасаввуф, фикҳ, ақоид ва бошқа дарслардан малака ошириш курслари ташкил этилди.

Яна бир гап. Пандемия шароитида оммавий тадбирларни ўтказиш чеклангани сабабли аҳоли орасида имом-хатиблар томонидан тарғибот тадбирлари ўтказилмади. Ёт кучлар эса бундай вазиятда пандемия экан деб жим қараб тургани йўқ. Шу сабабли ҳам эндиликда дин соҳаси ходимлари аҳолига соф ислом маърифатини улашиш мақсадида интернет тармоқлари кучидан фойдаланмоқда. Ижтимоий тармоқлар орқали динимиз номидан сўзланган турли иғво-бўхтонларга қарши Қуръони карим ва саҳиҳ ҳадислар, ишончли диний адабиётларга таяниб раддиялар бериб борилмоқда.

Бу эса аҳолининг дин номидан сўзланган ёлғон даъватларга ишонишларининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этиши баробарида жамиятда тинч, осойишта муҳит барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, исломнинг асл мақсади қон тўкиш, зулм кўрсатиш эмас, балки маърифат улашидир.

Акбар РУСТАМОВ
«Mahalla»

Мўйноқда янгидан барпо қилинаётган аэропортта илк бор самолёт келиб қўнди.



Замон шиддати ортгани сайин мулоқотлари-мизга ҳам янги атама-лар кириб келмоқда. Баъзилари моҳиятини англаб етмасимиздан, навбатдагиси истеъмо-га киритилмоқда. Улар орасида шундайлари борки, моҳиятини ан-ламасак, тушунмасак баъзи ҳуқуқларимиздан фойдалана олмаймиз. Медиация, медиатор шулардан бири.

МЕДИАЦИЯ: низоларни ҳал қилувчи институтга айлана олдими?

Низоларни тинч йўл билан ҳал этиш — медиация амалиёти Ўзбекистон ҳуқуқ амалиёти учун янги атама. Бироқ икки томонни муроасага келтириш, бунда уларнинг бирига ён босмаслик, ўзаро келиштириш тажрибаси биз учун янгилик эмас. Бу ишлар билан шу пайтга қадар маҳалла, кенг жамоатчилик шуғулланиб келган. Унга ҳуқуқий мақом берилиши ва амалиётга жорий этилиши низоларни судгача ҳал этиш имконини беради.

АҚШда 95, Германияда 90, Буюк Британияда 90-95 фоиз низоли ҳолатлар суд муҳокама-сигача ҳал этилади. Хусусан, Гер-манияда фуқаролик ва иқтисод-дий судларда «медиатор-судья» тоифаси шаклланган. Бунда ҳар қандай фуқаролик ёки иқтисод-дий даъво аризаси судга келиб тушиши билан дастлаб ариза билан медиатор-судья шуғулла-ниши белгиланган. Амалиётда бу тажриба ортиқча сарсонгарчи-лиқнинг олдини олиш ва судгача бўлган жараёнда низони ҳал қилиш билан ўзини оқламоқда.

Нега ҳануз самаралар кўринмаяпти?

Боиси медиация механизмла-рини қўллаш, низоларни меди-аторлар орқали ҳал этиш афзал-ликлари ҳақида жамоатчиликнинг хабардорлиги паст. Шунинг учун ҳам у ҳанузгача фуқаролар ҳам-да тадбиркорларнинг ишончига сазовор бўлган низоларни ҳал этувчи муқобил институтга айла-на олмади.

Оилани мустаҳкамлаш, низоли ҳолатлар ва ажралишларнинг ол-дини олишда медиация институ-



тининг имкониятларидан етарли даражада фойдаланилмаяпти. Жумладан, мамлакатимизнинг айрим ҳудудларида профессионал медиаторлар реестрига атиги 30 га яқин медиатор киритилган.

Афсуски, мамлакатимизнинг катта қисмида медиация тартиби-да низоли ишларни кўриш ама-лиёти йўқ. Бу аксарият ҳудудларда қонун ишламаётганидан далолат беради.

Ечими борми?

Низоларни ҳал қилишнинг муқобил имкониятларини кен-гайтиришда медиация институти ролини ошириш учун баъзи ма-салаарга эътибор қаратиш жоиз. Чунотчи, медиация институти-нинг мазмун-моҳиятини ва афзал-ликларини аҳоли ва тадбиркорлар ўртасида тизимли тарғиботини олиб бориш лозим. Фуқаролик ва иқтисодий судларда «медиатор-судья» тоифасини шакллантириш вақти келди. Бу, ўз навбатида, Ўз-бекистон Фуқаролик процессуал кодекси, Иқтисодий процессуал кодекси ва «Судлар тўғрисида»ги қонунга тегишли ўзгартришлар киритишни тақозо этади. Қонунда кимлар профессионал медиатор

бўлиши мумкинлигига ойдинлик киритилмаган. Шу боис унда ме-диаторга қўйиладиган талаблар: ёши, маълумоти, иш тажрибаси ва бошқа маълумотлар тўғриси-да талаблар белгиланиши керак. Амалиётда жорий қилинган Про-фессинал медиаторлар реестри тўлақонли маълумотларни ўзида акс эттирмайди. Натижада, ме-диатив келишувга эришишни истаган шахслар медиатор тан-лашда уларни шахсан таниганлик мезонидан келиб чиқиб танлашга мажбур бўлади. Бу медиаторлар реестридаги маълумотларни тақомиллаштириш лозимлигини кўрсатади.

Қонунда непрофессионал медиаторлар ҳисобини юритиш масаласини ҳал қилиш, норма-ларини фуқаролик ва иқтисодий процессуал қонунчилиги нор-малари билан уйғунлаштириш шарт. Оилавий, ер, уй-жой, мулк ва бошқа шу каби муносабатлар-дан келиб чиқадиган низоларни ҳал этишда фуқароларнинг ўзи-ни ўзи бошқариш органлари би-ноларида фуқароларга медиатор хизматидан фойдаланиш учун махсус хоналар ажратиш керак. Қонунда ва халқаро амалиётда медиатор ҳуқуқшунос бўлиши шарт, деган чеклов йўқ. Шунинг учун барча олий таълим муасс-саларида медиация институтини ҳуқуқ предметиининг бир йўна-лиши сифатида ўқитиш мақсадга мувофиқ.

Шухрат Чўллийев,
Олий Мажлис Сенатининг
Суд-ҳуқуқ масалалари ва
коррупцияга қарши куралиш
қўмитаси раиси ўринбосари.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Ким
медиатор
бўла олади?



— Медиатор бўлиш
учун ҳуқуқшунослик
мутахассислигига эга
бўлиш талаб қилина-
дими?

Гулноза ҚОСИМОВА.
Тошкент шаҳри.

Шерзод МАСАДИКОВ,
юридик фанлар номзоди,
доцент, профессионал меди-
атор:

— Медиатор низоларни ҳал қилмайди. Аксинча, ҳал этиш йўлларини кўрсатади. Шунинг учун ҳам ундан ҳуқуқшунос бўлиш талаб этилмайди. Чет эл тажрибаси медиация-ни ҳаддан ташқари қолипга солиш самара бермаслигини кўрсатмоқда. Бизда бу тажри-ба янги бўлгани учун меди-аторлар хизматидан кўпчилик фойдаланилмаяпти. Унинг нима эканини билмайдиганлар ҳам бор. Қачонки медиатор низо-ни профессионал ҳал қилиб берса, унга бўлган ишонч ор-тади. Маҳаллаларда оилавий низоларни ҳал этиш бўйича комиссиялар ишлайди. Оила-вий низони 5-6 нафар киши муҳокама қилади. Улардан биронтаси эр-хотин ўртаси-даги низо сабабларини бошқа бировга айтмаслиги эса ка-фолатланмаган. Агар улардан бири бу ҳақда кимгадир айтса, оила сири кўчага чиқади. Ажралиш ёқасидаги оила бунга қандай реакция билди-ради? Медиатор эса томонлар ўртасидаги сирларнинг сак-лашга мажбур. Шунинг учун йигинлар қошидаги Оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссияси аъзоларининг медиация бўйича малакасини ошириш лозим.

**1 сентябрдан пенсия ва нафақалар
миқдори 10 фоизга оширилади.**

ҚОЛИПДАН

чиққан тарғибот

САМАРА БЕРАДИМИ?

«Мен Ватаним билан фахрланаман!», «Мен Ватанимни севаман, унинг ҳар қарич ери кўзга тўтиё...»... Ўқувчилигимизда ёзадиган аксарият иншоларимиз айна мавзуда бўларди. «Ватан туйғуси» китобини очиб, у ер-бу еридан кўчирардик, қораламаларимиз «Ўзбекистон — менинг ватаним, мен сен билан фахрланаман», деган жумла билан якунланарди.

Ўша кезларда нима ёзганимизни, бу нима учун кераклигини англамаганмиз. Кичик қалбимиз, мурғак шууримиз уни идрок эта олмагандир балки. Йиллар ўтиб ҳаётнинг катта майдонига қадам қўйибгина у тилда эмас, қалбда мавжланиши лозим бўлган туйғу — тутилган ерингга бўлган муҳаббат эканини тушуниб етдик.

Кейинги йилларда ёшлар ўртасида ватанпарварлик туйғусини шакллантириш бўйича анъанавий қолипдан чиқиш, тадбирлар таъсирчанлигини ошириш, ўзгача ракурсдан ёндашиш бўйича Президенту ҳукумат даражасида тегишли ҳужжатлар қабул қилинди. Хўш, нима ўзгарди?

Ҳали суюнишга эртадир балки. Бироқ сўнгги икки йилда бир қатор хайрли ишлар қилинди. Буни биргина Мудофаа вазирлиги тизимида ўтказилаётган танловлар, халқаро мусобақаларда эришилаётган натижалар, фестиваллар ва ёшларга яқинлашишга бўлган ҳаракатлар мисолида кўриш мумкин. Авваллари ҳарбий хизматдаги йигитлар ўртасида бирон танлов ўтказилиши ҳақида деярли эшитмасдик. Бугун бўлса танлов ўтказиш баробарида, унда ёшларнинг иштироки таъминланмоқда. Беллашувларни жонли кузатиш, ҳарбийлар билан мулоқотда бўлиш шижоатни бир қалбдан иккинчисига кўчиришга, Ватан тинчлигини кўз қорачигидек асраб-авайлашга ундаши тайин.

Мусобақа шартлари
халқаро талабларга
жавоб берадими?

«Мен ғолиб» шиори остидаги «Энг илғор мутахассис» умуммармия ўйинлари улардан бири. Мусобақаларни ёшлар жонли кузатиши, бирон жамоани қўллаб-қувватлаши мумкин. Табиийки, бу минглаб қалбларда Ватан ҳимоясига камарбасталарга ҳавас уйғотади. Бундан ташқари, ҳарбий хизматчиларнинг жанговар қобилиятини ошириш, қўшинларда соғлом рақобат муҳитининг шаклланиши, ҳар бир юрт посбонида «Мен ғолибман!» деган қатъиятнинг мустаҳкамланишига хизмат қилади. Яъни бир ўқ ва ўлжада икки қуён.

Жамоаларнинг «Танк биатлони», «Жанговар машиналар биатлони», «Армия биатлони», «Ўқ отиш спорти», «Қуролсоз уста» ва «Тош кўтариш» каби армия ўйинларига биз ҳам гувоҳ бўлдик.

Сараланган муносиблар
халқаро майдонда ўзини
кўрсата оладими?

Мусобақаларни бевосита кузатишга ёшларнинг жалб этилгани қувонарли. Бу орқали уларда ҳарбий ватанпарварлик шаклланади. Кимнингдир кистови билан эмас, ўз хохиши билан юрт ҳимоясига ошиқади. Бу жиҳатдан танлов ўз вазифасини тўла адо этмоқда. Аммо масаланинг яна бир томони бор. Яъни республика миқёсида ўтказилаётган бу каби мусобақа шартлари, баҳолаш тизими халқаро мезонларга қай даражада мос? Дейлик, беллашувларда ғолиб бўлганлар халқаро майдонда ҳам ўзини кўрсата оладими?

— Ҳар бир шартни бажариш тартиб-қоидалари белгиланган ва уларнинг барчаси халқаро мусобақалар талаблари асосида ишлаб чиқилган, — дейди мусобақа бош

ҳаками, Жанговар тайёргарлик бош бошқармаси бошлиғи подполковник Солиқ Эшонқулов. — Ҳусусан, танк биатлони баҳсларида ўрнатилган тўсиқларни айланиб ўтиш ва нишонларни яқсон қилишда сарфланган вақт ҳисобланади. Нишонларни мўлжалга ололмаган жамоага жари-ма айланалари белгиланади. Бу умумий вақтга таъсир қилади. Кимнинг ўтиш вақти кам бўлса шу ғолиб, кўп вақт сарфлаган жамоалар баллар кетма-кетлигида ўринларни эгаллайди. Шунингдек, танкларнинг ҳолати ҳам инобатга олинади: танк ўқланган ҳолда қолиб кетса, хавфсизлик қоидалари бузилган ҳисобланиб, жамоа қайд этган натижа бекор қилинади. Мусобақаларда баҳолаш тизими халқаро тажрибаларни ўрганган ҳолда ишлаб чиқилган. Шу боис ҳар бир мусобақа жамоаларнинг халқаро беллашувларга тайёргарлик кўриши, тажриба оширишига хизмат қилмоқда.

Бош ҳакам фикрлари
қанчалик ҳақиқатга
яқин?

Саволга жавоб топишимиз учун «АрМИ – 2019» халқаро мусобақаси натижалари билан танишишнинг ўзи кифоя қилди. Унда Ўзбекистон вакиллари Россияда ўтган «Танк биатлони» баҳсларида иккинчи, юртимиз мезбонлик қилган «Ҳарбий-тиббий эстафета»да биринчи ўринни қўлга киритган. Эътиборлиси, халқаро мусобақанинг ҳар бир йўналишида юқори поғоналар эгалланган.

— Бу йил Ўзбекистон «Ҳарбий-тиб-



ДАРВОҚЕ...

«АрМИ – 2020» «Ҳарбий-тиббий эстафета» танлови ташкилий кўмитасининг матбуот марказининг маълумотида кўра, бу йил «АрМИ – 2020» Армия халқаро ўйинлари 23 августдан 5 сентябрга қадар Россия, Озарбайжон, Арманистон, Беларусь ва Ўзбекистонда бўлиб ўтади. Ўшбу муддат давомида халқаро мусобақаларнинг 30дан ортиқ танловларида дунёнинг 30 мамлакати жамоалари ғолиблик учун баҳс олиб боришади.

бий эстафета» ва «Йўл-патруль хизмати» мусобақаларига мезбонлик қилмоқда, — дейди Тошкент тиббиёт академияси қошидаги Ҳарбий тиббиёт факультети ҳарбий дала жарроҳлик кафедраси бошлиғи подполковник Носиржон Фозилов. — Терма жамоамиз «АрМИ – 2020» баҳсларига ўтган йили ноябрь ойидан тайёргарликни бошлаган. 2019 йил биринчилкни қўлга киритган бўлсак-да, йўл қўйилган камчиликлар устида ишланди. Танловда Россия, Тожикистон ва Беларусь, Фаластин ва Вьетнам давлатларининг ҳарбий тиббиёт хизмати мутахассислари иштирок этмоқда. Мазкур танлов ҳарбий тиббиёт ходимларига ҳар қандай шароитда сифатли ва зарур тиббий хизмат кўрсатиш борасида ўзаро тажрибалар алмашиш майдонига айланиш билан бир қаторда, ҳарбий хизматчиларнинг соғлом турмуш тарзи тарғиботида ҳам хизмат қилади.


Шу ўринда бир мулоҳаза. Бугун кўпчилик ҳарбий деганда, қурол кўтарган, танк ҳайдаган хизматчини кўз ўнгига келтиради. Бу каби танловлар қамровининг кенгайиши, аввало, шу каби стереотипларни йўққа чиқаради. Ватанни севиш — касб, ёш, мансабга боғлиқ бўлмаган, ҳар кимнинг юрагида жўш уриши керак бўлган туйғу экани англашилади.

Садоқат МАХСУМОВА
«Mahalla»



Ўзбекистонда Цзянси анъанавий хитой
табобати университети филиали очилади.

Ўзбек киноси ҳамиша жамоатчиликнинг муҳокама марказида. Ушбу оммавий санъатда эришаётган ютуқларимиз, учраётган муаммолар ҳақида оддий одамдан тортиб зиёлигача фикр билдиришга ҳаракат қилади. Кўп йиллардан бери ОАВларда қизғин баҳслар олиб борилади. Аммо негадир миллий киномиз биз истаётгандек ривожланиб кетмади. Сабаби нимада? Таниқли режиссёр ва актёр Рашид Маликовнинг шу мавзу атрофидаги фикрлари билан қизиқдик.



«КИНО СОҲАСИДА тўғри ёндашув — муҳим»

Яхши ўзгаришлар олдинда

— Айтиш жоизки, миллий кино соҳамиз ўттиз йилдан буён тургун ҳолатни бошидан кечириб келмоқда, — дейди Рашид Маликов. — Албатта, мустақиллик йилларида ҳам яхши фильмлар яратилди, уларни мириқиб кўрамиз, қолаверса, фильм ишлашда замонавий услублар кўзга ташланди. Лекин дунёга мана деб мақтаниб кўрсатадиган киноларни ярата олмадик. Бунинг турли сабаблари бор. Асосий сабаби эса — ўттиз йил соҳада ташкилий жиҳатдан ислохотлар бўлмаган. Собиқ тузум давридаги тизим ишлаб келди. Ҳуқуқий база ўша даврдан фарқ қилмайди. Ваҳоланки, тузум ўзгарди, биз эса эскича услубда ишлаб келямиз.

Яна бир муаммо — фильмларимиз бюджетни кичкина бўлиб, кам маблағ сарфланади. Шу билан бирга, улар ниҳоятда оз томошабин йигади. Ўзига сарфланган маблағни қопламайди. Мисол учун, 2018 йилда ишланган фильмларимизга 50 млрд. сўм сарфланган бўлса, шундан 300 млн. сўмигина қайтди. Қолаверса, халқаро фестиваллардан олиб келинаётган совринлар ҳам кўп эмас. Мақтанишга йўймасангиз, 2018 йилда «Сабот» деган фильм суратга олганман. 18 та фестивалга бориб, 5-6 та совринга эга бўлдик. Ўтган йили эса ҳеч қайси ўзбек фильми нуфузли фестивалларда қатнашмаган. Лекин бу йил режаларимиз бор. Тан олиш керак, жаҳон киноси даражаси билан солиштирганда эгаллаб турган поғонамиз анча паст.

Фақат сўнгги йилларда бўлиши кутिलाётган ўзгаришлар кўнгилда умид уйғотаётир. Бу борада

дадил қадам ташланяпти. Ўтган йилдан буён «Ўзбеккино» миллий агентлигида фаолият кўрсатиб келаётган бўлсам, биринчи навбатда, Тошкент халқаро кинофестивалини тиклаш бўйича иш олиб бордик. Афсуски, пандемия туфайли бу хайрли иш тўхтаб қолди. Аммо вақти келиб бу ниятимиз амалга ошишига шубҳа йўқ.

Энг муҳим янгилик эса — ўзбек кино соҳасини ривожлантириш бўйича Концепция ишлаб чиқилди. Бу ҳужжат 2020-2030 йилларга мўлжалланган «Йўл харитаси»ни ўз ичига олади. Фақат тасдиқланиши қолган. Таъкидлаш керакки, унинг устида катта гуруҳ ишлади. Унда белгиланган вазифалар амалга ошса, кино соҳасида кескин ўзгаришлар юз беради. Биринчи навбатда, киноижодкорларнинг маошлари ошади. Съемка гуруҳларига муносабатлар ўзгаради. Хуллас, соҳа ташкилий жиҳатдан тўғри йўлга қўйилади ва моддий-техник база мустаҳкамланади.

Ҳозирнинг ўзида маълум бир ишлар бошланган. Хусусан, «Ўзбеккино» миллий агентлиги бинолари таъмирланяпти, кўплаб асбоб-ускуналар сотиб олиняпти, павильонлар тикланмоқда.

Халқаро кино тажрибасини қай даражада ўзлаштирганмиз?

Кино соҳамиздаги камчилик фақат моддий-техник база етишмовчилигида эмас. Режиссёр ва актёрларнинг салоҳияти борасида ҳам бирмунча орқадамиз. Ҳамкасбларимиз дунё кино тажрибасидан қанчалик ўрганган? Хориждаги нуфузли киномактабларда таҳсил олганлар бизда кам. Бунинг аҳамиятини мен яхши англайман.

Ўзим собиқ иттифоқ кинематография институтини (ВГИК)да ўқиганман. Анчадан бери у ерга ҳеч қим юборилмаган. Нуфузли киномактабларда таълим олганларнинг дунёқараши ўзгача бўлади. Ҳозирда ёш кинорежиссёрлардан Нью-Йоркдаги кино мактабида ўқиб келган Анвар Мадраимов, Францияда таҳсил олган Анвар Сафоевларни санашимиз мумкин. Лекин ҳозирда қувонарли янгилик бор — бу йил Россия давлат кинематография институтига (собиқ ВГИК) 7 нафар ёшларимиз қабул қилинган. Улар 4-5 йилда сафимизга қўшилиди. Тўғри, бу ўқув юртини дунё даражасида энг кучли деб бўлмайди, лекин эски бой тажрибаларни сақлаб қолган. Қулай томони, ёшларимиз рус тилини яхши билишади, илғор кино тажрибаларини ўзлаштирган мутахассисларимиз кўпайиши мумкин.

Иқтисодий фойдасиз соҳа ривожини тасаввур қилиш қийин

Кино санъати билан кино-саноатни бир-бирига тескари қўйиш жудаём нотўғри. Жаҳон кино тажрибаси бу қарашни инкор этади. Дунёга машҳур фильмларнинг барчаси иқтисодий фойда келтирган. Тўғри, халқаро фестивалларга мўлжаллаб жиддий мавзуларда фильмлар тайёрланади. Лекин у ерга олиб борилгач, фильмни сотиш, унга харидор топиш имконияти пайдо бўлади. Фестивалда қатнашиш учун эса юқори талаблар қўйилади. Ҳалигача ўзбек фильмлари дунё кинобозорларига чиққани йўқ. Тўғри, юксак савиядаги фильмларимиз ҳам етарли. Мисол учун, «Ат-Термизий» фильмини ҳеч иккиланмай айтишим мумкин. Унга харидор топилади. Фақат қандайдир ташкилий талабларни бажариш керак.

Қисқача айтганда, боқиманда кинематография охир-оқибат таназзулга учрайди. Давлат кино соҳасига пул сарфлар экан, эртага бу соҳа иқтисодий жиҳатдан ҳам фойда келтиришини кўзлайди. Мавжуд талаб ўзи шундай. Бошқача бўлиши мумкин эмас. Лекин ўттиз йилдан буён киномизга сарфланган маблағлар ўзини оқламаган. Фақат Рустам Саъдиевнинг «Соткин», «Барон» фильмларини ҳисобга олмасак. Қизиқ бир фактни келтирмоқчиман. Собиқ совет даврида киномиз пахтадан кейин иккинчи ўринда турувчи даромадли соҳа бўлган. Иқтисодиётта катта фойда келтирган.

Лойихавий Концепцияда бу масалада тўғри ечимлар белгиланган. Вақти келиб ҳаммаси йўлга тулишига ишонаман.

Ижобий самара учун нима зарур?

Кинода мавзулар хилма-хил бўлиши керак. Бир-икки йил аввал 20 та фильм олинган бўлса, шундан 11 тасини тарихий фильмлар ташкил этди. Тўғри, тарихимизни очиб берадиган, қизиқарли талқин қиладиган фильмлар зарур. Лекин шу савиядаги киноасар ишландими? Ўйлайманки, уларнинг сони йилига уч-тўртта бўлса етарли. Чунки асалнинг ҳам ози ширин. Гап фақат тарихий мавзу масаласида эмас. Бугунги кунда замонавий мавзулар навбат кутиб турибди. Хусусан, ёшлар руҳиятига мос, уларнинг муаммоларини акс эттирувчи фильмларга эҳтиёж катта. Нима бўлганда ҳам, кино соҳасига тўғри ёндашув зарур, шундагина амалга оширилган ишларимиз ижобий самара беради.

Тўлқин ШЕРНАЕВ
«Mahalla»

Ўзбекистон халқ артисти Санъат Девонов
ҳақида фильм суратга олинди.

Организмни ТОКСИНЛАР ВА ЗАРАРЛИ МОДДАЛАРДАН қандай тозалаш керак?



Токсин ва чиқиндилар қандай пайдо бўлади?

Биз истеъмол қиладиган маҳсулотлар таркибидаги катта миқдордаги консервантлар, сунъий ранг берувчи ва ҳушбўйланттирувчи моддалар саломатлигимиз ва ўзимизни соғлом ҳис қилишимизга салбий таъсир ўтказиши мумкин. Натижада чарчоқ, жисмоний ва руҳий фаолликнинг пасайиши, бош оғриғи, овқат ҳазм қилиш жараёнининг бузилиши каби ҳолатлар кузатилади. Ошқозонлиги беши ишлаб чиқарган инсулин моддаси луқмадаги углеводни, ўт қопи зардобини ёғларни парчалайди. Агар аъзолар соғлом ишласа, бу жараён муаммосиз кечади. Аммо яллиғланиш, тош ва бошқа сурункали касалликлар оқибатида ошқозон ҳамда 12 бармоқли ичкадаги овқат ҳазм бўлмайди. Натижада 40 даража иссиқ ҳароратда бижғиш кузатилиб, захарли моддалар ажралиб, қонга сўрилади. Кўпчилик овқатланишдан сўнг кўнғил айланиши, оғиз қуриши, қорин димланиши, оғизда аччиқ маза ва ноҳуш ҳид сезиши сабаби ҳам шунда. Ушбу ҳолатлар давомий кузатилса, бунга жиддий эътибор қаратиш ва албатта, шифокорга учрашиш керак.

Чиқинди моддаларни танамиздан ҳайдайдиган яна бир тизим — буйрак ва пешоб йўллари. Буйраклар танадаги тузаларни эритиб чиқарувчи филтёр вазифасини ўтайди. Аммо кўш буйракларнинг ҳам ўзига яраша ишлаш чегараси бор.

Олимларнинг ҳисоб-китобларига кўра, иккала буйрак бир суткада танадан 8-12 грамм тузлар пешоб орқали ҳайдаши мумкин. Лекин бир кунда бир одам 15-25

грамм атрофида туз истеъмол қилади. Энди ўйлаб кўрайлик, агар 15 грамм туз озиқ-овқат ва бошқа шаклда организмимизга тушсаю, буйракларимиз жон ҳолатда ишлаб, 12 граммни ташқарига ҳайдай олса, 3 гр. туз танамизда қолади. Ҳисобласак, бу миқдор 10 кунда 30 гр., 100 кунда 300 гр. ни ташкил қилади. Натижада танамизда қолиб кетган туз бўғинлар сатҳига чўкма ҳосил қилиб, артрит(бўғим сатҳининг яллиғланиши), кейинчалик артроз(бўғимларнинг қотиб қолиши) касаллигини келтириб чиқаради. Умуртқа поғонаси ораллигига чўккан туз остеохондроз, бора-бора диск чурраси ривожига сабаб бўлади. Танани аяб ўтирмайдиган, аксинча одамни тўшакка михлашгача бориб етадиган бу касалликларнинг олдини олишнинг имкони бор.

Нима қилиш керак?

Токсинларни организмдан ҳайдашнинг анъанавий усулларида бири, бу — тозаловчи парҳездир. Мутахассис парҳезшunosлар организмни тозаловчи парҳезни 10-14 кун давомида ушлашни тавсия қилишади. Бундай парҳезде фақат табиий тоза маҳсулотлар истеъмол қилиш, ҳазми оғир таомлар, фаст-фудлар, сигарет ва алкоголь маҳсулотларидан буткул воз кечиш мақсадга мувофиқ. Бунда, албатта, кунига 2 л. дан кам бўлмаган сув истеъмоли, нонушта, тушлик ва кечки овқатни муайян вақтда тановул қилиш, кўпроқ қайнатма ва бугда пиширилган таомлардан, сабзавот ва мевалардан ейиш шарт. Таъкидлаш жоизки, сув истеъмол қилишда газланган, ширинлаштирилган ичимликлар, кофе, какао

маҳсулотлари тавсия этилмайди. Уларнинг ўрнига кўк ёки лимон чой, асалли чой, таркибида пешоб ҳайдовчи моддаларни сақловчи гиёҳли дамламалар истеъмол қилинса, нур устига нур. Парҳезга риоя қилганлар ҳеч қанча ўтмай ўзларида енгиллик ҳис қилишадими, бу — организмдаги ортиқча моддаларнинг ташқарига чиқиб кетиши билан боғлиқдир. Шу ўринда тозаловчи парҳез давомида айримларда салбий эффектлар, яъни тилнинг оқ ёки сарғимтир қараш билан қопланиши, кучли тер ҳиди кузатилиши мумкин. Буларнинг бари организмдаги токсинлар миқдори билан боғлиқ.

Токсинларнинг организмдан чиқиб кетиши очлик орқали ҳам муваффақиятли амалга ошади, бунда тана ёшаради, ортиқча вазндан халос бўлади. Шарт шуки, бундай муолажа, албатта, шифокорлар билан маслаҳатлашган ҳолда амалга оширилади. Очликнинг энг «қисқа» муддати 36 соат давом этади. Қолаверса, доривор гиёҳлардан тайёрланган ҳўкна ҳам ичкаларда йиғилиб қолган хилтларни ювиб туширади. Унутмаслик керакки, ҳўкна-ни ўзбошимчалик билан қўллаб бўлмайди. Ҳатто бирор киши ич қотишидан азият чекаётган бўлса ҳам ҳўкнани одатга айлантириши асло мумкин эмас. Чунки ҳўкна-ни доимий қўллаш ичак тизими фаолиятини бузади, ичак микрофлорани ювиб, овқат ҳазм қилиш жараёнини янада қийинлаштиради. Шу боис мазкур муолажани шифокор назорати остида амалга ошириш жоиз.

Кўк чой ва ҳаммомнинг фойдаси

Шу ўринда кўк чойнинг шифобахш хусусияти организмни чиқитлардан тозалашда бекиёс эканини таъкидлаш ўринли. Кўк

чой танадаги эркин радикалларни меъёрлаштиради, ўзини ўзи тозалаш жараёнига кўмаклашадими, саратон ва яра касалликлари хавфини пасайтиради. Кўк чой таркибида кўплаб ноёб компонентлар, жумладан, А, В, В2, С, Е ва К витаминлари, шунигиндек, антиоксидантлар мавжуд. Япония-лик олимлар тадқиқотларига кўра, бу ичимлик умрни узайтиради.

Дарвоқе, организмни токсинлардан халос этишда сауна ва буғли ҳаммом муолажасидан ҳам ўринли фойдаланиш мумкин. Чунки булар соғлиқ учун фойдали, моддалар алмашинувини тезлаштиради. Доимий сауна машғулоти-лари иммун тизимини мустаҳкамлайди, юқумли касалликларга чалиниш хавфини камайтиради. Буғ муолажасида ярим соат давомида тана бир неча литр тердан қутулишга қодир ва ажралаётган тер, табиийки, ўзи билан захарли моддаларни ташқарига олиб чиқади. Бироқ буғхона ҳамма учун бирдек фойдали деб бўлмайди. Юқори қон босими кишилар ва ҳомиладор аёлларга ушбу муолажа тавсия этилмайди.

Мушкул, аммо қўлимиздан келади

Аслида ҳар қандай касални даволагандан унинг олдини олган маъкул. Соғлиқни асрашдаги билимсизлик, зарарли одатлар, нотўғри овқатланиш, камҳаракат-лик, чекиш ва спиртли ичимликлар истеъмоли бебаҳо неъмат — саломатлигимизга болта уради. Шу боис машҳур парҳезшunos Пол Брэгг: «Кўп одамлар шундай яшайдиларки, гўёки аста-секин, лекин муқаррар ўзини-ўзи ўлдириш мақсад қилишгандек», деб ёзади.

Демак, ўзимизга муносабатимиз теварак-атрофимиздаги одамлар билан бўладиган муоамаларга қараганда мушкулроққа ўхшайди. Шундай бўлса-да, эътиборли бўлсак, зарарли одатлардан тийилсак, саломатлигимизни асраган, жамиятдаги соғлом турмуш маданиятига ҳисса, умримизга умр қўшган бўлаемиз.

Зафар АБДУРАЗЗОҚОВ,
«Орзумед» клиникаси
даволовчи шифокори.



АҚШ Ўзбекистонга 200 та ўпкани сунъий шамоллатиш мосламасини тақдим этди.

Куз фасли кириб келишига саноқли кунлар қолди. Ҳозирдан унинг нафаси сезилмоқда. Албатта, жазирама кунлар ўтиб, энди салқин ҳавога мослашишимизга тўғри келади. Шу маънода бу ўзгариш организмимизга қандай таъсир қилади? Соғлигимизда айрим муаммолар пайдо бўлмайdimи? Айтиш жоизки, кузда кимнидир кўпроқ уйку босса, бошқа биров уйқусизликдан азият чекади, кимдандир асабийлик кузатилади.



кин. Трахеитда қайноқ суюқлик ичиш мумкин эмас. Яхшиси, илиқ шарбатлар ичган маъқул. Чунки улар трахеяни камроқ таъсирлантиради ва илтиҳобни келтириб чиқармайди. Ушбу касалликдан узоқ бўлиш учун ингалиция қилиш жуда фойдали. Айниқса, гиёҳлар қайнатмиси ва прополис, яъни асалари елимини қўллаган ҳолда. Шунингдек, бир неча томчи эфир мойини қўллаш ҳам мумкин.

Буйракларда муаммо пайдо бўлиши мумкин

Кўпинча пиелонефритнинг юзага келиши цистит аломатлари билан бошланади. Таносил тизими инфекциялари ўз вақтида даво-

шиши, қўллар қалтираши, таъсирчанлик ва хавотир ҳисси ошиши, уйқусизлик, ҳаддан ортиқ терлаш каби белгилар кузатилади. Қалқонсимон без фаолияти сусайгани эса доимий чарчоқ ҳисси, кайфият ўзгаришлари, одатдагидек овқатланганда ҳам вазн ортиши, мушак ва бўғимлар оғриши, руҳий сиқилиш, совуққа чидамсизлик каби аломатлар билан намоён бўлади.

Касалликнинг икки ёки бир неча аломатлари юзага келганда, албатта, эндокринолог қабулига бориш керак. Мутахассис қалқонсимон без фаолияти даражасини аниқлаш учун керакли текширувларни амалга оширади.

Бунинг устига, айрим касалликлар, айниқса, куз фаслида тез-тез хуруж қилади. Улар айнан қайсилар? Ушбу хасталиклар ҳақида кенгроқ маълумотга эга бўлсак, фойдадан холи бўлмайди.

Томоқ-бурун касалликлари хавфи ошади

Кузда турли вирусли инфекциялар жонланади. Иммунитети паст организм уларнинг биринчи нишони ҳисобланади. Юқтиргандан сўнг ҳарорат кўтарилади, умумий ҳолсизлик ҳисси, бўғимларда зирқираш, кўзларда оғриқ, ёруғликдан кўркиш, пешона соҳасида оғриқ юзага келади. Кеч кузнинг бирмунча жиддий вирусли инфекцияси грипп ҳисобланади. Чунки у ўздан кейин бирмунча жиддий асоратлар қолдиради.

Унинг олдини олиш учун бир қатор қоидаларга риоя қилиш зарур. Жумладан, одам гавжум жойларда бўлмаслик, уйдан чиқишдан олдин бурунга оксолин суртмаси суртиб олиш ва кўпчилик билан муомалада бўлишга тўғри келса, бу муомалани ҳар уч соатда такрорлаб туриш муҳим чорадир. Эрталаблари контраст душ қабул қилиш фойдали, шу тарада организмнинг иммун тизимини кучайтирасиз. Кўпчиликка маълум бошқа даво чоралари ҳам борки, уларни қўллаш фойда беради.

Кузда жиддий хавф туғдирадиган касалликлардан бири ангина ҳисобланади. Организмга инфекция кўзгатувчиси тушиб, бодомсимон безга ўрналиши оқибатида бошланадиган бу хасталикда юқори ҳарорат, ютинганда оғриқ, бўғимлар зирқираши, бодомсимон безларнинг оқ қатлам билан қопланиб, катталашishi кузатилади. Ушбу хасталикка чалинмаслик учун имкон қадар иммунитетни кўтаришга ҳаракат қилиш лозим. Илк аломатларини сезишингиз билан кўпроқ илиқ суюқлик ичинг. Касаллик кучаяверса, албатта, шифокорга мурожаат қилиб, ан-

КУЗ ФАСЛИДА қайси хасталиклардан эҳтиёт бўлиш зарур?



тибиотиклар воситасида махсус муолажа курсини ўташ зарур.

Агар оёқларингиздан нам ўтса ёки шунчаки совқотсангиз, бир неча кундан кейин томоқ қичиши, қуруқ йўтал ва товуш пайчалари билан боғлиқ муаммолар бош кўтариши ҳеч гап эмас. Бу ларингит белгилари бўлиб, дарҳол ҳар бир бурун ковагига 2 томчидан хлорофиллиптнинг ёғли эритмасини томизиш фойда беради. У димоққа ёйилиб, томоқни безовталикдан ҳимоялайди ва касаллик ривожига қаршилик кўрсатади. Бурунни қизилпойча (зверобой) дамламаси билан чайиш ҳам фойдали таъсир кўрсатади. Дамламани ҳар икки бурун каттагина нинасиз шприц ёрдамида юбориш кифоя. Бу муолажа ҳар икки соатда такрорлаб турилса, бир кун ўтибоқ касалликдан қутулиш мумкин.

Агар ларингитга «таслим» бўлсангиз, инфекция ва йўтал пастга — трахеяга тушиши мум-

ланмаса, касаллик юқорига — буйракларга «кўтарилиши» ва пиелонефритни кўзгаши мумкин. Буйраклар яллиғланганда организмнинг ҳолати ўткир респиратор инфекцияга ўхшаш бўлади: бадан увишиб, титрайди, бемор кўнгил айниши ва кучли бош оғриғини ҳис қилиши мумкин. Буйраклар яллиғланишининг сурункали кечиши қисман умумий ҳолсизлик, тез чарчаб қолиш, бош оғриқлари, бел соҳасининг симиллаб оғриши билан ифодаланади.

Қалқонсимон без учун синовли давр

Ҳатто соғлом инсонларда ҳам куз-қишқи даврда қалқонсимон без гормонлари ишлаб чиқариш жараёни сустлашади. Буни бир неча аломатлар орқали билиш мумкин. Қалқонсимон без фаолияти ошганда иштаҳа яхши бўлса-да, бирдан вазн йўқотиш, гипертония ва бош оғриғи, юрак уриши тезла-

Асабни асрашга тўғри келади

Ультразвукда нурлари етарли микдорда бўлмаслиги, ёгин-сочинли об-ҳаво, кузнинг қисқа кунлари асаб тизимига таъсир кўрсатади. Айнан шунинг учун шифокорлар кузги даврда невроз, психоз ва депрессияларнинг сезиларли равишда авж олишини таъкидлашади. Кўпинча бундай ҳолат уйқусизлик, ўта жижзакилик, руҳий сиқилиш билан бирга кузатилади.

Мутахассис билан маслаҳатлашган ҳолда енгил дори воситаларини қабул қилишингиз ёки халқ табobati тажрибаларидан фойдаланишингиз ҳам мумкин. Ўзингизга ҳам-қайғуни йўлатмасликка ҳаракат қилинг. Улар нафақат хаёлларингизни банд қилади, ҳатто иммун тизимингизга ҳам инфекция сингари зиён еткази.

Хулоса ўрнида

Ҳар мавсумнинг ўз талаблари бор. Жумладан, кузнинг ҳам. Айниқса, салқин ҳаво соғлигимизда салбий таъсирларни юзага келтириши мумкин. Бу вазиятда қўллашимиз керак бўлган асосий чоралар — танамизни чиниктириш, шамоллашдан сақланишга эътибор қаратиш, кайфиятимизни туширмасликка ҳаракат қилиш кабилардир. Яна муҳим жиҳат, танамизда кечаётган ўзгаришларга бепарво бўлмаслик ва бирор-бир белги сезилиши билан керакли чораларни кўриш зарур. Бу орқали саломатлигимизга ҳамхўрлик кўрсатган бўлаемиз.

Сайёра ХОЛОВА,
терапевт

Болалар ўйинчоқларининг хавфсизлик талаблари белгиланди.

ИСЛОМДА ҲАДЯ

беришнинг одоблари қандай?

“Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам умматларини бир-бирига ҳадя (совға) улашишга даъват қилиб: «Ўзаро ҳадя улашинглар, бир-бирларингизга муҳаббатли бўласизлар», деганлар (Имом Байҳақий ривояти).

Ҳадя — берувчи одам томонидан берилаётганда олувчи одамдан бирор нарсани таъма қилмаган ҳолатда бериладиган нарсасидир. Кишилар ўртасидаги меҳр-оқибатнинг мустаҳкамланиши, ўзаро илиқ муносабатлар йўлга қўйилишида унинг ўрни катта. Шунинг учун ҳар бир мусулмон ушбу амални адо этишга имкон қадар ҳаракат қилиши буюрилган.

Халқимизда яқинларга, дўстларга совға улашиш одати кенг тарқалган. Кимгадир ҳадя берсак, ўзимиз ҳам хурсанд бўламиз. Лекин бунинг ҳарчалик савобли амал эканини, тухфа улашиш одоблари нималардан иборатлигини ҳаммамиз ҳам билавермаймиз.

Амалларнинг афзали

Ҳар бир ишда бўлганидек, совға беришда ҳам эзгу ниятни дилга тушиш шарт ҳисобланади. Ҳадя берувчи, аввало, Аллоҳ таолонинг розилиги йўлида бир кишининг кўнглини шод этишни ният қилиши керак. Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Бир киши: «Ё Расулуллоҳ, амалларнинг афзали қайси?» деди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мусулмоннинг қалбига хурсандчилик киритишнинг ёки ундан қарзини узишнинг ёки унга таом беришнинг», дедилар» (Имом Табароний ривояти).

Бу амалнинг одобларида ҳадяни кимга бериш муҳим саналади. Шу маънода ҳадя беришни яқин кишилардан бошлаш, хусусан, қавм-қариндош ва кўни-қўшниларга эътибор қаратиш лозим. Бу ўртадаги алоқаларни янада мустаҳкамлашга, жамият вакиллари орасида

ўзаро меҳр-оқибат ришталарининг маҳкам боғланишига хизмат қилади. Кўни-қўшнилар орасидан ҳам, аввало, ён қўшнилардан бошлаш афзалдир. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қўшнингта яхшилик қилгин, мўмин бўласан», деганлар (Имом Термизий ривояти).

Қўшнисига яхши муомала қилган, унга кўмакчи бўлган киши комил имон эгаси бўлади. Кишининг яхши-ёмон кўнларида доимо ёнида яшайдиган инсон ҳам унинг қўшнисидир.

Ҳадянинг катта-кичиги бўлмайди

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бирор кичик нарса бериб бўлса-да, мусулмонларни ўзаро ҳадя улашишга тарғиб қилганлар: «Ўзаро ҳадя улашинглар, чунки ҳадя кўнгидаги норозилик туйғусини кетказди. Бирор аёл ҳам қўшни аёлга қўй туёғининг ярмини бўлса ҳам (ҳадя қилишни) ҳаргиз арзimas санама-син» (Имом Термизий ривояти).

Бу ҳадиснинг замирида қандай маъно яширинган? Айтилмоқдаки, ҳадя берувчи ҳам, уни олувчи ҳам ҳадяни асло арзimas санамаслиги лозим. Шунингдек, ҳадяни ёки берувчисини камситадиган гапларни ҳазиллашиб гапиришдан ҳам қатъий тийилиш керак. Чунки бундай ноўрин ҳазил кишилар орасини бузиш учун шайтонга имконият эшигини очади.

Биламизки, аксарият одамлар: «Фалончи мана бу совғамни назарига илармикан, камситмасмикан», деган минг истиҳолада тухфа танлайди. Бу нотўғри. Ҳадянинг катта-кичиги бўлмайди, энг муҳими, чин кўнгида қилингандир. Мусулмон киши бундай янглиш тушунчага бормаслиги, ўзи томонидан ҳам, ўзига нисбатан ҳам шундай муомала қилинишига йўл қўймаслиги керак. Ёки «мен фалондай совға бергандим, шугина нарсани олиб



келибди», деган фикрдан тийилиш керак. Яхши тушуниш керакки, совға қайтариладиган қарз эмас. Ким нимага қодир бўлса, ўшани тухфа қилса кифоя. Бунда зўрма-зўракилик қилиб, турмушда оғирликни кўпайтириш тунохдан бошқа нарса эмас.

Ғаразли ниятда берилса, қабул қилмаслик талаб этилади

Ҳадяни қабул қилиш дўстлик рамзи ва ҳадя берувчини ҳурматлаш белгисидир. Уни қабул қилмай қайтариш эса ҳадя берувчини камситиш ҳисобланади. Натижада ўртада совуқчилик тушади. Шу боис ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ҳадяни қайтарманглар ва қақирувчининг қақирувини қабул қилинглар ва мусулмонларни урманглар», деганлар (Имом Байҳақий ривояти).

Аммо ҳадяни қабул қилмаслик жоиз бўлган ўринлар ҳам бор. Масалан, ҳадя пора ўрнида ёки берилган ҳадядан кўпроғини «ундириш» ёки бошқа бирор ғаразли ниятни амалга ошириш илнжида берилса, бундай ҳадяни қабул қилмаслик талаб этилади.

Суннат амаллардан бири — ҳадя олган киши ҳадя берувчига ташаккур айтиб, уни мукофотлашидир. Ойша розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳадяни қабул қилар эдилар ва унга кўра тақдирлар эдилар» (Имом Термизий ривояти). Демак, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳадя берувчини берган ҳадядан афзали билан ёки ўшанинг мислидек нарса билан тақдирлаганлар.

Миннат савобни кетказди

Ҳайит байрамлари сингари му-

борак кўнларда ҳадя бериш ундан кўзланган мақсаднинг самаралари янада зиёда бўлишига сабаб бўлади. Шунга кўра, ана шундай улғў кўнларда яқинларни ҳадя билан севинтириш афзал саналади. Ҳадя беришни ота-она ва устозлардан бошлаш ҳам ҳадя одобига қиради.

Айни вақтда муносиб ҳадя танлаш ҳам муҳимдир. Бунда совғанинг қиймати назарда тутилмайди. Ҳадя бериладиган кишининг табиатига қараб, кимгадир кийим-кечак, кимгадир китоб ёки бошқа яхши кўрадиган нарсасини танлашга ҳаракат қилиш лозим.

Қолаверса, ҳадя берувчи ҳадясини миннат қилмаслиги вожиб. Чунки миннат қилиш ҳадянинг савобини кетказди. Аллоҳнинг наздида қабул қилинмайди, балки азобга дучор этади.


Аллоҳ таоло садақа қилувчиларга буюради: «Эй имон келтирганлар! Молини одамлар кўрсин деб берадиган, Аллоҳга ва охираат кўнига ишонмайдиган кимсага ўхшаб, (берган) садақаларингизни миннат ва озор билан йўққа чиқарманг!» («Бақара» сураси, 264-оят). Ушбу буйруқ садақа қилувчиларга қарата айтилган бўлса-да, ҳеч шубҳасиз, ҳадя қилувчиларга ҳам тааллуқлидир.

Хуллас, ҳадя улашиш улкан савоб ва бу амални адо этаётганда юқорида тилга олинган одобларга риоя қилиш дунёвий ҳаётимиз учун ҳам, охираатимиз учун ҳам манфаатлидир. Аксинча сарфлаган маблағимиз билан ўзимизга фақат зиённи сотиб олган бўламиз. Аллоҳ таоло ҳар биримизни эзгу амалларда бардавом қилсин!

Муҳаммадюсуф ТЎРАҚУЛОВ,
Андижон вилояти
Олтинкўл тумани
бош имом-хатиби.



Ўзбекистонда масжидлар
сони 2072 тага етди.



Абдували САЙБНАЗАРОВ,
сиёсий шарҳловчи.

АФҒОНИСТОН: ТИНЧЛИКНИНГ машаққатли йўли

Сўнгги пайтларда Афғонистоннинг шимолий вилоятларида қонли тўқнашувлар сони ортган. Қундуз, Таҳор, Бадахшон, Сарипул ва Фарёбда жанглар шиддати кучаймоқда. Шарҳловчилар назарида Толибон ҳужумлари бундан-да ошиши мумкин.



Шимолий вилоятлардаги хавфсизлик ҳолатини ўрганиш учун Мозори Шарифга келган НАТО қучларининг Афғонистондаги бош қўмондони Скотт Миллер толибларни зўравонликларни камайтиришга чақирмоқда. «Афғонистондаги вазиятни кузатиб турибмиз. Афғон халқи нима ҳоҳлаётганини яхши биламиз, уларга тинчлик керак. Толиблардан зўравонликлар қўламини чеклаш талаб қилинмоқда. Афғон ҳарбийлари билан ҳамкорлик масаласи ҳам муҳокамада», — дейди Миллер. Ҳукумат хавфсизликни таъминлашга қатъиян эътибор қаратилаётганини таъкидлаб келса-да, вазият тез юмшашидан умид қилиш қийин. Фарёб — жанглар кучайган вилоятлардан бири. Ҳукуматга кўра, икки кунда 58 толиб ҳалок бўлган. Тўқнашувлар натижасида тўнч аҳоли вакиллари ҳам жон берган. Маҳаллий ҳукумат бир неча йилдан бери толиблар назоратида бўлган Фарёб — Жузжон трассасини тозалашга уринмоқда. Бундай операциялар аввал ҳам бир неча бор синаб кўрилган: ҳеч қандай натижа чиқмаган.

Толибларнинг шарти нима?

Афғонистоннинг шимолий вилоятларида давом этаётган беқарор вазият учун ҳукумат айбланмоқда. Вилоятлардаги фаол сиёсий гуруҳлар ўртасидаги зиддиятлар ҳам вазиятга салбий таъсир кўрсатмоқда. Шунингдек, масъулиятини ҳеч бир гуруҳ ўз зиммасига олмаётган хуружлар ҳам содир этилмоқда. Хусусан, 20 август кuni Балх вилоятининг Ҳайратон тумани ҳудудида «Ўзбекистон темир йўллари» таркибидаги «Сўғдиёна транс» компанияси ҳодимлари нишонга олинган эди. Афғон ҳукумати айбдорларни топиб жазолашга ваъда берди.

Айтиш жоизки, сўнгги пайтларда яна Афғонистонда доимий ярашувни қарор топтириш ҳаракатларига зўр берилган. АҚШ ва минтақа давлатлари бу борадаги музокараларда фаол. Афғонистон Толибон ҳаракати эса, бунинг учун қатор шартларини илгари сурганди. Улардан энг муҳимларидан

бири ўзларидаги мингта афғон маҳкумини озод этиш эвазига Афғонистон ҳукумати қамқонналариди сақланаётган беш минг аъзосини қўйиб юборилишидир. Томонлар барча маҳкумларнинг тақдири юзасидан бир тўхтамга келишган. Аммо «оғир жиноятлар» содир этган 400 нафар Толибон маҳкумининг тақдири ҳануз ноаниқ қолаётганди. Афғон ҳукумати ҳудди шу масалани муҳокама этиб олиш учун 7 август кuni мамлакат тажрибасидаги энг йирик йигин — Лоя Жиргани чакрди. Анъанага мувофиқ, Жиргада Афғонистоннинг бутун давлат аҳамиятига молик масалаларигина қўриб чиқилади. Унда минглаб вакиллар бутун Афғонистонни намоён этади. Лоя Жирга аъзоларининг аксарияти Толибон маҳбусларини шартли равишда озод этиш учун овоз берган. Бу афғон гуруҳлари орасида тинчлик музокаралари бошланишига йўл очиши мумкин эди. Толибон гуруҳи қолган 400 маҳбус озод этилиши биланок уч кун ичида тинчлик музокараларини бошлашга ваъда берди ҳам.

Афғонлараро мулоқотлар нима учун ҳанузгача амалга ошмаяпти?

Кўпчилик тарихий қарор қабул қилинганидан мамнун бўлди. Энди Доҳда толибон ва ҳукумат тинчлик ўрнатиш юзасидан музокаралар бошланишига йўл очилгандек бўлди. Бу ҳодиса юз беришини шу йил ноябрь ойида АҚШда навбатдаги президент сайловида ғолиб чиқишни кўзлаган Трамп кўпроқ истаётганди. Трамп маъмурияти сайловга қадар Афғонистон масаласини бир ёқли қилиб олиш, афғон тупроғидаги қўшнларни сонини кескин қисқартириш ва келаси йил ўрталарига бориб, буткул олиб чиқиб кетишни истаиди. Бу эса Афғонистон Толибон ҳаракати аввалбошдан илгари суриб келаётган энг асосий талаблардан бири бўлади. Ҳудди шу мақсадда маъмурият сўнгги пайтларда томонларга яна ўз босимини кучайтирган, томонларни тезроқ бир тўхтамга келишга чақирган. Тарихий тинчлик

келишуви афғон ҳукумати ва ҳаракат орасидаги илк юзма-юз мулоқотлар, бунинг ортидан Афғонистонда доимий тинчликка йўл очиши керак. Хали март ойидаёқ бошланиши кўзда тутилган афғонлараро мулоқотлар эса, ҳанузга қадар амалга ошмай келади. Бунга сабаб зиддиятли президент сайлови натижалари ортидан, мамлакат тарихида кузатилмаган воқелик юз берди. Афғонистонда бирваракайига қўшалок президент ҳокимият тепасига келди. Сайловда асосий муҳолиф номзодлар бўлган амалдаги президент ва собиқ икромий раис фақат яқинда — май ойидагина бир сиёсий келишувга келишган, ҳокимиятни бўлишшига рози бўлишган. Ярашув ортидан Муҳаммад Ашраф Ғани яқка президент бўлиб қолди, доктор Абдулла Абдулла эса, айнан тинчлик музокараларига масъул янги кенгаш раҳбарлигини эгаллади.

Учинчи қўл ҳаммасини барбод қилмоқда...

Афсуски, АҚШнинг Европадаги иттифоқчилари Толибоннинг тинчлик жараёнлари доирасидаги асирларининг сўнгги гуруҳини озод этилишига қарши чиқди. Биринчи бўлиб Франция ўз позициясини эълон қилди. Европа Иттифоқининг бошқа аъзо давлатлари ҳам бунга қўшилиши кутилмоқда. Бу ҳолат Кобулда толиблар иштирокида ҳукумат тўзилишидан манфаатдор бўлмаган, жараёнлар чўзилишини хошлайдиган кучлар фойдасига ўйнаши табиий. Париж энг кўзга кўринган жангарилар озод этилишига қарши. Франция назарида озод этилиши мумкин бўлганлар орасида Афғонистонда Франциянинг бир неча фуқароларини ўлдиришда айбаниб озодликдан маҳрум этилган террорчилар бор. Президент Муҳаммад Ашраф Ғанининг ўзи ҳам 400 нафар толибоннинг озод этилишини ва тинчлик жараёнлари бошланишидан у қадар манфаатдор эмас. Расмий Кобул АҚШ ва коалиция қўшинларининг ҳам бу қадар тез олиб чиқиб кетилаётганидан ташвишда. Афғонистон шимолида тинчликларвар

операцияларда катнашаётган Германия ҳам халқаро кучларнинг қисқартирилиши тинчлик қарор топишига боғлиқ бўлиши кераклигини таъкидлаётти. Берлин фикрича, Толибон зўравонлик қўламини пасайтириши, халқаро террорчиликка қарши эканини намоён этиши ва афғон ҳукумати билан тинчлик музокараларини бошлаши керак. Толибоннинг ўзи асирларни алмашиш жараёнининг чўзилишига йўл қўйиб бўлмалиги юзасидан огоҳлантирмоқда. Афсуски, афғонлараро тинчлик музокаралари бошланишига бир баҳя қолганида яна қайсидир учинчи давлатларнинг аралашуви билан сулҳ орзулари чиплакка чиқмоқда.

Ўзбекистон — тинчлик тарафдори

Қўшни Афғонистонда тинчлик қарор топишдан манфаатдор томонлардан бири Ўзбекистон ҳисобланади. Яқинда Ўзбекистон ташқи ишлар вазирлиги Лоя Жирганинг қарорини расман олқишлаб чиқди. Бу юзасидан тарқатилган баёнотда «музокаралар жараёни бошланишини тўлиқ қўллаб-қувватлаш» билдирилган. Баёнот якунида эса, «Ўзбекистон тинчлик жараёнини илгари суришда ҳар жиҳатдан ёрдам кўрсатишда давом этилишини таъкидлади. Трамп маъмурияти ҳам орада янги Ўзбекистоннинг тинчлик жараёнидаги ролини ошқора олқишлаб қолди, пандемияга қарамай, яқинда ўзининг Афғонистон бўйича махсус вакили Залмай Халилзодини яна бир бор Тошкентга юборди. Толибон ҳам расмий Тошкентнинг бу йўлдаги саъй-ҳаракатларини безътибор қолдирмади, яқин-яқингача ҳам Доҳа ва ҳам Ўзбекистоннинг ўзида улар билан музокаралар олиб борилди.

Хўлас, 18 йилдан буён толибон ва халқаро коалиция ўртасида тўхтамаётган жанглардан сўнг АҚШ ва «Толибон» ҳаракати ўртасида битим имзоланиши, албатта, бутун минтақа учун муҳим воқеадир. Бунинг Афғонистондаги тинчлик учун аҳамиятини баҳолаш мушкул вазифа. Аммо олдинда ҳали мураккаб иш турибди. Кўплаб қийин, нозик муаммолар сақланиб қолмоқда. Аслини олганда, АҚШ ва толиблар ўртасидаги битим тинчликка олиб боруви йўлнинг ниҳояси эмас, балки фақат бошланишидир. Ҳозир бевосита тинчлик жараёни, афғонлараро тўғридан-тўғри мулоқотни бошлаш муҳим. Шу муносабат билан имкон қадар тезда ҳукумат ва муҳолифат делегацияларини шакллантириш, Афғонистонни тинч йўллар билан қайта тиклаш барча масалалари бўйича конструктив мулоқотни бошлаш жуда муҳимдир. Бу жараён ҳар қандай ташқи аралашувдан холи бўлиши керак. Бир сўз билан айтганда, Афғонистон тақдири афғонларнинг ўз қўлидадир.



Осиё тараққиёт банки юртимизда бир нечта
ГЭС қурилиши учун маблағ ажратади.

Карантин даврида

«СПОРТ
ВАЗИРЛИГИ»

нима билан банд?

2020 йил нафақат мамлакатимиз, балки дунё спортда муҳим йил бўлиши кутилаётган. Жумладан, 24 июль – 9 август кунлари кунчиқар юрт — Японияда XXXII ёзги Олимпия ўйинлари ўтказилиши белгиланган, юртимизда ҳам кўплаб нуфузли мусобақалар ва тадбирлар ўтиши лозим эди. Аммо коронавирус пандемияси туфайли режалар буткул ўзгариб кетди. «Токио–2020» бир йил кейинга сурилди, кўплаб спорт тадбирлари кечиктирилди ёки бекор қилинди.

Хуллас, орзулар, режалар, мақсадлар ўзгарди. Хўш, ҳозирги мураккаб шароитда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг фаолияти қандай ташкил этилмоқда? Шу ва бошқа саволлар юзасидан Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ахборот хизмати раҳбари Отабек Эшмаматовнинг фикрлари билан қизиқдик.

Машғулотлар
масофадан олиб
борилмоқда

— Пандемия бошланишида спорт ташкилотлари, федерациялар, спорт мактабларида бундай шароитда ишни қандай ташкил этиш, машғулотлар узлуксизлигини таъминлаш, айниқса, нуфузли мусобақаларга тайёргарлик олиб бораётган спортчиларнинг жисмоний юксак ҳолатини сақлаб қолиш масаласида сузташликка йўл қўйилган вазиятлар ҳам бўлди, — дейди О.Эшмаматов. — Бироқ қўрилган тизимли чора-тадбирлар натижасида машғулотларни масофадан олиб бориш дастури ишлаб чиқилди. Бу борадаги махсус ўқув режалар ва машғулотлар мундарижаси спорт мактаблари ва федерациялар орқали ҳар бир тренерга етказилган. Токио Олим-

пиадасига муносиб тайёргарлик кўриш доимий эътиборимизда. Машғулотлар мураккаб вазиятга қарамасдан тасдиқланган дастур асосида олиб борилмоқда. Ҳар бир олимпиячи учун уй шароитида машғулотларни тўлақонли олиб бориши, уларнинг саломатликларини мунтазам назорат қилиш борасида махсус дастур ишлаб чиқилиб, кунлик, ҳафталик машғулотлари таҳлил этиб борилмоқда. Жисмоний ва руҳий мувозанатлари бириктирилган шифокорлар, диетолог ва руҳшунослар орқали кузатувда.

Хорижлик мураббийлар
карантинда ҳам
Ўзбекистонда қолди

Спортчиларимизнинг Олимпия ва Паралимпия ўйинларига муносиб тайёргарлик кўришини таъминлаш мақсадида 13 та спорт тури бўйича 18 та хорижий тренер жалб қилинган. Уларнинг аксарияти, аниқроғи, 15 нафари карантин даврида ҳам юртимизда қолиб, шогирдлари билан онлайн шуғулланди. Бундан ташқари, Олимпия спорт турлари бўйича миллий терма жамоаларга жалб этилган хорижлик малакали тренер-маслаҳатчи ва мутахассислар билан ҳудудлардаги ёш ва иқтидорли спортчилар учун онлайн маҳорат дарслари ўтказилмоқда. Аниқ мисоллар билан айтадиган бўлсам, шу кунгача Ўзбекистон дзюдо федерацияси томонидан япониялик мутахассис Тому Тори иштирокида Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Андижон, Фарғона, Наманган вилоятларида, Ўзбекистон ВТФ таэквондо ассоциацияси ташаббуси билан жанубий корейлик мутахассис Жинг Юнг Ким иштирокида Андижон, Фарғона ҳамда Наманган вилоятларида, Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси ташаббуси билан мураббийлар Арсен Ахметов ҳамда Заза Силагадзе иштирокида барча ҳудудларда онлайн семинар ҳамда маҳорат дарслари ташкил этилди. Тажрибали мураббийлардан бугун олинаётган билим ва тажриба эса уларга келгуси фаолиятида қўл келишига шубҳа йўқ.

Олимпия
ўйинларига
йўлланмаларни
тўғридан-тўғри
тақдим этувчи
20 га яқин
халқаро мусобақа
ўтказилмай қолди.

Олимпиадага йўлланмалар
кўпайиши мумкинми?

2021 йилга қолдирилган Олимпия ўйинларига ҳозиргача спортчиларимиз 15 та спорт тури бўйича (теннис, велосипед, байдарка ва каноэда эшак эшиш, юнон-рум кураши, оғир атлетика, спорт гимнастикаси, енгил атлетика, замонавий бешкураш, таэквондо WTF, бокс, пара ўқ отиш, параканоз, пара сузиш, пара енгил атлетика, пара таэквондо) жами 40 та йўлланмани қўлга киритган. Афсуски, пандемия сабабли Олимпия ўйинларига йўлланмаларни тўғридан-тўғри тақдим этувчи 20 га яқин халқаро мусобақа ўтказилмай қолди. Ҳозир Халқаро олимпия қўмитаси қолдирилган саралаш мусобақаларининг муддатларини кўриб чиқмоқда. Республика махсус комиссияси Олимпия спорт турлари бўйича мамлакат терма жамоаси аъзоларига спорт мажмуаларида Токио ўйинларига тайёргарлик кўришни бошлашга рухсат берган. Шунга асосан, ҳозир терма жамоаларимиз аъзолари махсус базаларда карантин қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда ва шифокорларнинг доимий назорати остида ўқув йиғинларга киришган. Таҳлилларимизга кўра, спортчиларимиз 22 та спорт туридан Олимпия ва Паралимпия ўйинларининг яна 74 та йўлланмасини қўлга киритиш оstonасида турибди.

Россия давлати
жисмоний тарбия
университетининг
юртимиздаги филиали
қачон битказилади

Президентимизнинг қарорига мувофиқ, ўтган йили Самарқанд шаҳрида Россия давлат жисмоний

тарбия, спорт, ёшлар ва туризм университети филиали ташкил этилган. Филиалга 2019-2020 ўқув йилида 150 нафар (шундан 45 таси давлат гранти асосида) талаба ўқишга қабул қилинди. Филиал биносида амалга оширилаётган ишлар якунига етмаганлиги сабабли 2019-2020 ўқув йилида талабалар Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетидан шу олийгоҳнинг профессор-ўқитувчилари раҳбарлигида тахсил олишди. Мазкур филиалда спорт фаолияти йўналиши, яъни спортнинг асосан ўйин турлари, жумладан, футбол, волейбол, баскетбол, қўл тўпи, теннис ва енгил атлетика бўйича мутахассислар, тренерлар тайёрланади.

Манзилли дастур доирасида Россия давлат жисмоний тарбия, ёшлар, спорт ва туризм университетининг Самарқанд филиали учун 400 ўринли ётоқхона қурилиши ҳамда мавжуд ўқув биналарини таъмирлаш учун жами 21,0 млрд. сўм маблағ ажратилган бўлиб, бу ерда амалга оширилаётган қурилиш-таъмирлаш ишлари якунланиш арафасида.

Хулоса ўрнида

Бу йил барча жабҳаларда бўлгани каби жисмоний тарбия ва спорт соҳаси вакиллари учун ҳам синовли йил бўлмоқда. Лекин ҳали йил якунлангани йўқ. Ҳозир Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда 2020 йилнинг қолган даври учун алоҳида, қисқартирилган спорт мусобақалари тақвими ишлаб чиққан. Бунда муҳим чемпионатлар, халқаро турнирлар эътибордан четда қолмайди. Карантин даври ортда қолиши билан шиддатли спорт мусобақалари, қизгин беллашувлар даври бошланади. Айниқса, аҳолининг турли қатламларини қамраб оладиган оммавий спорт тадбирларига кенг ўрин берилади. Мақсад аниқ — юртдошларимиз орасида фаол соғлом турмуш тарзи қўнимасини шакллантириш, аҳоли саломатлигини янада мустаҳкамлаш.

Улуғбек ИБОДИНОВ
тайёрлади.



2020 йилда Ўзбекистонда бўлиб ўтиши режалаштирилган U-19 Осиё чемпионати бошқа муддатга кўчирилди.



Хаёлот инсон тафаккури билан реалликка айланади. Янги билимларни ўзлаштирмаслик жамиятларни бир қолипга солиб қўяди. Натижада дунё тамаддундан тўхтайди. Бир хил рангдаги оламда яшаш кимдadir қизиқиш уйғотиши эса, душвор. Унда яшашга иштиёқ қолармикин? Асло йўқ. Боиси илм-фан ҳамиша тараққиётда бирламчи куч бўлган. Тафаккурда кучлилар бу кун дунёни бошқараётгани сўзимизга исбот.

Шу кунгача илм кишига маблағ олиб келади, деб билардик. Бироқ илмий изланувчилар орасида юриб бир нарсга амин бўлдик: илм учун ҳам маблағ тикиш керак экан (фойдаланиш учун сотиб олинadиган адабиётлар назарда тутилмаган). Қандай қилиб?

Хар нарсанинг ўз талаби, меъёри бор. Илмий даража олиш ҳам худди шундай гап. Қайсидир рўйхату Scopus базасида бўлган журналда изланишлар натижалари ҳақида мақола бериш лозим. Йўқса, ишлингиз тайёр бўлса-да, химояга рухсат йўқ. Ҳа, майли дейсиз, кўнасиз. Изланишларингизнинг баъзи қисмларидан илмий мақола тайёрлайсиз. Қани энди уни шундайлигича қабул қилишса. Кимдир обуна учун, бошқаси етказиб бериш учун ҳақ сўрайди. Кетса-кетсин, ишим битса бўлди, дея жимгина кўнасиз.

Этиборлиси, бугун хорижий журналларда мақола чиқариш — бизнеснинг бир турига айланган. Биргина телеграм мессенжериди йигирмадан ортқ шундай хизматларни таклиф қилувчи гуруҳ ва каналлар бор. Хўш, улар қай даражада ишончли? Боз устига, у ёки бу халқаро маълумотлар базаси ҳар йили янгиланиб турилса.

Мана, масалан, жорий йилнинг июнь ойида «Elsevier» илмий нашриёт уйи Scopus маълумотлар базасидан чиқариб ташланган журналларнинг янги рўйхатини эълон қилди. Илмий-техник ах-

борот маркази эса Scopus маълумотлар базасидан чиқарилган журналларда олимларимизнинг чоп этилган мақолаларини таҳлил қилди. Маълум бўлишича, 2017-2018 йилларда 1121 та мақола чоп этилган, бироқ улардан 10 таси маълумотлар базасидан чиқарилган журналларда нашр қилинган.

Аслида олимларимизнинг изланишлари натижаси дунё тан олган маълумотлар базасида нечоғли салмоққа эга? Тадқиқотчилар халқаро базалар билан ишлашда қандай камчиликларга йўл қўймоқда?

— Бугун дунёда Web of Science, Scopus, RINCC, AgriS, GeoRef, CAS каби тан олинган бир қанча илмий нашрларнинг халқаро рефератив маълумотлар базалари мавжуд, — дейди Илмий-техник ахборот маркази бўлим бошлиғи, техника фанлари доктори Нилуфар Авезова. — Web of Science ҳамда Scopus маълумотлар базалари кўп тармоқли библиографик ва иқтибослилиқ таҳлилин амалга оширади. Жаҳонда кузатилаётган пандемия сабабли мазкур маълумотлар базалари ўз платформаларини барча илмий изланувчилар учун очди. Бу илмий изланувчилар учун айни муддаодир. Springer, Elsevier, Wiley ва Informa каби рейтинг юқори, халқаро маълумотлар базаларида индексацияланувчи нашриёт уйлари журналларида олимларимизнинг илмий фаолият натижалари эълон қилиб келинмоқда. Бу мамлакат илм-фани салоҳиятининг жаҳон ҳамжамияти олдидagi нуфузини белгилаб беради.

Миллий база яратилганми?

Нима учун илм аҳли изланишларини халқаро базаларда эълон қилиши керак? Аслида мамлакат илм-фани эришган ютуқлар миллий платформаларда бериб борилиши керак эмасми? Наҳот рақамлашаётган Ўзбекистонда илмий ишлар натижалари киритиладиган миллий илмий-ахборот базаларини яратиш ҳақида шу вақтгача ҳеч ким бош қотирмаган?

— Илм-фан тараққиётининг муҳим босқичи бўлган бу жараён бизда аллақачон бошланган, —

ИЛМИЙ ДАРАЖА олиш талаблари эскирдими?

(1-мақола)

дейди Н.Авезова. — Ziyonet.uz, Uzscite.uz, Uzbekistan Research Online каби илмий ахборот платформалари шулар сирасидан. Ziyonet.uz тармоғи, асосан, таълим соҳасида яратилган ишланмалар — дарслиklar, ўқув-услубий қўлланмалар, рефератлар ва бошқаларни қамраб олса, Uzscite.uz ва Uzbekistan Research Online Ўзбекистон илмий журналлари рецензиядан ўтказилувчи рақамли платформадир.

Албатта, бу билан кифояланиб бўлмайди. Шу боис илм-фан ва таълим соҳасида юқори самарадорликка эришишни таъминлаш учун рефератлар, мақолалар, диссертацияларнинг ягона Миллий илмий-ахборот маълумотлар базасини яратиш устида иш олиб боришмоқда. Бу илмий журналларнинг натижадорлиғи ва самарадорлигини баҳолашни амалга ошириш мақсадида республикада чоп этилувчи илмий журналлар матнларини ўзида жамлаган веб-портал яратиш юзасидан танлов эълон қилинган.

Очиғини айтганда...

Ўзбекистонда нашр этиладиган 2 та «Applied Solar Energy» («Гелиотехника») ҳамда «Chemistry of Natural Compounds» («Табиий бирикмалар кимёси») журнали Scopus халқаро маълумотлар базаси рўйхатига кирган. «Гелиотехника» халқаро илмий журналда 2017-2019 йиллар давомида олимларимиз 148 та илмий мақола нашр этган. Очиғини айтиш керак, мамлакатимиз миқёсида чоп этилаётган илмий журналларни халқаро маълумотлар базаларига кириши йўлида учрайдиган тўсиқлар мавжуд: аксарият илмий журналларнинг электрон веб-сайти мавжуд эмас. Халқаро плагиат тизимлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилмаган. Илмий мақолаларнинг салоҳияти халқаро андозаларга жавоб бермайди.

Ечим сифатида

Муаммоларни бартараф этиш учун илмий журнал аниқ ихтисосликка йўналтирилган (профилли) бўлиши лозим. Таҳрир хайъати аъзолигига муайян илмий йўналишда жаҳонда эътироф этилган хорижий мутахассисларни

жалб қилиш вақти келди. Илмий фаолият жараёнида кўчирмачиликнинг олдини олиш бўйича дунёнинг етакчи антиплагиат тизимлари билан ҳамкорлик қилиш, икки қарра аноним тақриз(рецензия)дан ўтказиш (double-blind peer review) амалиётини йўлга қўйиш шарт. Шунингдек, илмий-техник журнал фаолиятини халқаро андозалар асосида баҳолаш ҳамда чоп этилган илмий мақолаларга бевосита иқтибос келтириш имкониятини яратиш керак. Бу, ўз навбатида, Европа тажрибаси ва халқаро андозалар асосида журналнинг электрон веб-сайтини ишга тушириш талабини қўяди. Шу билан бирга, ягона миллий ҳаволалар кўрсаткичини ташкил қилиш ҳамда Миллий илмий-ахборот маълумотлар базасини яратишимиз лозим.

Илмий изланишлар натижаларини оммалаштириш, жаҳон ҳамжамиятига етказиш борасида ишлар бошлангани эътирофга лойиқ. Бироқ лозим, керак, талаб этилади каби изоҳлар билан кифояланиш ярамайди. Назаримизда, бирон илмий даражани олиш босқичларини, унга қўйилган талабларни яна бир қур кўздан кечирish керак. Хорижда мақола чоп этиш шарт, деган талаб қўйилган қайси изланувчи миллий базаларда чиқишлар қилишга куч беради? Химоя палласида қўшимча саволлар берилмаслиғи учун ҳам фалон сўмга ўша рўйхатда тиркалган журналда мақола эълон қилади. Бундан ким ютқази бизми ёки ўша журнал масъулларими? Шу ўринда ҳақли савол туғилади: ўзи чет элдаги изланувчилар ҳам бизнинг журналларга мақола беришадими?..

Садокат МАХСУМОВА
«Mahalla»



2021 йил 1 январдан бошлаб Адиблар хиёбони ҳамда Тошкент тарихи музейи туристик йўналишларга киритилади.

ИЖОД

Ўзбекистонда янги мукофот таъсис этилди

— Ўртимизда янги «Илҳом» мукофоти таъсис этилгани тўғрисида эшитдим. У кимларга берилади?

Яшнар СОЛИЖОНОВ.
Тошкент шаҳри.



Фозил ЖАББОРОВ,
Ёзувчилар уюшмаси раисининг матбуот котиби:

— Дарҳақиқат, мамлакатимиз ҳукуматининг 24 август куни қабул қилган қарорига асосан, «Илҳом» мукофоти таъсис этилди. Мазкур мукофот шоир ва ёзувчилар ҳаёти ҳамда ижодини ўрганиш, уларнинг асарларини таржима қилиш, шу асосда тадқиқотлар ўтказиш, кино ва сахна асарлари яратиш каби маънавий-маърифий, илмий-ижодий жараёнларда энг юқори натижаларга эришган олий таълим муассасаларида тахсил олаётган ҳамда фаолият юритаётган ёшларга берилади.

Номзодларнинг ҳужжатлари расмийлаштирилиб, ҳар йили 15 апрелга қадар танловни ўтказиш бўйича ташкилий кўмитага тақдим этилади. Танлов ғолиблари — 1-ўрин учун — «Spark» автомобили, махсус диплом ва статуэтка, 2-ўрин учун — 30 млн. сўм пул мукофоти, махсус диплом ва статуэтка, 3-ўрин учун — 15 млн. сўм пул мукофоти, махсус диплом ва статуэтка билан тақдирланадилар.

ИҚТИСОДИЁТ

Давлат хориждан товар сотиб олмайдами?

— Эшитишимча, яқинда Президентимиз томонидан қабул қилинган қарорга кўра, энди давлат ташкилотлари фақат маҳаллий корхоналар ишлаб чиқарган маҳсулотларни харид қилиши мумкин экан. Шу хусусида билмоқчиман.

Комрон ТУРСУНОВ.
Поп тумани.



Севара ЎРИНБОЕВА,
Адлия вазирлиги матбуот хизмати раҳбари:

— Жорий йил 21 август куни Президентимиз «Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорни имзолади. Унга мувофиқ, 2020 йил 1 ноябрдан устав фондида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахсларнинг импорт товарлари харидларининг мақсадга мувофиқлиги ҳар чоракда кузатув кенгашлари томонидан мажбурий тартибда кўриб чиқилад.

Шунингдек, «Давлат харидлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси (янги таҳрирда) ишлаб чиқилад.

МУДОФАА

Сержантларга энди даража берилади

— Эшитишимча, яқинда миллий армиямизда сержант унвони бекор қилинар экан. Шу ростми?

Алишер СОДИҚОВ.
Термиз шаҳри



Баҳром ЗУЛФИҚОРОВ,
Мудофаа вазирлиги ахборот хизмати раҳбари, подполковник:

— Йўқ. Сиз, жорий йил 25 август куни қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуннинг сержантлар масаласидаги бандини нотўғри тушунгансиз. Мазкур қонунга кўра, Қуролли Кучларда сержант ҳарбий унвони ўрнига III даражали сержант, II даражали сержант, I даражали сержант унвонлари таъсис этилди.

Қонун билан сержантлар таркибидаги ҳарбий хизматчиларни ҳарбий унвондан ноқўя хатти-ҳаракатлар содир этилганлиги учун бошқа интизомий жазо чоралари етарли бўлмаган тақдирда, суднинг ёки вазирлик ва идоралар раҳбарларининг қарорига кўра маҳрум этиш мумкинлиги белгиланди.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ

Ўқишга кириш бўйича айрим имтиёзлар бекор қилинди

— Олий таълим муассасасига ўқишга кириш бўйича айрим имтиёзлар бекор қилинбди. Шу ҳақида маълумот берсангиз.

Малоҳат ЭШОНОВА.
Нарпай тумани.



Фарҳод БАБАШЕВ,
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги матбуот хизмати раҳбари:

— Вазирлар Маҳкамасининг 21 август куни қабул қилинган қарорига кўра, Олий таълим муассасаларининг бакалавриятига талабаларни ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, Бадиий академиянинг тасвирий санъат бўйича республика танлови ғолиблари ОТМга танловдан ташқари кириш имтиҳонларисиз давлат грантлари асосида қабул қилиниши тартиби бекор қилинди. Эндилкида Бадиий академиянинг тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн йўналишлари бўйича республика танлови ҳамда мазкур йўналишлардаги халқаро танловларнинг ғолибларига Давлат академиясининг қарори билан тегишли ОТМларнинг касбий (ижодий) имтиҳонларида соҳа бўйича энг юқори балл белгиланган фандан максимал балл олиш имтиёзи берилади. Агар касбий (ижодий) имтиҳонларда энг юқори балл бир нечта фанлардан белгиланган бўлса, абитуриентга имтиёзли максимал балл олиш учун фанлардан бирини танлаш ҳуқуқи берилади.

Агар айрим таълим йўналишларида 1 та фандан касбий (ижодий) имтиҳон ўтказиш белгиланган бўлса, абитуриентга мазкур фан бўйича максимал балл берилади.

ПЕНСИЯ ТИЗИМИ

Иш стажини қандай тасдиқланади?

— Пенсияга чиқаётган инсон учун иш стажини тасдиқлаш масаласидаги қозғовчиликлар катта маънавият экани кўпчиликлари сир эмас. Эшитишимча, шу кунларда бу масалада анчагина енгилликлар жорий қилинаётган экан. Булар қандай енгилликлар?

Нурулло АКБАРОВ.
Ховос тумани.

Махсума ОРТИҚОВА,
Миробод туманидаги 5-сонли давлат нотариал идораси катта нотариуси:

— Вазирлар Маҳкамаси қарори билан жорий йил 19 август куни Иш ҳақи ва иш стажини тасдиқлаш ҳақида архив маълумотномасини бериш бўйича давлат хизмати кўрсатишнинг маъмурий регламенти тасдиқланди.

Унга мувофиқ, жисмоний шахслар ёки уларнинг яқин қариндошлари маълум ташкилотда ишлаган давридаги иш ҳақида ойд ва ишлаганлиги тўғрисидаги иш стажига оид маълумотнома олиш учун Давлат хизматлари марказларига (ДХМ) бориб ариза топширади ёки хизматдан электрон шаклда фойдаланиш учун Ягона интерактив давлат хизматлари порталида (ЯИДХП) рўйхатдан ўтади. Ариза берувчи сўровномани ўз электрон рақамли имзоси билан тасдиқлайди. Сўровномани электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш имконияти бўлмаганда тегишли имзолар идентификация қилишнинг бошқа воситалари (дактилоскопия, электрон имзо ва бошқалар) билан ҳам тасдиқланиши мумкин.

Давлат архиви сўровнома келиб тушган вақтдан бошлаб иш стажини тасдиқлашга оид маълумотнома учун 5 иш кунидан, иш ҳақини тасдиқлашга оид маълумотнома учун 20 иш кунидан ошмаган муддатда тегишли QR-кодли маълумотнома шакллантирилади ҳамда ДХМга ёки ЯИДХПга юборади. Бунда давлат хизмати кўрсатилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

